


# MUNDARIJA



50



22

## JARAYON

3 Tafakkurga berilgan  
yuksak rag'bat

## SUHBAT

6 Karomat Mullaxo'jayeva.  
Navoiyni anglash –  
Vatanni sevish  
yo'lidagi ulkan qadam

## SHUKUH

11 Matnazar Abdulhakim.  
Baxt

## HAMNAFAS

12 Tarixiy do'stlik silsilasi

## XAZINA

15 Abdusattor Jumanazar.  
Ziyorat yo'li

## NAZM

16 Muhammad Ismoil.  
Goh shodman, gohida  
ko'zga kelar yosh

34 Davlatjon Karim.  
Men seni uchratdim  
sendan ayrilib  
Kumush

54 Abdusalomova.  
So'zlar sening  
hamrohing bo'lsin

## NASR

18 Jamila Ergasheva.  
Mehmondorchilik

26 Muhammad Shodiy.  
Yomg'irdan so'ng  
Zokir Xudoyshukur.

41 Qashqa biya nolasi


44 Vafodor

46 Chibor

48



12



Navoiyni anglash  
– Vatanni sevish  
yo'lidagi ulkan qadam

31



- TADQIQOT**  
**22** Bahodir Karimov.  
Haq gapning xotibi va kotibi  
**24** Zigrid Klaynmixel.  
Tog'ay Murod  
**39** Farrux Jabborov.  
O'zbekning jahongashta ertaklari  
**50** Qunduzxon  
Husanboyeva.  
Ma'naviy komillik tasviri

- QO'LYOZMA**  
**30** Tursunboy Adashboyev.  
Tegirmonning ashulasi

- NIGOH**  
**31** So'zi va a'moli bir shoir

- MAKTUBOT**  
**36** Bobur Elmurod.  
Ildizdan yulduzgacha...

- TAVSIYA**  
**48** Leonardo da Vinchining ijodiy sirlari

- ESSE**  
**56** Jek London.  
Men anglagan hayot

- SURATDAGI SABOQ**  
**64** Kurashib yashash ishtiyoqi

56



41

02.2018  
(321)

YOSHLIK

Muassislar:  
O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi,  
O'zbekiston yoshlar ittifoqi

1982-yildan chiqa boshlagan.

Tahrir hay'ati:  
**Muhammad ALI**  
**Iqbol MIRZO**  
**Sirojiddin SAYYID**  
**Jiyanboy IZBOSKANOV**  
**Farrux JABBOROV**

Jamoatchilik kengashi:  
**Qahramon QURONBOYEV**  
**Abdurasul ABDULLAYEV**  
**Azamat UMAROV**  
**Ahmad OTABOYEV**  
**Shuhrat SIROJIDDINOV**  
**Serobiddin ISMOILOV**

Bosh muharrir:  
**Nodir JONUZOQ**

Bosh muharrir o'rinbosari:  
**Nurilla CHORI**

Mas'ul kotib:  
**Bobur ELMUROD**

Adabiy muharrir:  
**Husan MAQSUD**

Mas'ul muharrir:  
**G'iyosiddin O'NAROV**

Badiiy muharrirlar:  
**Akbarali MAMASOLIYEV**  
**Rahmatjon YUNUSOV**

Manzilimiz:  
Toshkent shahri, Alisher Navoiy nomidagi Milliy bog', Adiblar xiyoboni,  
Yozuvchilar uyushmasi binosi.  
E-mail: yoshlik-jurnali@umail.uz  
Veb sayt: www.yoshlikjurnali.uz  
Tel.: (0371) 231-20-58, 231-20-59

Navbatchi muharrir: B. Elmurod  
Bosishga 20.02.2018-yilda ruxsat berildi.  
Qog'oz formati: 30x42 1/4  
Nashriyot hisob tobog'i: 8,7  
Indeks – 822.  
ISSN 0207-9137. Jurnal 2007-yil 4-mayda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligi tomonidan № 0253 raqami bilan ro'yxatga olingan. Jurnaldan ko'chirib bosilganda "Yoshlik" dan olindi" deb izohlanishi shart. "SILVER STAR PRINT" MChJ bosmaxonasida chop etildi.  
Buyurtma № 20. Adadi: 4175  
Toshkent shahri, Uchtepa tumani, 22-mavze, 17-uy.

# Tafakkurga berilgan yuksak rag‘bat

Китоб – руҳият озуқаси. У кўнгилга нур бериб, қалб кўзини равшанлаштиради, воқеа-ҳодисаларга онгли ёндашишни ўргатади. Доно халқимиз айтганидек, она-табиатни офтоб иситса, инсоннинг кўнгил оламини китоб ёритади.

Китоб ўқиган киши дунёни бошқалардан кўра теранроқ англайди, ўткинчи лаззатларга кўнгил бермайди, инсон ва унинг туйғуларини ҳамма нарсадан юқори қўяди.

Азал-азалдан ота-боболаримиз томонидан бебаҳо китоблар қадрланиб, улар маънавий бойлик сифатида авлоддан-авлодга ўтиб келган. Қишнинг қаҳратон кунлари-ю, жазираманинг ойдин кечаларида ҳам одамлар бир жойга жам бўлишиб, китобхонлик, газалхонликлар қилишгани бежиз эмас.

*Хабарингиз бор, мутлақ золиб деб топилган иштирокчига Президент совғаси – “Spark” автомашинаси берилиши маълум қилинган эди.*

Бир сўз билан айтганда, китобни қадрлаган юрт, илмни эъзозлаган миллат ҳамма даврларда ҳам эҳтиромга лойиқ кўрилган.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 18 июлдаги “Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини такомиллаштиришга доир комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, мамлакатимизда биринчи марта “Ёш китобхон” танлови ташкил этилди. Ушбу кўрик-танловдан кўзланган асосий мақсад ёшлар орасида мутолаа муҳитини яратиш, китобхонлик маданиятини шакллантириш, ёшларнинг интеллектуал билимлари ва маънавий савиясини ошириш, адабиётнинг сеҳрли оламига олиб киришдир. Унда икки ёш тоифаси – 14–19 ва 20–30 ёшгача бўлган ёшлар иштирок этди.

Кўрик-танлов ҳақида оммавий ахборот воситалари орқали эълон берилгач, юртимизнинг барча ҳудудларидан танловда иштирок этиш учун 230 мингга яқин аризалар қабул қилинди. Ноябрь-декабрь ойларида танловнинг туман-шаҳар ҳамда ҳудудий босқичлари бўлиб ўтгач, республика босқичида иштирок этиш учун Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан вакиллар сараланди.

Хабарингиз бор, мутлақ золиб деб топилган иштирокчига рағбат сифатида Президент совғаси – “Spark” автомашинаси берилиши маълум қилинган эди. Ушбу совриннинг бош мукофот сифатида қўйилиши танловнинг ўта шов-шувли ва қизғин тус олишига, ёшу кексанинг эътиборини тортишига сабаб бўлди.

Шундай қилиб, танловнинг республика босқичи февраль ойининг иккинчи ўн кунлигида телетанлов шаклида ташкил этилди.





Биринчи ёш тоифаси бўйича Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзо, таниқли адиб Хуршид Дўстмуҳаммад, филология фанлари доктори, профессор Баҳодир Каримов ва шоира Сайёра Тўйчиева ҳамда иккинчи босқичда Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир, шоира Фарида Афрўз, филология фанлари доктори, профессор Курдош Қаҳрамонов ва “Yoshlar ovozi” газетаси бош муҳаррири Фахриддин Каримовлардан ташкил топган ҳакамлар ҳайъати баҳолаб борди. Голибларни аниқлашда иштирокчиларнинг белгиланган китоблар, газета ва журналларни ўқиганлиги, мутолаа қилган асарларининг моҳиятини тушунганлиги ва мазмунини ифодали сўзлаб бериши каби жиҳатлар ҳисобга олинди.

Финал иштирокчилари биринчи шартда 1 дан 20 гача бўлган рақамлар ортида яширинган маънавий-маърифий, тарихий соҳага оид китобларни танлаб, улар ҳақида ўз мулоҳазаларини билдиришди. Танловнинг иккинчи “Бадиий китоблар билимдони” шартда эса иштирокчилар актёрлар томонидан ижро этилган сюжетга оид эпизод ёки монолог қайси асардан олингани, унинг мазмун-моҳияти, гоёси ва аҳамиятини шарҳлаб бердилар.

“Мен севган адиб” деб номланган 3-шартда мониторинг кўрсатилган 50 та рақам ортида яширинган мумтоз ва замонавий ўзбек адабиёти намояндалари ҳамда жаҳон адабиёти вакилларида тўрт адабий сиймони танлаб, уларнинг ҳаёти ва ижодига оид маълумотларни айтиб ўтишди. Финал босқичи “Шеърят” шарт билан яқунланди. Ушбу шартга кўра, иштирокчилар экранда кўрсатилган ва айрим сўзлари тушириб қолдирилган мисраларнинг муаллифи ва ушбу шеърнинг мазмун-моҳиятини сўзлаб беришди.

Маънавият, илм ва тафаккур курашида шаффофлик тўлиқ таъминланди! Ниҳоят, бир неча кун давом этган қизгин баҳслардан сўнг, “Ёш китобхон” танловининг 14 ёшдан 19 ёшгача бўлган ёш тоифасидаги мутлақ голиби

аниқланди. Якуний натижаларга кўра, 1-ўрин Самарқанд вилоятидан Моҳинисо Шомуродовага насиб этди. Унга Ўзбекистон Республикаси Президентининг совғаси – “Spark” автомашинаси топширилди.

Ўн тўққиз ёшгача бўлган китобхонлар ўртасида энг яхши китобхон деб топилган нарпайлик Моҳинисо Шомуродованинг оила аъзолари, хусусан, ота-онаси фарзандининг ютуғидан жуда хурсанд. Қизининг муваффақиятидан кўзлари қувончдан ёшланган Моҳинисонинг онаси – Азиза опани суҳбатга тортдик:

– Ўқитувчи бўлганим учунми, болаларим китобни севади. Еттита фарзандимиз бор – олти қиз, битта ўғил. Моҳинисо учинчиси. Икки опаси ҳозирда университетда ўқишяпти. Биласиз, бунча болани олий таълимда ўқитиш осон эмас. Шунинг учун отаси қизларимнинг тўлов-шартномасини тўлайман, деб машинамизни сотганди. Мана, Моҳинисо қизим отаси сотган эски машина ўрнига янгисини олиб келди.

Ўнинчи синфда ўқиётган Моҳинисо ота-онасининг ишончини оқлаганидан жуда шод. Китобга қизиқишига оиладаги муҳит бир сабаб бўлса, ўзининг ижодкорлиги – шеър машқ қилиши уни доимий мутолаага ундаб тураркан.

– Еттита фарзандни тарбия қилиш, уларни бировдан кам қилмай улғайтиришнинг ўзи бўлмайди, – дейди Моҳинисо. – Ота-онам барчамизга бир нарсани – фақат яхши ўқишимизни ўқитишади. Шунинг учун улар шаҳарга ё вилоят марказига кетишса, албатта янги нашрдан чиққан китоблардан олиб келишади. Биз – опа-сингиллар эса талашиб ўқиймиз. Шу ютуғимга ҳам аслида ота-онам сабабчи бўлишган. Шунинг учун бу ютуқни уларники деб биламан.

Танлов мобайнида иштирокчилар бор билимларини ишга солишди. Ижодкорлар ҳамда уларнинг асарлари хусусидаги жавобларини ҳайъат аъзолари алоҳида эътибор билан тинглаб, холис баҳолади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари, халқ шоири Иқбол Мирзо чин маънодаги ушбу китоб байрами ҳақида шундай деди:

– Бундай танловнинг ташкил этилиши, шубҳасиз, келажакка эътибордан дарак беради. Мана, китоб ўқиб

*Танловнинг ташкил этилишидан асосий мақсад ёшлар орасида мутолаа муҳитини яратиш, китобхонлик маданиятини шакллантириш, ёшларнинг интеллектуал билимлари ва маънавий савиясини оширишдир.*

машина ютиб оладиган пайтлар келди. Буни биз ёшлигимизда тасаввур ҳам қилмаганмиз. Китоблар барча юртда ўқилади, китобхонлар барча юртда бор. Лекин ҳеч бир мамлакатда энг яхши китобхон шахсан давлат раҳбари – Президент томонидан рағбатлантирилмайди. Юртбошимиз ўз фаолиятларининг илк паллаларидан бошлаб маънавиятга, хусусан, адабиётга алоҳида эътибор қаратганлиги ҳаммамизга маълум. Ушбу танлов ҳар йили шундай кўтаринки руҳда ташкил этилса, кўп ўтмай ёшларимиз ўртасида оммавий китобхонлик авж олади. Голиблар эга бўлган мукофот бу – сотиб олинган нарса эмас, бу илмга, тафаккур ва дунёқарашга берилган юксак рағбатдир.

Ўттиз ёшгача бўлган ёшлар ўртасида фарғоналик Шарофат Исмоилова “Spark” соҳибаси бўлди ва машина калити шундай китобхон қизни тарбиялаган отага тантанали топширилди.

Қўқон давлат педагогика университети филология факультетининг учинчи босқич талабаси бўлган Шарофат Исмоиловани она юрти Фарғона катта хурмат-эҳтиром билан кутиб олди. Ал-Фарғоний, ал-Марғи-нонийлардек алломаларни дунёга келтирган бу ўлка одамлари ушбу китобсевар қизи билан фахрланса арзийди.

– Болалигимда дадам Саъдий Шерозий газалларини ёдлатардилар. Опа-акаларимнинг қўлларида ҳамиша китоб бўларди, – дейди Шарофат. – Ҳофизни бирга ўқирдик. Мен ҳам шу тариқа адабиётга боғландим. Мутолаага киришиш – мислсиз завқ-шавқни туйишдир. Ўқимаган китобларим – ҳис этиб улгурмаган ҳайратларим!

*Танлов мобайнида иштирокчилар бор билимларини ишга солишди. Ижодкорлар ҳамда уларнинг асарлари хусусидаги жавобларини ҳайъат аъзолари алоҳида эътибор билан тинглаб, холис баҳолашди.*

Уч-тўрт йил олдин оддий қишлоқ қизи китоб ўқиб, машина эгаси бўлди деса, кўпчилик ишонмаслиги аниқ эди. Аммо оммавий ахборот воситалари орқали кўрик-танлов жараёнлари ёритилиб борилганини кўрган юртдошларимиз бунга ишонишди ва ҳайратланишди. Ўйлаймизки, энди фарзандини Моҳинисо ва Шарофат сингари китобхон бўлишини истаган ҳар бир ота-она болаларининг таълим олиши ва китоб ўқишига жиддий эътибор беришади.

Ушбу танлов ёшлар ўртасида оммавий китобхонликнинг ёйилишига, ҳақиқий маънодаги зиёли ёшлар қатлами етишиб чиқишига замин яратади. Шунингдек, ижтимоий ва маънавий ҳаётимизга таҳдид солаётган иллатлар аста-секин йўқолади, ёшлар онгу шуурида Ватанга муҳаббат, меҳр-оқибат туйғулари шаклланади.

**Хусан Мақсудов**



# Navoiyni anglash

– *Vatanni sevish  
yoʻlidagi ulkan qadam*

**Филология фанлари номзоди,  
навоийшунос Каромат Муллахўжаева  
билан Хусан Мақсудов суҳбати.**



Инсон яралибдики, у жисмоний ва маънавий-руҳий эҳтиёж қуршо-вида яшайди. Жисмоний эҳтиёжи қондирилган вужуд қониқиш ҳосил қилганидек, маънан озукланган қалб (ва албатта тафаккур ҳам) қувватли бўлади, тозаради, юксалади... Таассуфки, бугунги замон кишисига моддият бирламчи бўлиб, адабиёт ва санъат вақтни оладиган бир нарсадек туйилаётгани ҳам бор гап.

Моддият ва маънавият кураши кетаётган шундай даврда мумтоз адабиёт, хусусан, ҳазрат Навоийни ўқиш ва уқиш кўпчиликка эриш туйилаётгани ачинарли, гўё шусиз ҳам яшаш мумкиндай...

Филология фанлари номзоди, навоийшунос олима Каромат Муллахўжаева билан ҳазрат Алишер Навоий ижоди хусусида суҳбатлашдик.

– Каромат опа, суҳбатимиз ёшлар журналида топ этилишини инобатга олиб, уни бевосита ҳазрат Алишер Навоий асарларини ўрганиш ва ўргатиш масаласига қаратсак.

Бугунги глобаллашув жараёнининг яхши томонларидан кўра кишиларга, аниқроғи, ёш авлодга етказаетган зиёнини кўриб, одамнинг кўнгли сал хира тортади. Шундай эса-да, дилингиз нурафшон бўладиган нарсалар борлигидан хурсанд бўласиз: яхшиям дину диёнат бор, адабиёт бор, санъат бор. Шулар воситасида келажак эгаларини турли маънавий балолардан асрашга ҳаракат қиламиз. Шукрки, Навоий асарларида биз истаган ва бизга маънавий кўмакдош бўладиган барга нарса бор. Зеро, ҳазрат Навоий доим инсонни КОМИЛ кўришини истаган. Кишини нима комил қиладиган бўлса, баргаси Навоий асарларида акс этган. Шундай эмасми?

– Глобаллашув, аслида, инсониятнинг азалий орзуси бўлган. Ватандошимиз Абу Райҳон Берунийнинг Америка қитъаси ҳақидаги фаразлари, испаниялик Христофор Колумбнинг шу қитъага қанча машаққатлар билан етиб бориши, ва ниҳоят, флоренциялик Америго Веспуччи шарафига ушбу қитъанинг номланиши... Бобурнинг Ҳиндистонда ватан қуриши, бизнинг минтақадан кетган олимлар Беруний, Ибн Сино, Фарғоний ва бошқаларнинг араб дунёсида шуҳрат топиб, нафақат мусулмон оламида, балки бутун жаҳонда шуҳрат топиши... Хоҳлайсизми-йўқми, ана ўша даврларда глобаллашувнинг илк куртаклари намоён бўлган эди.

Бугун “тамаддунлар тўқнашуви”ни ҳам келтириб чиқараётган глобаллашув бизнинг ўзимиз яшаётган олам ҳақида кўпроқ билишга бўлган қизиқишларимиз, орзуларимизнинг маҳсули. Битта сайёрада яшаб туриб, унда кечаётган воқеалардан беҳабарликни бугун кўпчилик тасаввур ҳам қилолмайди. Ер юзида кечаётган воқеаларни, инсонлар ҳаёти, турмуш тарзи ва бошқа икир-чикирларигача кириб боришга бугунги кундагидек ҳеч қачон яқинлашмаганмиз. Баъзан, бутун дунё кичик бир шаҳарча, тўғрироғи, қишлоққа айланиб қолгандек туюлади. Ҳамма воқеалардан тонгдаёқ (уйқудан кўз очиб-очмай) хабардор бўлиб улгурасан. Телевидение, радио ва асосийси, интернет туфайли. Бу қайсидир маънода қизиқ ҳам. Чунки дунёдаги қанча-қанча воқеалардан, улкан

**Навоийнинг  
ўзгалар хизматида,  
сўзнинг хизматида  
кечган умри, агар  
масаланинг моҳияти  
англаб етилса, ҳар  
бир инсон угун ибрат  
бўлади.**

кашфиётлардан бир зумда хабар топасан. Айни пайтда, ҳар кун неготив хабарларни эшитиш, агрессияга тўла зўравонликлар, ахлоқсизликка ундовчи рекламаларни томоша қилиш, ўқиш ҳар биримизнинг руҳиятимизга таъсир қилади. Кўп вазиятларда бўлганидек, глобаллашувнинг ҳам салбий ва ижобий томонлари бор. Шу боис, биз ҳар сафар унинг нозик таъсир кучига эга бўлган оммавий маданият билан боғлиқ жиҳатларига эътибор беришга мажбурмиз. Балки тез-тез ижобий воқеа-ҳодиса ва масалаларга эътибор қаратсак ва уларни кўпроқ тарғиб этсак, фойдалироқ бўларди. Чунки ҳар бир мамлакатнинг сиёсати, иқтисоди ва бошқа соҳалари билан бирга маданияти, мумтоз санъати ва адабиёти бор. Ҳар бир инсонда руҳий юксакликка ундайдиган маънавий руҳоний эҳтиёжлар бор. Айниқса, тарбиячилар, муаллимлар, ва албатта, ота-оналар инсон тарбиясида шу жиҳатга кўпроқ эътибор қилишлари зарур. Инсонни камолотга етказишда, аввало, унинг шахс сифатидаги хусусиятларини шакллантириш масаласи муҳим ўрин тутуди. Тарбияда бош масала шу. Чунки шахс сифатида шакланган инсон ўз фикрига эга бўлади, ҳар бир воқеа-ҳодисага ўз муносабатини билдира олади. Ҳар кимга эргашиб кетавермайди. Эҳтимол, бугун бот-бот такрорлаётганимиз маънавий иммунитетни шакллантиришнинг бир йўли мана шудир. Адабиёт, шу жумладан, ҳазрат Алишер Навоий ижоди бу масалада яқиндан ёрдам беради, албатта. Чунки Навоийнинг ўзгалар хизматида, сўзнинг хизматида кечган умри, агар масаланинг моҳияти англаб етилса, ҳар бир инсон учун ибрат бўлади. Тўғри таъкидлаганингиздек, Навоий асарлари қаҳрамонлари камолотга интилиши билан ажралиб туради. Уларни ҳаётдан узоқ бир мифга, қўл етмас орзуга айлантдириб қўймаслик керак. Ҳар бирида инсоннинг бахти ва бахтсизлиги билан алоқадор туйғуларни ҳис этиш, китобхонни шу

туйғуларни кечиришга, яшаб ўтишга ўргатиш керак ва мана шундагина бирор натижага эришиш мумкин. Бунинг учун Навоий асарларини ўқитаётган муаллимнинг – раҳнамонинг ўзи шахс сифатидаги хусусиятларга эга бўлиши керак. Агар биз Навоийни тушуниш даражасига яқинлаша бошласак, кўплаб муаммолар ўз-ўзидан ҳал бўлиб кетарди, деб ўйлайман.

– Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид бир шеърда: “Ҳазрат Навоийга етмоқ-гун, эй, дил, Яна беи юз йиллар юрмоқ керакдир”, деб ёзган эди. Шоир шу ўринда Алишер Навоий ижодий оламининг кенглигига ишора қилиб, инсон боласи бу зоти муборакнинг асарларидаги маъно-мазмунни тўлалигига англай олмайди, демоқчи. Аммо бу сатрлар бизнинг ҳазрат Навоийдан борган сари узоқлашайтганимизга ҳам ишорадай туйилади. Улуғ мутафаккир шоиримиз ижоди ҳақида ёзилган китобларни, тадқиқот ишларини жамласак, каттагина кутубхона бўлса керак. Аммо барибир Навоий халқнинг, айниқса, ёш авлоднинг кўнглига бор бўй-баста билан кириб бормаётгандек...

– Ҳақроств, Навоий ҳақида кўп тадқиқотлар олиб борилган, юзлаб китоблар, минглаб мақолалар ёзилган. Бундан кейин ҳам ёзилаверади. Айтиш мумкин бўлса, улар Навоийни тушуниш, тўғри идрок этиш йўлидаги уринишлар. Албатта, ушбу китоб ва мақолаларнинг муайян қисми Навоийни тушунишга кўмак беради. Бироқ биз Навоий асарларини, иложи бўлса, аслиятда ўқишга ўрганишимиз керак. Луғат билан, ёрдамчи изоҳ ва шарҳлар билан бўлса-да, Навоий қаламидан тўкилган сўзларни англашга уринишимиз лозим. Меҳнат қилишдан чўчимаслигимиз керак. Мактабларда ўқувчиларни шунга йўналтириб тарбиялаш, таълим бериш бурчимиздир.

– Ҳозирги мактаб ўқувчиларига “Алишер Навоийнинг қайси шеърларини биласиз?” деб савол берсангиз, деярли баргаси “Келмади”, “Санга” радибли газаллари ва “Гурбатда гариб...” деб бошланувчи рубоийсини

айтишади, холос. Бунинг сабабларини ўзимга англагандай бўламан: нега йиллардан бери у дарсликдан бу дарсликка бир хил газаллар ва бир хил таҳлиллар кўчиб ўтди; мумтоз адабиёт, хусусан, Алишер Навоий асарларини таълим жараёнларида ўқитишда яхши тизим яратилмаётгандек... Умуман, мактаб дарсликларидаги мумтоз адабиёт, хусусан, Навоий ижодининг ёритилиши қониқарли даражадами?

– Бир пайтлари профессор Натан Маллаевнинг мактаблар учун яратилган дарсликларини бугун тез-тез эслайдиган бўлиб қолдик. Муайян системага эга бўлган бу дарсликларда материаллар боланинг ёш хусусиятлари билан боғлиқ ҳолда тақдим этиларди. Юқори синфлар учун адабиёт дарслари икки асосий китоб – назарий масалалар ўз ифодасини топган махсус дарслик ҳамда манбалар саралаб жамланган хрестоматияга асосланиб ўтиларди. Ўқитувчи учун ҳам, ўқувчи учун ҳам ишлаш осон кечарди. Бугунги адабиёт дарсликларини қўлга олганда, нафақат ўқувчи, балки ўқитувчининг ҳам ҳафсаласи пир бўладиган ўринлар талайгина. Нега бу аҳволга тушиб қолдик? Катта-катта олимларимизнинг меҳнати нега самара бермаяпти? Нега мактабда, лицейда ўқиётган ўқувчининг четдан қўшимча дарс олишга эҳтиёжи ҳаддан ортиқ кучайиб кетди, бундай “таълим” учун хусусий йўл билан қўшимча “дарслик” ва “қўлланмалар” чоп этиляпти? Қўшимча дарсларнинг ҳаммаси, у адабиёт бўладими, математиками, бунинг фарқи йўқ, таълим-тарбия билан бирга олиб борилмайди, керак бўлса, кўп фанлардан фақат ёдлатиш йўли билан мақсадга эришилади. Қарабсизки, шундай усулда ўқиб, олий





ўқув юртига юқори балл билан кирган талаба ҳамма нарсани қайтадан бошлаши кераклигини тез орада тушуниб етади. Назаримда, кўшимча дарсларга ружу қўйиб ўқишга кираётганларда муайян тизим йўқ, улар кўпинча фанлараро интеграцияни ҳис қилмайдилар. Чунки улар фанни билимли бўлиш учун эмас, фақат имтиҳондан ўтиш учунгина ўзлаштирадилар.

Мактаб дарсликларидида Алишер Навоий ижодининг тақдим этилишида муайян система йўқ. Боланинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда оддийликдан мураккабликка қараб боришдек энг муҳим принцип бузилган. Қўпол бўлса ҳам айтиш керак, такрорлар, ўринсиз тақдим этилган матнлар ҳар бир синф дарслигида учрайди. Бугун таълим-тарбияни боғчадан мактабгача, яъни тарбия муассасаларидан бошлаш муҳим масала сифатида кўтарилган пайтда, керак бўлса, мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари ва олий таълим мутахассислари биргалашиб мумтоз адабиёт бўйича мавзуларнинг узвийлигини таъминлаш бўйича дастурларни биргаликда тузиб олишлари, уларнинг концепциясини пухта ишлаб чиқишларига жиддий эҳтиёж туғилган. Шунда Алишер Навоий ижодига ҳам шу нуқтаи назардан махсус муурожаат қилиш имконияти туғилади.

Энди, сиз айтгандек, Навоийнинг фақат “Келмади”, “Санга” радифли ғазаллари ва “Фурбатда ғариб...” деб бошланувчи рубоийсининг оммалашиб кетишига келсак, бу айрим ўқитувчилар “меҳнати”-нинг самараси. Аслида, болаларимизнинг имкониятлари жуда балан. Айниқса, ёдлаш қобилияти. Яқинда Сурхондарёнинг Сариосиё туманидаги 12-мактабда бўлдик. Навоийдан, бошқа мумтоз шоирларнинг асарларидан юздан ортиқ шеър ёд олган ўқувчиларни кўрдик. Ғазалхонликдан мусобақа бошланди. Иштирокчилар орасида бошланғич синф ўқувчилари ҳам бор эди. Ҳатто шоирнинг катта-катта дostonларини ёд олганлар бор. Тумандаги бошқа мактаблардан ҳам вакиллар келди. Ҳайратда қолдик... Бундай муваффақиятлар ортида ўз касбини севадиган, фидойи ўқитувчилар бор эди. Менимча, ўз касбини севиш, ҳалол меҳнат қилиш, бу оммавий ҳайқириқларни бир четга қўйиб, кўнгилнинг тубига чўкиб, ватанни севиш демакдир. Шу нарса аниқки, ўқувчининг нечта ғазал ёдлаши-ю, қайси китобни ўқиши, энг аввало, ўқитувчига боғлиқ. Яхши ўқитувчи ўқувчига қанот беради. Навоийдек буюк инсонларни

шунчаки эмас, балки асарлари орқали, ибратли ҳаёт йўлини англашиш орқали севишга ўргатади. Балки ватанни севишга шу йўл билан бориладир...

– Шу ўринда бир воқеа ёдимга келди. Талаба пайтимиз, аниқроғи, ўзбек тили ва адабиёти йўналишининг иккинчи босқигида таҳсил олиб юрган тоғларимиз эди. Биз семинар дарси деб атайдиган, маърузалар ўқиб бўлингач, ўзлаштирилган билимлар алоҳида баҳолаб бориладиган якка тартибдаги дарс машгулотимизни мумтоз адабиётдан унгаллик узоқ бўлмаган бир фан номзоди олиб борарди. Мавзу Навоий “Хамса”сидаги “Лайли ва Мажнун” достони, унинг мазмун-моҳияти ҳақида эди. Хуллас, талабаларнинг фикридан унгаллик қоникмади шекилли, устозимизнинг ўзи дostonдаги ошиқлик, жусунлик ҳақида сўзлай кетди: “Мажнун шундай севганки, унинг кўзига ҳег нима кўринмай қолади, бошқа нарсаларда ҳам у Лайлининг жамолини кўргандай бўлади. Мана, масалан, йигитлар қайсидир қизни севиб қолса, ҳатто автобусдаги типтаги ҳам унга ўз севгилиси бўлиб кўринади, типта олинг, деса, унга тикилиб тураверади. Севги шундай бўлади”, деган мазмундаги гапларни айтди ҳалда ишқи илоҳийни ўқувчиларга шундай содда, замонга мослаб ўргатиши керак деган нуқтаи назарни бўлажак тил ва адабиёт мутахассисларига ўқитди. Хўш, аслида бу қангаллик тўғри? Сизнингга, Навоий наздидаги ИШҚни қандай тушуномқ ва тушунтирмоқ лозим?

– Фан номзоди деган номни кўтариб юрган бу ўқитувчинингиз Навоийни жуда жўн тушунтирибди, деган гапни фақат мен эмас, бу воқеани эшитган ҳар қандай одам айтиши мумкин. Албатта, сизлар унинг саёз гапирганини билиб тургансиз.

Навоий асарлари мазмун-моҳиятини ташкил этган ишқни мукамал тушуниш учун унинг асарларини тўлиқ ўқиш керак. Шоирнинг асарлари тизимли адабий олам. Ундаги бир масалани тушуниш учун иккинчисига муурожаат қилиш ва учинчисидан асосли шарҳ топиш мумкин.

Шоир бир дostonида: “Бўлмаса ишқ икки жаҳон бўлмасун, Икки жаҳон демаки, жон бўлмасин”, деган бўлса, бошқасида “Эй ишқ ғариб кимёсан...” деган фикрларини беради. “Маҳбуб ул-қулуб” да ишққа мукамал таъриф бериб, унинг даражаларини кўрсатади. Булар Навоийнинг бошдан-оёқ ишқнинг сирларига кўмилган минглаб ғазалларини тушунишда бир очқич вазифасини ўташи мумкин.

**Бугунги адабиёт  
дарсликларини  
қўлга олганда,  
нафақат ўқувчи,  
балки ўқитувчининг  
ҳам ҳафсаласи пир  
бўладиган ўринлар  
талайгина.**

Навоийнинг барча асарларини мукамал ўзлаштиришни ҳаммадан талаб қилиб бўлмас, бироқ шоир ижоди билан шуғулланаётган, унинг асарлари юзасидан тадқиқотлар олиб бораётган ходимлар бунга амал қилиши керак. Чунки тўғри хулосага келиш учун Навоий бадиий оламидан, унинг дунёқарашидан яхши хабардор бўлиш керак, зеро, тадқиқотларнинг натижалари Навоий асарларини ўқитиш ва англаштиришга хизмат қилиши зарур.

– “Хамса” достони Ҳазрат Навоий ижодининг юксак гўлқисси. Ушбу “панж ганж”нинг бутун игки ботиний маъно-мазмунини ўқувчиларга оғиб бериш борасида, айниқса, истиқлол йилларида кўзга кўринарли ишлар амалга оширилди. Кутубхоналарда доим бир нарсага кўзим тушади: ёшлар (ҳатто тил ва адабиёт мутахассислиги талабалари ҳам) “Хамса”нинг замонавий ўзбек тилига табдил қилинган (дейиши мумкин бўлса) ёхуд насрий ҳолда баён этилган, фақат сюжет тизимидан иборат талқинини ўқишмоқда. Шу китоблар воситасида Навоий уларнинг кўз ўнгида гавдаланмоқда. Бу хавотирли ҳол, деб ўйлайман. Негаки, бундай китоблар ёшларни Навоийдан узоқлаштиради, ҳазрат айтмоқчи бўлган мақсад-муддаолар йўқолиб кетади, ошиқларнинг Ёрни кўриб, ҳушдан айрилишлари кулгили, хаёлий ҳолдай кўринаверади...

– Навоий асарларини, жумладан, “Хамса”ни тушуниш фақат бугун эмас, ҳамма замонларда ҳам осон кечмаган. Бунинг кўп сабаблари бор. Жумладан, шоирнинг ўзи ҳам “Хамса”нинг яратилиш сабаблари ҳақида гапирганида, унча-мунча одам унга яқинлаша олмаслигини башорат қилган эди. Албатта, шоирнинг ушбу фикрлари унинг тақлидчиларига қаратилган бўлса-да, “Хамса” ботинидаги мазмундан кўпчиликнинг ақли шошиб қолиши ҳақидаги гаплари ҳам бежиз айтилган эмас. Демак, “Хамса” ёзилишидан олдинроқ, унинг тарҳи тузилаётган пайтидаёқ мукамаллик ва теранлик мақсад қилиб олинган. Бу Навоий даҳосининг ҳосиласи. Шунинг учун ўз замонидаёқ Навоий асарлари луғати тузила бошлади. Биламиз, шоир асарларининг тили анча мураккаб. Чунки шоир “Хамса”да туркий тилнинг бутун имкониятларини, жумладан, сўз ўзлаштириш имкониятларини ҳам кўрсатган эди. Қадимги туркий тилдаги, керак бўлса, шевалардаги сўзларнинг, арабий, форсий ва бошқа тиллардан ҳам ўзлашган сўзларнинг қўлланилиши туркий тилнинг ва, албатта,

**Шоирнинг асарлари тизимли адабий олам. Ундаги бир масалани тушуниш угун иккинчисига мурожаат қилиш ва угингисидан асосли шарҳ топиш мумкин.**

Навоий имкониятлари улканлигининг намойиши. Шу боис ўша даврдаёқ луғатлар яратилган. Бугун ҳам уларни тушунишда қийналаётганимиздан кўрқмаслигимиз, луғатлар билан ишлаётганимиздан уялмаслигимиз керак. Бироқ масаланинг иккинчи томони бор. Бу асарлар мазмун-моҳиятини тўғри тушуниш масаласи. У идрок этиш билан, тафаккур билан боғлиқ жиҳат. Эътибор қилсак, Навоийдан кейин XX аср бошларигача бўлган вақт мобайнида яратилган адабий манбалар ичида шоир “Хамса”-сининг насрий баёнлари асосида махсус асарлар, муаллифи маълум ёки номаълум бўлган алоҳида-алоҳида дostonлар, китоблар вужудга келди. XX асрда ва бугун XXI асрда ҳам шоир асарларини китобхонларга яқинлаштириш учун турли нашрлар амалга оширилмоқда. Бир пайтлари Садриддин Айний бошлаган, китобхонга “Хамса”ни осон тушунтиришга мўлжаллаб яратилган нашр бугун ҳам долзарблигини йўқотмаган. Академик Фафур Ғуломнинг “Хамса” дostonларидан бири – “Фарҳод ва Ширин”ни табдил қилиши китобхонни Навоийга яқинлаштириш истагидаги ҳаракатлар эди.

Бугун “Хамса” дostonларининг байтма-байт насрийлаштирилган нашрлари, табдиллари ҳамда насрий баёнлари китобхонларга етиб борган. Сиз айтмоқчи, бу нашрлар баъзан китобхонни Навоийдан узоқлаштириб қўйиши ҳам мумкин.

Албатта, тўғри бажарилмаган табдил ва насрий баёнлар шундай хулосага олиб келиши мумкиндир. Аммо устоз Айний ва академик Фафур Ғуломдек илмий-бадиий тафаккур соҳиблари бу ишга қўл ураётганда ниманидир ўйлагандир. Русларнинг “Игор жангномаси” деб номланган китоби бор. Ўша китобнинг ўнга яқин янгича табдил, таржима нашрлари мавжуд. Бу санок мен билганларим. Яна қанча нашрлари бордир. Айтмоқчиманки, муайян асарни тушуниш учун бу каби тажрибалардан чўчимаслик керак. Ахир асарни музей учун сақлаб қўймаймиз-ку! Бироқ ҳар қандай ишда бўлгани каби бу ўринда ҳам муайян принципларга риоя қилишимиз, Навоий даҳосининг ҳурматини ўз ўрнида сақлашимиз керак.

Шунда ҳар хил чалгитувчи фикрларга йўл қўймаймиз.

Бугун фақат биз эмас, балки бугун дунё Навоийдек даҳоларнинг асарларига эҳтиёжманд. Шундай экан, Навоийни ўқишдан, ўқишдан ҳеч қачон чарчамайлик.

– Мазмунли суҳбатингиз угун раҳмат. Сиз ҳам Навоий асарларини ўқитишда, халққа яқинлаштиришда хизмат қилишдан толманг.

# Baxt

Мукаммал бу гўзаллигингни  
Ёниб қилгим келади таъриф,  
Бироқ, не қилайки, қошингда  
Энг қудратли каломлар гариб.

Висолингни қилсам-да ҳавас,  
Меҳрим изҳор этмадим ҳет вақт.  
Сен билан бир ҳаводан нафас –  
Олиш ўзи менга катта бахт.

Бир қайрилиб ташласанг нигоҳ,  
Юрак тўлар сўнмас зиёга...  
Сени бир бор кўриш-гун фақат  
Келиб кетса арзир дунёга.

Матназар АБДУЛҲАКИМ

Фото: Аҳмад ТўРА



# Tarixiy do‘stlik silsilasi

*Ўзбек ва тожик – икки тилда сўзлашувчи бир халқ, дейилиши бежиз эмас. Халқларимиз азалдан бир дарёдан сув ичган, бир-бирининг анъаналари, маданиятини бойитган. Бу муштараклик, айниқса, икки халқнинг мумтоз адабиётида яққол кўринади. Улкан сўз санъаткорлари Алишер Навоий ва Абдурахмон Жомий дўстлиги, ижодий ҳамкорлиги бугунги кунда ҳам халқларимизнинг маданий-маънавий яқинлиги тимсоли бўлиб хизмат қилмоқда. Самарқанд шаҳридаги Алишер Навоий номидаги марказий истироҳат боғи ҳудудида икки буюк мутафаккирнинг муҳташам ҳайкали ўрнатилишида ҳам чуқур маъно мужассам.*

*Навоий севимли устози Жомийга бағишлаб “Хамсат ул-мутаҳаййирин” асарини ёзиши эса устозга бўлган улкан эҳтиромнинг яққол рамзидир.*

*Қуйида ушбу асардан кичик ҳикоятларни асл кўринишида тақдим этар эканмиз, Навоий тили ва ундаги нозик қирралар сизни-да ром этишига ишонамиз.*

\*\*\*

Бир кун мавлоно шайх Абдуллоҳ котиб муқарраби ҳазрати борий<sup>1</sup> Хожа Абдуллоҳ Ансорий<sup>2</sup>нинг “Илоҳийнома”га мавсум муножот рисоласин фақир қошига келтуруб эрди ва мавлоноий мазкурнинг кутуб байъ ва широсога ҳам муносабати, ҳам ҳазрати хожага авлодлиг нисбати бор. Фақир ул рисоланинг аввал саҳифасин очиб, хутбасин ўқумоқ бунёд қилдим, бу хаёл билаким, бир саҳифа ё ғояташ бир варақ ўқулгай, андоқки эл маъхудидур, сўзнинг хўблуг ва равонлигининг ҳеч ерда бас қила олмадим, то рисолаким, икки жузвдин ортуғроқ эди — итмомга етти. Мажлис ҳуззори воқиф бўлуб, таажжуб қилдиларким, бир рисолаким, икки жузвга яқин, балки ортуғроқ бўлгай, бир таважжуҳ била боштин-оёққача ўқумоқ холи аз ғаробат эмас.

Тонгласи ҳазрати Маҳдум бандахонага ташриф келтурдилар. Ул рисола ҳозир эрди, олиб очиб, муборак назарларин солдилар. Туно кунги асҳоб андоқки рўзгор аҳлининг ойину даъби бўлур, таажжуб изҳори юзидин туно ўтган воқеани ул ҳазрат хизматларида арз қилдилар. Алар табассум қилиб, дедиларким: “Ажаб амри иттифоқий бизнинг ва сизнинг ораликда воқеъ бўлгон эрмиш: икки ё уч кун бурунроқ мавлоно шайх Абдуллоҳ ушбу рисолаки бизнинг қошимизга келтуруб эрди, биз доғи аввалдин бунёд қилдук, охирига дегинча ҳеч ерда турмоқ бўлмай туганди”.

Тонгласи мавлоно шайх Абдуллоҳ келди, то китобин ё баҳосин олган. Баъзи анга айттиларким: “Фалон (яъни банда) бу китобни аввалдинким ўқумоқ бунёд қилди, тугагунча илиқдин қўймади”.

Ул таажжуб юзидин дедиким: “Ҳазрати Маҳдумий хизматлариға ҳам элта бердим, аларға ҳам ушбу ҳол воқеъ бўлди”.

\*\*\*

Агарчи хавориқи одат изҳориға ҳақ таоло амри била маъмур эмаслар эрди ва покиза ҳолатлари “Маломатия”<sup>3</sup> тариқини шоирлиқ ва муллолиқ тариқида яшурун тутарлар эрди. Аммо гоҳи ғариб нималар алардин зоҳир бўлур эрди.

Ул жумладин дағи бир нечаким, айнил-яқин бўлбтур битимаги муносиб кўрунди.

\*\*\*

Сейидам Ироқий деган йигит Музаффар<sup>4</sup> барлоснинг ўбдон навқари, балким эшик оқоси эрди, ғояти нодонлигининг аларға мункир эрмиш, ғояти инкоридин аларнинг девонин бирин-бирин узуб, ўтга солиб, куйдурубтур. Ҳамул уч-тўрт кунда гўё бир узвиға туган кўпуб, ул жароҳат газак бўлуб, охир бўлди.

\*\*\*

Мажидуддин Муҳаммад<sup>5</sup>ки, олам машҳуридур, таърифга эҳтиёж эмас. Подшоҳ ани ёзғургонда андин итлоқиға зомин тилагандур. Ул аларға илтимос қилибдур ва алар таахҳуд қилгондин сўнгра қочти. Оз фурсатда, ўн беш кунга тортмадиким, тутулди. Азим қийинлар тортти ва бору йўқ жиҳотин девоний қилдилар. Шаҳрдин бошин олиб, овора бўлди ва ҳамул оворалиқда фанога борди.

\*\*\*

“Фаноийя” боғчасин ясардаким, ул ҳазрат ҳавлиларининг ичинда ер иноят қилиб бериб эрдиларким, фақир ўзига мухтасар манзил ясабмен.

Подшоҳ Марв қишлоғиға азимат қилгонда фақир Дарвеш Ҳожи Ирқбандниким, замоннинг чобукдаст боғбонларидиндур — таъин қилдимки, баҳор ўлғоч, ул боғчага раёҳин ва ашжор эккай. Баҳор бўлгонда Дарвеш мазкур келиб, ул боғчанинг буйрулғои ишиға қиём кўргузурда ул ҳазрат дағи гоҳи келиб, муборак хотирлари ташхизи учун бир оз замон анда бўлур эрмишлар ва баъзи йиғочларға дағи илтифот қилиб, ер кўргузур эрмишларки, қайда эккай.

Дарвеш Ҳожи тунд мизожлиқ девона кишидур. Баъзида муноқаша қилур эрмиш ва ул ҳазратға хуш келиб, мунбасит бўлур эрмишлар. Бир кун йиғочқа алар ер таъин қилибтурлар. Девона боғбон инод юзидин дебтурким: “Мунда экмасмен”. Алар инбисот била дебтурларким “Невчун экмассен?” Ул дебтурким: “Ражадин ташқаридур, тонгла черик келса, Мир Шайхим<sup>6</sup> боғбонлиқда воқиф кишидур, кўруб эътироз қилғусидур”. Алар дебтурларким: “Боғча Шайхимнинг эмас, Алишернингдур, ул эътироз қилмағусидир”.

1. Оллоҳга яқин ҳазрат (арабча).

2. Абдуллоҳ Ансорий – Абу Исмоил Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Ансорий Ҳиротий – сўфийлик тариқатининг йирик арбоб ва назариётчиларидан бири, “Илоҳийнома”нинг муаллифи.

3. Маломатия – IX асрда Нишопурда пайдо бўлган таълимот.

4. Музаффар Барлос – Ҳусайн Бойқаро амирларидан.

5. Маждуддин Муҳаммад – Ҳусайн Бойқаро вазирларидан.

6. Мир Шайхим – Амир Шайхим Сухайлий – ҳиротлик машҳур шоирлардан, Навоийнинг яқин дўсти. У ҳақда “Мажолис ун-нафоис”да маълумот берилади.

Черик шахрга келгандин сўнгра Дарвеш Ҳожининг тундликларидин асҳоб нақллар қилурлар эрди. Ул ҳазрат дағи завқу нишот юзидин ул йиғочни кўргузуб, ўтган ҳикоятниким, алар била Дарвеш Ҳожи орасида воқеъ бўлгондур, нақл қилур эрдилар.

\*\*\*

Подшоҳ ул йилки Хуросон тахтин олгондаким, “Жаҳоноро” боғи тарҳин солдилар. Бир панжшанба куни ул ҳазрат хизматларида Гозургоҳи<sup>7</sup>дин Дашт юзи била Хиёбон<sup>8</sup> сори бориладур эрди. Саййид Гиёским, ул боғнинг таъмири ва боғбонлиғи анға мутаайин эрди, йўлда йўлуқтиким, аробаларға улуғроқ сарв йиғочларин боғлардин сотун олиб, қўнгариб юклаб, “Жаҳоноро” боғига элтадур эрди: Ул Ҳазратға салом бериб, илтифот қилиб, мутояба била дедилар:

– Яна ҳеч сарв йиғочи қолдиму? Не, буйла сарв йиғочи юклабсен, оё неча йиғоч бўлғай?

Ул дедиким:

– Санаббиз, юз тўрт ададдур.

Алар дедиларким:

– Ажаб ададдур.

Фақир дедиким:

– Муносиб ададдур, невчунким, “қад”<sup>9</sup> адади била муносибдур. Алар дедиларким:

– Ростдур, – дағи фақирни таҳсин қилдилар.

\*\*\*

Бир кун алар йўл била борадур эрмишлар. Маҳмуд Ҳабиб отлиғ девонаи хуморийи абтарий бор эрди, маст ва ошуфта, аларға йўлуқуб, беадабона сўзлар айтиб, балки сафоҳатлар қилибтур, аммо алар мутлақ илтифот қилмайдурлар, дағи анинг сори боқмайдурлар. Яна бир кун фақир алар хизматида борадур эрдим. Ҳамул девона фақирни алар билан кўрдиким, борадурмен. Ул ердинким, жунун аҳли ва абтар халойиқ фосид хаёлоти бўлғай, соғинмиш бўлганким, алар анинг туно кунги беадаблиқларидин фақирға шаммаи изҳор қилғайлар ё қилмиш бўлғайлар. Аларга бетақриб сўз қотиб, узрхоҳлиқлар бошлади. Фақир таажжуб қилиб, алардин истифсор қилдимким: “Бу девонанинг паришон узрхоҳлиқлари, оё, не жиҳатдин эркин?”

Алар сўзни ўзга сори юткаб, туно кун ўтган ҳолатдин ҳеч нима изҳор қилмадилар. Аммо асҳобдин туно кун ўтган сўз маълум бўлди. Ул девона безътидоллиқлар қилса эрди, анга

таъзир ва адаб қилилур эрди. Фақир тиладимким, анга адаб буюрғайман.

– Сен ҳеч нима демагилким, анга адаб етгусидур. Бир неча кун ўтмадиким, яна бир девона ани уруб ўлтурди.

\*\*\*

Алар Макка сафаридин<sup>10</sup> қайтиб шаҳарға келганда, подшоҳ рўзгор ҳаводиси иқтисосидин Балх юришиға бориб эрдилар. Чун хумоюн роётким, Балхдин қайтиб, тахтға озим бўлдилар, истиқбол расми била Мурғоб вилоятиғача келиб эрдилар. Подшоҳ била мулоқотдин сўнгра бандахонаға ташриф келтуруб, кеча анда бўлдилар. Кеча алар истироҳат қилур учун бир янги такаллуфлик оқ уй бор эрди, ани тиктурулди, то ул Ҳазрат анда осойишға машғул бўлдилар.


Иттифоқо ул кеча бир ғариб тунд ел эстиким, ўрдунинг кўпроқ оқ уй чодирларин йиқиб, ажаб ошуб эл орасиға солди. Алар учун тиккан оқ уйни дағи йиқиб, ушотибдур.

Алар хизматидағи асҳоб дегандурларким:

– Ҳайф бу уйдинки, яхши уй эрди, ажаб пора-пора бўлди. Муни тиккан фаррошлар, оё, не дегайлар?

Алар дебтурларким:

– Не дегайлар, айтғайларким, кошки бу шум қадамлик муллолар бизнинг уйга келмасалар эрди.




7. Гозургоҳ – Ҳиротда тоғ этагидағи хушманзара майдон.

8. Хиёбон – Ҳиротнинг марказий кўчаси.

9. Арабча ёзувдағи “қад” сўзининг ҳарфлари миқдори абжад ҳисобида 104 бўлади.

10. Жомий Макка сафарига 1472 йилда чиққан эди.



Бу йўлнинг ёғду таратувчи яна бир ёриткичи “Тарихи Табарий” асаридир. Манзилга етишинг учун қутлуғ ёғдулар кўмакка келади.

**Муаллиф:** Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Жарир ат-Табарий милодий 839 йили Табаристон вилоятида туғилиб, 923 йили Бағдодда вафот этган. Тарих, ҳадис, ҳуқуқшунослик, тафсир каби илм-фаннинг турли соҳаларида сермаҳсул ижод қилган ва кўплаб асарлар ёзиб қолдирган. Улар орасида “Табарий тарихи” (Тарихи Табарий) алоҳида аҳамиятга эгадир.

**Абдусаттор ЖУМАНАЗАР,**  
Абу Райҳон Беруний номидаги  
шарқшунослик институти катта  
илмий ходими

# Ziyorat yo‘li

**Қадам ташлаётган сўқмоғинг тирикликнинг энг кўхна Зиёрат йўлидир. Унинг ўнқир-чўнқирлари кўп, баъзи жойларини тиканли чангалзорлар қоплаган, ўпирилган жойлари ҳам бор. Чекинмасанг... у сени, албатта, ўзинга олиб боради.**

**Асар аҳамияти:** Бу йирик асарнинг салмоқли қисми VII асрдан X аср бошларига қадар қадимий **Турон**, ўша давр араб муаллифлари иборасича, **Мовароуннаҳр**да кечган ижтимоий-сиёсий воқеаларга бағишланган. Табарий тарихида VII аср охиригача чорагидан Туркистон халқларининг янги дин, нотаниш маънавий дунё, ўзгача фалсафий қарашлар, туганмас шиддатга тўлиб тошган янги ғайратли қавм, маккор ва ақлли жангчилардан иборат кўшинга дуч келиши, уларга қарши кураши қизиқарли тафсилотларда акс этган. Муаллиф ўша даврларда кечган тарихий воқеалар орқали Бухоро, Самарқанд, Хоразм, Суғд, Насаф, Термиз, Кеш, Уструшона, Шош, Фарғона вилояти ва шаҳарлари ўтмиши, уларнинг аҳволи, халқининг турмуш тарзи, ҳарбий қудрати ва камчиликлари тўғрисида муҳим маълумотлар беради. Унда кўплаб қадимий жой номлари учрайди, айримлари шу пайтгача сақланиб қолган. Машҳур Қутайба ибн Муслим босқини, Абу Муслим сиёсий ҳаракати, Муқанна номи билан шуҳрат қозонган Ҳошим ибн Ҳаким кўзғолони, Рофе ибн Лайс бошчилигидаги халқ исёни каби тарихий воқеалар қизиқарли ҳикоя қилинади. Улар бугунги жамият кишисига бир ярим минг йил олдин юртимизда рўй берган ижтимоий ҳодисаларни аниқ тасаввур қилишга ёрдам беради. Миллатнинг шонли ўтмишини ўрганиш, ундаги улкан мавҳумликларни ёритиш, ўзликни топиш йўлида мазкур асарнинг кўмаги катта ва беҳад аҳамиятлидир.

“Тарихи Табарий” шўролар инқилобига қадар юртимизда энг машҳур асарлардан бири сифатида ўқиб-ўрганилган. Икки марта туркий тилга таржима қилинган ва улар қўлёзмалар хазинасида №9470, 1229 рақамлари билан сақланади. №1229 рақамли қўлёзма (685 varaқ, 1370 саҳифа) Муҳаммад Юсуф Баёний (1859 – 1923) томонидан Хоразмда туркийга ўғирилган.

Қўлёзмалар хазинасида асарнинг яна ўн тўртта (12593, 4226, 831, 7466...) форсийга таржима қилинган нусхаси сақланади. Мутахассислар фикрича, 7322 рақамли қўлёзма X асрда Муҳаммад ибн Муҳаммад Балъамий томонидан баъзи бир тўлдиришлар билан форс тилига таржима қилинган.

Асар жаҳоннинг бир қанча тилларига ўгирилиб, нашр этилган. Юртдошларимиз унинг В.И.Беляев арабчадан рус тилига қисқартиб қилган таржимасидан (Тошкент, 1987) фойдаланишади.

Асарнинг туркийда тарихий тайёр таржимаси борлигига қарамай, ҳозиргача ўзбек тилида чоп қилинмаган.

# Goh shodman, gohida ko'zga kelar yosh



**Муҳаммад ИСМОИЛ**

1964 йили туғилган.  
Тошкент давлат  
университети  
(ҳозирги ЎзМУ)  
нинг журналистика  
факультетида таҳсил  
олган. “Тазарру  
саодати”, “Тасаввур  
чизиқлари”, “Кўнгил  
мулкига сафар”,  
“Миллат юрагининг  
дурдоналари”,  
“Гапнинг қисқаси  
яхши” номли кўплаб  
китоблари нашр  
этилган.

\*\*\*

Бу нозми ва ёки араз, билмадим,  
Нима гуноҳим бор, гаплашгингиз йўқ,  
Сизни севмоқни ҳеч орзу қилмадим,  
Фақат юрагимда ловуллаган тўғ.

Майли, масхаралаб кулинг устимдан,  
Бир ҳақиқат менга аён, ҳарқалай.  
Барга гўзалларнинг одати – зимдан  
Севдириб қўймоқ, сўнг кетмоқ қарамай!

\*\*\*

Сиз бунга яхшисиз, кўнглимни  
Шод этдингиз, сархуш, сармастман.  
Ҳар ён тоғиб, энди ўзимни  
Қўярга жой топа олмасман.

Қанга кутдим бу лаҳзаларни,  
Нега йиллар уриндим нолон.  
Юрагимда бахт ларзалари  
Кўринмоқда – яшамоқ осон.

Кугга тўлдим мен фавқулодда,  
Гадо эдим, шоҳ бўлгандайман.  
Энди келгандайман, ҳаётда  
Мен қайтадан туғилгандайман.

Атроф гўзал. Боқаман мафтун.  
Гул – гезаклар оғилган каби.  
Юзингизда балқиган ҳусн,  
Кенг оламга соғилган каби.

Муҳаббатга эга ҳар инсон,  
Яшаш сири кашф этар экан.  
Севмаганлар – қул ва нотавон,  
Келар экан ва кетар экан...



## Гоҳ шодман, гоҳида...

Гоҳ шодман, гоҳида кўзга келар ёш,  
Гоҳ ойда бўлсам ҳам Сизни кўрарман.  
Келсам, васлингизга беролмайман дош,  
Кетсам ҳажрингизда ўтман, ўртанган.

Гоҳо бир ҳис дилда инграйди нолон,  
Мен хорни бахтиёр этди муҳаббат.  
Сиздай нурга лойиқ бўламан қагон,  
Ожизлигим ошкор этди муҳаббат.

Гоҳида иқрорман, гоҳо беқарор,  
Гоҳида гуқурда тинқирган гамман.  
Нега Аршингизда айланар агёр,  
Нега бошим тикмас арздан, аламдан?!

Севгилим, севсангиз шу менга ҳаёт,  
Шудир топганим бахт маржонларини.  
Севгилим, кетсангиз йўқ менга нажот,  
Адоғи бўлмайди армонларимнинг.

Севсангиз бўлгайман ҳар жангга тайёр,  
Ҳар жадалда голиб, ҳар он, ҳар қагон,  
Қудратли, енгилмас, мингта жони бор  
Сиз кутган, сиз орзу қилган қаҳрамон.

Гоҳ шодман, гоҳида кўзга келар ёш.

Аҳмоқнинг кўзи кўрдир, ақлли дўстга эргаш,  
Мақтангоқнинг сўзи зўр, ўзи зўр зўрга эргаш.  
Омади топган дўстнинг олдига топ, омад топ,  
Иймонсиз зўрга эмас, иймонли кўрга эргаш.

## Не бўлди...

Не бўлди, азизим, қарагингиз йўқ,  
Кўзимга боқмоқни кўрмайсиз эп.  
Қора кўзингизда жодуловчи тўғ,  
Наҳот ёниб турмас энди мени деб.

Гўё қалбингизда кетаётир жанг,  
Баъзан нотавонман, баъзан қаҳрамон.  
Умид ва хавотир ўртасида танг,  
Баъзан мен ёмонман, гоҳ душман томон.

Севмоқ – йўлга тикмоқ тўфонлар аро,  
Гарганд қисматимиз аён азалдан.  
Билмасман, юз буриб кетасизми ё,  
Ё Худо сизни мен угун яратган.

Соғингдан ўртаниб гоҳ дилда фарёд,  
Гоҳо хастаҳолман, гоҳ ҳардамхаёл.  
Билмасман, қаердан топмоқни нажот,  
Кўзингизда балқиб турганда малол.

Азизим, ғариблар дўстидир дуо,  
Йўқ бизга тангридан ўзга мададкор.  
Чин дилдан ёлворсак бергайдир Худо,  
Сизга туганмас бахт, менга сиздай ёр!

\*\*\*

Севги эмас экан кўзингиздаги...  
Кетиринг, адашдим. Мен қилдим хато.  
Алдади мен севган юзингиздаги  
Қоронғу кўнглимни ёритган зиё.

Насиб этган эди қайта яшармоқ,  
Кета кирган эдим йигирма ёшга.  
Яна бошга тушди юз ёшга қайтмоқ,  
Бугун тушди яна қаримоқ бошга.

Кета сизнинг билан эдим бахтиёр,  
Бугун юрагимда адоқсиз ҳасрат.  
Қилса ҳам бугунги қайғу мени хор,  
Аммо кетаги бахт угун минг раҳмат!

# Mehmondorchilik


Никола



**Жамила ЭРГАШЕВА**

1956 йили туғилган. Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ) нинг журналистика факультетини тамомлаган. “Изҳор”, “Интиқом”, “Таназзул”, “Аёл жодуси”, “Зулфизар”, “Қир устидаги аёл” номли роман, қисса ва ҳикоялар жамланган китоблари чоп этилган.

**Ж**алолиддин оилада кенжа фарзанд. Бироз соддалигини айтмаса, жуда қўли очиқ, хокисор йигит. Бир ака, тўрт опа-сингилнинг бири қўйиб-бири кексаларни кўргани ота уйига келади, кўпинча қуруқ қўл билан... Лекин ҳаммаси зўр, ака шаҳарда, амалдор, машина олиб юради. Ўша ёқда ўқиб, уй-жой қилиб қолиб кетган. Опа-сингиллар ҳам бору бардам жойларга тушган, ҳамиша зебу зийнатларга бурканиб юришади, катта-катта гапиришади. Улар келишса, Жалолиддин борини бозор қилиб, дастурхонга тўқади. Чўнтагида бир мириси қолмаган эса-да, меҳмонларнинг ёнида аския айтиб, қулиб-кулдириб ўтираверади. Бу нарса хотинига сира ҳам ёқмайди: “Ота-онани кўргани келган мардум бундоғ тўрттагина нон билан икки килогина гўшт кўтариб келмайдими? Буларингиз фақат еб-ичиб кетиш учун келишади. Уялишмайди”. Жалолиддин хушомад тарзида хотинининг елкаларини силаб қўяди: “Булар бизни бобо билан момонинг нафақасини еб ётибди, жуда бой деб ўйлашади-да, хотин. Қўявер, бой бўп юрайлик”. “Ҳа, е-еб ётибмиз ботмонлаб. Кекса одамлар, бири қўйиб, бири касал бўлади, дейишмайди. Ҳамма келди-кетдини биз қузатсак”. Хотинининг ростакамига қаҳри келса, Жалолиддин ёш боладек илож-



сиз шумшайиб қолади: “Э-э, хотин, мени уялтирма, илтимос!..”. Аммо-лекин, хотини унга ҳар қанча захрини сочса ҳам меҳмонларнинг ёнида гўё унга ҳеч нарса малол келмаётгандек ҳамиша кулиб тураверади. Айниқса, шаҳарда яшайдиган акаси аёли билан келганда жуда қийналишади. Меҳмонларни зиёрат қилиб кетайлик, деб, ҳамма опа-сингил бола-чақаси билан уларникига жамланишади. Бу меҳмоннавозлик кўпинча ҳафта-ўн кун давом этади. Яна кетишаётганда “Қўй гўшти, мол гўшти, тандир гўшти, думба, сузма, қоринёғ, олма, анор, хурмо...”, хуллас, ўзлари йилда бир марта дастурхонига қўймайдиган ноз-неъматларга сумкаларини тўлдириб кузатиб қолишади. Улар кетишгач, хотини ҳафталаб Жалолоддин билан гаплашмай юради. “Кенжа фарзанд бўлгач, шу-да, хотин. Ота-онам тирик экан, шу ерга келаверишади, нима қилай ахир? Мен уларни чақириб олаётганим йўқ-ку!” деб неча бор ялинса ҳам то ўзи очилмагунча, тумтайиб юраверади. Аммо ота-она ўтиб кетгач ҳам, уларнинг уйлари “машваратхона” лигича қолаверди. “Ота-онамиздан қолган уй, шу ерга келсак, уларни кўргандек, овозларини эшитгандек бўламиз”, дейишади келганлар.

Хотини ҳисоб-китобни, сайру саёҳатни жуда яхши кўради. “Уларни шунча йилдан бери меҳмон қиламиз, биз ҳам бир бориб, меҳмон бўлиб келайлик. Шаҳар жуда гўзаллашиб, ўзгариб кетган дейишади. Жондек жигарингиз бўла туриб, бир марта боролмаймизми?” деб сира холи жонига қўйишади. Шу йил болалар ёзги таътилга чиқишгач, ниҳоят йўл тадоригига тушишди. Шаҳарлик янга яхши кўрадиган гўштлардан олиб, музхонада икки кун музлатиб, бир сумкага солишди. Иккинчи сумкага ҳўл мева, қанд-қурс, нон-патир олишди. Беш-олти кун қолиб кетсак, оғиримиз тушмасин, дейишди-да. Ўзи йўлга чиқаётгани учун хотини ҳам бу харажатлардан малолланмади.

Неча довлонлардан ўтиб, тонгга яқин шаҳарга кириб боришганда мудроқ кўчалар ҳувуллаб ётарди. Биринчи бўлиб акаси телефон қилди: “Яхши келяпсиларми? Қаерларга етиб қолдинглар?” Сал ўтиб хотинининг телефони жиринглади, янгаси экан: “Келай деб қолдингларми? Таксистдан сўранг-чи, бизникигача қанча юраркансизлар? Яна бир соат, дейдими? Эҳ-ҳе, айтинг, тезроқ ҳайдасин”. Хуллас, эр-хотин то уйга кириб боргунларича бири қўйиб, бири кўнғироқ қилар, унга сари Жалолоддин хотини билан таксистнинг олдида уларнинг безовталиклари ва меҳрибонликларидан ғурурланар,

атрофга аланг-жалаңг қараб, терисига сиғмай борарди: “Биззи ака билан янгага гап йўқ-да. Янга дўхтир. Жуда кўнгли очик, меҳрибон аёл. Кўришмаганимизга ҳам бир йил бўлди. Ҳар йили ёзда ўзлари бизни кўргани боришар эди. Бу йил биз сизларни кўргани борамиз, дедик. Роса севинишди”.

Бу жойларда интизомга жуда қаттиқ амал қилинар экан. Улар уйга киришлари билан янга сумкадагиларни совутгучга жойлаб, тандир гўшт билан думба ва ҳўл мевалардан “Йўлда онамга ташлаб ўтаман”, дея бир салафан халтачага олди-да, “Энди хафа бўлиш йўқ, иш вақтимиз бўлиб қолди. Чарчаган бўлсанглар, ётиб дам олинглар. Чой ичаман, десанглар, газда чой қайнаб турибди, совутгичда овқат ҳам бор. Тушдан сўнг Санобар дарсдан келиб, ош-пош қилади”, дея улардан узр сўраган бўлди-да, сўнг эрига “Бўлинг. Бўлинг, тезроқ”, деб шоша-пиша жўнаб кетишди. Шунча харажат қилиб, ўзларича ишни дўндиргандек бўлиб келган эр-хотин болалари билан эгасиз уйнинг ўртасида анқайиб туриб қолишди. Биринчи бўлиб хотини ёрилди: “Ҳурматимизни кўрдингизми, отажониси? Саҳардан буён юз марта кўнғироқ қилишди, шунинг ўрнига дастурхон ёзиб, тўрт тақсимчага қанд-қурс қўйиб, бир четга бир чойнаккина чойни сочиққа ўраб қўйса бўларди-ку! Булар борадиган бўлса, биз бечоралар икки кун олдин пишир-куйдир қилиб бошлаймиз. Иш деган нарсани буткул унутамиз”.

Жалолоддин иштонини булғаб қўйган боладек кўзлари жовдираб қолди. Хотини захрини сочмаса ҳам бўлари бўлиб турган эди. Буники қўшимча бўлди. Хотинига жавобан бир нарсалар деб гулдиради, аммо нима деганини ўзи ҳам тушунмади. Тахмондан кўрпача олиб, хонанинг бир четига тўшади-да, чўзилиб ола қолди: “Э-ээ, бор-е, мен чарчадим”. У ростдан ҳам жуда чарчаган эди. Хотини эса болаларни етаклаб хонадан чиқиб кетди. Бироз ётиб, у ҳам болаларининг изидан ошхонага ўтди. Уни кўриб, хотини истеҳзо билан жилмайди: “Илон чаққан ухлаши мумкин, аммо оч одам ухлай олмайди. Келинг, янгажонингиз ажойиб мошхўрда қолдириб кетган экан, иситдим”. Жалолоддин индамай ошхона столининг бир четига ўтирди. Дастурхонга ўзлари олиб келган тандир кабоб, қатлама патир, қанд-қурслардан ҳам қўйилган эди. Унинг кўнғлидан кечганларини ҳис қилди шекилли, хотини андишасизларча изоҳ бериб қўя қолди: “Буларнинг кечадан қолган мошхўрдасига қараб ўтираимизми, ҳеч бўлмаса, ўзимиз олиб келган

нарсалар билан ўзимизни сийлайлик”. Жалолиддин дастурхондан нигоҳини олмай, бош ирғади: “Менга мошхўрда бера қол”. Хотини бир коса овқатни олдига қўяётди, яна чақиб олди: “Уларга ҳам қолсин, деяпсизми? Мўл-кўл қилиб олганмиз-у, ҳаммага етади, ейверсангиз бўларди”. Жалолиддин бош чайқади: “Шарт эмас”.

Асрдан сўнг етиб келган Санобар – опасининг шу ерда ўқийдиган талаба қизи – бозорга отланди: “Тога, онам пул бериб юбордимиз?”. Унинг ўша пулга бозорлик қилмоқчи эканлигини тушунган Жалолиддин жиянига эргашиб, бозорга чиқди: “Бозорлигини кўтаришиб юбораман”. Хотинининг кўзлари олайиб кетди, итининг қилиги эгасига маълум, аммо индамади. Хотини адашмаган эди, Санобар керакли нарсаларни олиб кетаверди, пулини у тўлади.

Акаси ошнинг устида “яримта” очди: “Келишларингни бир ювмасак бўлмайди”. Янга ижирғанди: “Шусиз бўлмайдимиз?”. Ака унга жавоб қайтармасдан Жалолиддин иккиси учун қадаҳ тўлдирди: “Қани, ол, ука! Сендай жигарим борлиги учун ва сенинг соғлигинг учун!”. Жалолиддин кўн бўйи хотинининг минғирлайверишидан юраги бироз сиқилиб турган эди. Қадаҳни бир кўтаришда сипқориб юборди. Жалолиддиннинг назарида негадир акасининг ҳам кайфияти йўққа ўхшаб кўринди. Кейин жуфт қилишди: “Аканинг соғлиги учун”, “Болаларнинг келажаги учун”... Хуллас, ака-ука бир шишани думалатишди. Сўнг бироз шамоллаб, оёқнинг чигилини ёзиб олиш учун айвонга чиқишди. Акаси ташқарига олиб чиқадиган эшикнинг ёнида ўтириб, узоқ чекди. Унинг ич-ичига ботиб кетган кўзлари алланечук гамгин эди. Сўнг қаердандир нарда олиб чиқди. Ўйин уларнинг кайфиятини кўтариб юборди. Худди болалик пайтларидагидек тошларни ёғоч доскага уриб, озроқ кайфлари бор эмасми, қийчув қилиб ўйнай бошлашди. Кўп ўтмай танбеҳ эшитишди: “Муҳтарам эркаклар! Бу уйда ягона мавжудот сизлармассизлар-ку! Секин, болалар ухлаб қолишди”. Кейин улар ҳовлига чиқишди. Ҳовли четидаги чоққина чорпоёга ўтириб, яна чекишди. Аллақачон элнинг ётар пайти бўлган эса-да, ҳаво иссиқ ва дим эди. Ака кўлидаги папирос қолдигини бир четга улоқтириб юборди-да, бир қўли билан унинг елкасидан қучди. “Кичкиналигингда ҳам доим шундай ўтирардик. Шундай юмшоқ, шундай ширин бола эдингки!.. Лекин туғилган пайтинг сени роса ёмон кўрганман. Ўшанда мен саккиз ёшда эдим. Сен – уч қиздан кейин туғилган ўғил, эҳ-ҳе,

ҳамма атрофингда парвона, отам тинмай сенга ҳали кийимча, ҳали ўйинчоқ ташийди. Менинг эса ичим ёнади. Сени ўлдириб қўйгим келади. Отамдан кўрқаним учун индамайман”. Ака хўнграб йиғлаб юборди: “Мени кечир, ука, ана шу ёмон хаёлларим учун. Мени кечир!”

Орқадан янганинг овози эшитилди: “Бўлди-да энди, дадаси! Бир камимиз қўшниларга гап бўлишимиз қолувди. Эрталаб ишга боришингиз керак, уйга кириб ётсангиз бўлмайдимиз!”

Ака кўзларини енгига артиб ўрнидан турди: “Ростдан ҳам... Энди ётиш керак. Яхши ётиб тур, ука”.

Эртаси куни ҳам улар шошиб ишга кетишди: “Кечирасизлар-да, раҳбарларимиз жуда қаттиққўл. Овсиним келган, икки кунгина жавоб беринг, десам, унда жойингизга янги ходим олишга тўғри келади, шунга чидасангиз, истаганча қолаверинг, деди. Кўчага чиқсанглар, такси кўп, истаган жойларингга олиб бориб қўяди. Бозорга борасизларми, истироҳат боғини айланасизларми, кўча тўла машина. Худо хоҳласа, кечқурун кўришамиз” – янга остонада туриб узрини айтди. “Совутгичда ҳамма нарса бор, Санобар дарсдан қайтгач, истаган нарсангизни пишириб беради”.

Хотини яна жавраб-жавраб кийинди, болаларни кийинтирди: “Ҳозир бозор айланайлик. Кейин паркка бориб, болаларни ҳалинчак-палинчак учиртирамиз. Мен бу ерда узоқ қола олмайман. Сира керак эмас”.

Кечки пайт Жалолиддин зерикди. Акаси ҳам “ҳа” деганда келавермади, хотини ошхонада Санобар билан пишир-қўйдир қилиб ётибди. Ётган хонасининг тўрида турган компьютерни олди. Ишхонасидаги компьютерларда баъзан карта-парта ўйнаб турарди. Компьютерни ёққан эди, экранда ғалати ёзувлар пайдо бўлди. Ҳайрон бўлиб, ўчириб, қайта ёқди. Яна шу аҳвол. Сўнг акасининг ўғлини чақирди: “Аҳрор, манавига бир қара, негадир ишламаяпти”. У ҳам ўчирди-ёқди, ёқди-ўчирди, кейин “Бузилибди, шекилли”, деб хонасига чиқиб кетди.

Онаси келиши билан суюнчилаган шекилли, янга уст-бошини ҳам алмаштирмаёқ компьютерга ёпишиб кетди. Кейин дарҳол уста қўшнисига қўнғироқ қилиб, компьютерни уникага чиқариб юборди. У ёқда компьютернинг венчестрими, алламбало қиммат нарсаси куйибди, деган жавоб келгач, янга тутаб кетди: “Уф, ўзи тушунмаган нарсасига тегинган одамни ёмон кўраман-да. Ахир венчестр куйди дегани компьютер тамом бўлди, дегани-ку. У компьютердан қиммат туради. Бугун компьютерсиз ҳаётни тасаввур қилиб



бўлмайди. Бу қурғур ҳаммамизга керак, дадасига ҳам, менга ҳам, болаларга ҳам...”

Хуллас, не бир ҳафсала билан қилинган овқат ҳам, меҳмондорчилик ҳам заҳар-заққум бўлди. Янганинг қовоғи очилмади. Унга қараб ака ҳам мум тишлагандек жим ўтирди. Кейин эру хотин меҳмонларни дастурхон бошида қолдириб, анча вақт йўқ бўлиб кетишди. Ўзлари дастурхонга фотиҳа ўқишди, Санобар идиш-товоқларни йиғиштириб олди. Бир вақт акаси хонасидан чиқиб, индамай ҳовлига ўтиб кетди. Каттаю кичик ноқулай аҳволда қолди. Хотини Жалолиддинни ёзғирди: “Компьютер қовламай ўлинг-да сиз, ишқалчи. Қўлингиз теккан нарса бузилмаса, ҳисобмас. Палакат”. Бу индамай акасининг изидан ҳовлига чиқди. Ака ҳовлида кўринмади. Дарвоза ортидаги ўриндиқда чекиб ўтирган экан. Укасини кўриб, нарироқ сурилиб жой берди. Улар анча вақтгача жим ўтиришди. Ниҳоят ака ёрилди: “Ҳе, укасини!.. Шу компьютерига тегинмасанг бўлар экан. Балоба қолдик энди”. У индамади. Ака туриб-туриб яна ўзига ўзи гапираётгандек сўзланди: “Шундай камтар, камсуқум, меҳрибон қиз эди бир вақтлари, энди эса жодугарнинг худди ўзи. Э-э, бор-е, деб кетворай дейман баъзан, болалар бор... Бу аёл менга қисматнинг жуда қўпол ҳазили бўлди”. “Э-э, ака, буларнинг ҳаммасиям бир гўр”, ўзича акасини қўллаб қувватламоқчи бўлди. “Энди уни созлаш учун камида миллион сўм пул зарур. Агар пулинг

бўлса, бирон 500 бериб туролмайсанми, қолган беш юз мингни ўзим қарз ҳавола қилиб топардим. Созлатмасам, қўймайди бу”. У ичкарига кириб, акаси айтган пулни олиб чиқиб берди: “Мана, ака, сиқилманг. Уйга борсам кейинги ойликдан яна беш юз жўнатаман”. Ака пулни олиб, чўнтагига солди: “Бўлади, ука”.

Ўша кеча Жалолиддиннинг тоби қочди, ухлаёлмади. Эртаси куни йўлга чиқишди. Улар чиққан машина тоғлар орасидан ўтган асфальт йўл узра елиб бораркан, эрталабки қуёшнинг майин нурлари юзларини оҳиста силаб-сийпалар, хиёл очиқ деразадан анвойи гиёҳларнинг хушбўй ҳидлари димоққа урилар, сўзамолгина ҳайдовчи йигит зерикканиданми, у ёқ бу ёқдан гап ташлар, аммо боргунларича ҳеч кимга гап бермаган Жалолиддиннинг бир сўз айтишга-да ҳоли йўқ, бошини орқага ташлаганча, кўзларини юмиб, жим кетиб борарди.

Уйга етиб келишгач, кечки дастурхон устида хотини яна бир чақиб олди: “Дунёда сиздек бўшанг, ношуд одам бўлмаса керак. Нимага пул берасиз, ахир? Балки сиз тегингунча ўша компьютер ўлгурнинг ўзи бузилиб тургандир! Эҳ, тавба-ей!.. Худо кўрсатмасин, ўғлимиз сизга ўхшамасин-да, ишқилиб!”

Жалолиддин ҳам тўлиб турган эди: “Қизимиз сента ўхшамасин, ишқилиб. Эрини куйдириб адо қилади”, деди.

Хотини кулиб юборди.

# Haq gapning

## xotibi va kotibi



**Баҳодир КАРИМОВ,**  
филология фанлари  
доктори.

1966 йили туғилган. Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. “XX аср ўзбек шеърияти антологияси”, “XX аср ўзбек ҳикояси антологияси”, “Ўзбек адабий танқиди антологияси” китобларининг гоյ муаллифи ва тузувчиларидан бири. “Қодирий қадри”, “Янгиланиш соғинчи”, “Абдулла Қодирий: танқид, таҳлил ва талқин” каби китоблар муаллифи.

XX аср ўзбек насридаги энг эътиборли бурилиш нуқталардан бири Тоғай Мурод номи, унинг “Юлдузлар мангу ёнади”, “От кишнаган оқшом”, “Ойдинда юрган одамлар”, “Отамдан қолган далалар” каби бир қанча асарлари билан боғлиқ. Зотан, бадиий адабиётнинг бепоён, нафис сўз майдонида юраги бутун адиблар, чин истеъдод эгаларигина жиддий бурилиш ясайдилар.

Тоғай Мурод ўзбек ўқувчиларининг суюкли адиби. У бундай табаррук рутбага фақатгина яхши ижод маҳсули билан эришиш мумкинлигини бир неча карра исботлади.

Гоҳида адиб номи айтилмай бирор асари эсга олинса, изидан шу асарлардаги асосий образлари ва, албатта, муаллифнинг бетакрор ижоди хаёлга келади. Зиёдулла кал, Момосулув, Дехқонкул, Ақраб,

Тарлон каби атоқли отлар ўзбек адабиёти тарихида Тоғай Мурод номи билан параллел яшаб келаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Агар бу адибга бир жумла тавсиф лозим бўлса, мен Тоғай Муродни ҳақ сўзнинг хотиби ва котиви, деган бўлар эдим. Тўғри сўзлиги боис барча билан бирдек тил топишиб, киришиб кета олмаган, айнан, кўплаб чин истеъдодларга хос ўзининг индивидуал табиати билан бошқалардан ажралиб турадиган тақдир эгаси эди Тоғай Мурод. Мен уни китоблари ичидаги ўзининг қаҳрамонлари орасида – гавжум бир муҳитда, аммо ҳаётда ҳамон от устида ёлғиз йўл юриб кетаётган одамдек тасаввур қиламан. Асарларидаги қаҳрамонлари билан астойдил танишган одам унинг ўзини ҳам яқиндан билиб олади.

*Мени ҳайратлантирган янги далил шуки, ўзбек тилини биладиган хориждаги айрим мутахассислар, гарчанд олмон тилига ҳалигача таржима қилинмаган бўлса ҳам, катта авлодга мансуб ўзбек адиблари қаторида Тоғай Муродга ҳам жой беришибди.*

Болаларча самимияту шиддат, ичикишу мардонаварлик, тўғрилигу аразлар Тоғай Мурод табиатига жуда-жуда ярашади. Шу жумладан, Зиёдулла калга ҳам.

Кўчирма: “Аламимдан аразлагим келди!

Барчага, инчунун, баковулга эшиттириб айтдим:

– Биз кетдик! Бизга қачон ҳақ берилиб эди-да, энди берилади! – дедим ўзимча, кўпкарига қўл силтаб жўнадим. Тарлонни тарс-тарс қамчиладим. – Кетдик, Тарлон, кетдик, одамлар биз сағирларга қайишмайди! – дедим.

Тўдадан олислаб бордим. Тарлонни тагин тарс-тарс қамчиладим.

– Кетдик, Тарлон, кетдик, бизнинг калламиз кал! Биз калларга ҳақ йўқ! – дедим. Кетимга қайрилиб қарадим. Узанги йўлдошларим йўлдан қайирар, дея умидландим. Тарлонни имиллатдим. Тагин ўгирилиб қарадим. Изимдан биров-да келмади!”

Яна “Юлдузлар мангу ёнади” қиссасида Бўри полвон давра айланади ва хитоб қилади: “Халойиқ! Даврада ҳалол олишиб, элга томоша кўрсатайлик. Ҳақ-ноҳақни мен – ўзим ажрим қиламан. Айтганим – айтган, деганим – деган. Даврадаги Бўри полвон сўзим: тарафкашлик, фирромлик, ошна-оғайнигарчиликка йўл қўймайман”.

Бу тўғрилиқ кундасига бошини қўйиб, мана, керак бўлса ол, дейдиган, бироқ ортга бир қадам тисарилиб “оҳ” демайдиган ориятли йигитларнинг шу кунгача жаранглаб турган энг нодир юрак сўзидир. Бу – Тоғай Муроднинг хитоби, бу Тоғай Муроднинг ҳақгўйлиги, ҳақиқатпарастлиги садоси. Булар – адибнинг яшаётган китобларидаги хикмат ва ибралар...

Аслида ҳар қандай ёзувчи юзини иймон ва виждонининг улкан ҳақиқатлари ойнасига солиб, ўзига ўзи ҳисоботлар бериши лозим. Покиза адабиёт ва умрбоқий асарлар шундай очиқ-ойдин тафтишларни талаб қилади.

## Энциклопедик характердаги бу луғат Европада жуда машҳур. Бунга ҳар кимнинг ҳам исм-шарифи ёзилиб, асарлари шарҳланавермайди.

Ўзбек адабиётини дунёга олиб чиқиш учун таржима, тарғиб ва ташвиқ муҳим. Мени ҳайратлантирган янги далил шуки, ўзбек тилини биладиган хориждаги айрим мутахассислар, гарчанд олмон тилига ҳалигача таржима қилинмаган бўлса ҳам, катта авлодга мансуб ўзбек адиблари қаторида Тоғай Муродга ҳам жой беришибди. Қўлимдаги Рудолф Радлер таҳрири остида Германиянинг Мюнхен шаҳрида босилган “Киндлернинг янги адабиёт луғати” (“Kindlers Neues Literatur Lexikon”, München 1998) деган энциклопедик луғатнинг 22 жилдида Тоғай Муроднинг “От кишнаган оқшом” (Der Abend, als das Pferd wicherte) асари турибди.

Энциклопедик характердаги бу луғат Европада жуда машҳур. Бунга ҳар кимнинг ҳам исм-шарифи ёзилиб, асарлари шарҳланавермайди. Луғатда Тоғай Муроднинг “От кишнаган оқшом” қиссасига яхши таъриф-тавсифлар берилибди.

Мақола муаллифи Зигрид Клайнмихел ўз фикри исботи учун қиссадан тўртта кўчирма олибди. Энциклопедик луғатлар учун бу жуда катта гап, албатта. У бир ўринда Чингиз Айтматовнинг “Асрга татиғулик кун” асаридаги Қоранорни Тарлонга қиёсан тилга олади. Бошқа бир ўринда кўпкарига эскилик сарқити сифатида қараган қаҳрамон фикрлари келтирилади; кейин Абдулла Қодирий ва унинг “Улоқда” ҳикоялари эсга олинади.


Тоғай Муроднинг “От кишнаган оқшом” қиссаси мазмунини олмон-забон ўқувчиларга таништириш учун ёзилган изоҳларида хорижлик олиманинг назари – холис, нияти – эзгу. Солиштириш асло тасодифий эмас, менимча.

Муҳтарам журналхон, яхши-си, мен ортиқча сўзлар билан вақтингизни олиб ўтирмасдан, ўша мақолани ўқишни тавсия қилганим маъқул...



# Tog'ay Murod

Зигрид  
КЛАЙНМИХЕЛ



Бош муҳаррир – Рудолф Радлер  
22-том  
Қўшимча том  
L-Z  
Мюнхен – 1998 йил

Немис тилидан Санжар  
Исломов таржимаси.

1948 йили Ўзбекистон Республикаси  
Сурхондарё вилояти Денов тумани  
яқинидаги Хўжасоат қишлоғида таваллуд  
топган.

От кишнаган оқшом

(Der Abend, als das Pferd wicherte)

1982 йили нашр қилинган Тоғай Муроднинг “От кишнаган оқшом” қиссасида Зиёдулла кал ҳамда унинг оти Тарлон ҳаётидан эпизодлар ўта моҳирлик билан жонли тилда тасвирлаб берилади. Гарчи қисса оддий ва содда туюлса-да, ёзувчи матн бошиданоқ иккинчи бир маъно қатламини яратишга муваффақ бўлган. Чунки туркий халқлар эртакларида калбош (ёки қасмоқбош) ўз замондошлари журъати етмаган умумқабул қилинган қоидаларни бузувчи ёки ҳақиқатларни очиқ айта олиш қобилиятига эга айёр ва муғомбир шахс тимсолида келади. Чўпон Зиёдулла кал асарда ўз “мен”и номидан ҳикоя қилиб, муаллиф томонидан бошқа изоҳлар бериб борилмайди.

Зиёдулла мактаб даврида битлиқилиги сабаб сочларини қирдириб олдиради ва кейинчалик ушбу ҳолатни ўзининг “мен”ига айлантриб юборади. У ҳатто бошқаларга ўзини “Зиёдулла кал” деб аташларини, унга “ўртоқ Қурбон” деб бошқа айтмасликни уқтиради.

Китобхон асар мутолааси жараёнида от ва кўпқари ўйинлари, қаҳрамонларнинг ўзига хос хислатлари ҳақида ҳам билиб олади. Цўхикоячининг тушида кўриб, сўнгра



унга уйланган дилбар ўртасидаги ошиқлик муносабатлари ҳам асар руҳиятига жуда мос келган:

“Момосулуга кўрган тушимни айтиб бердим. – Сен ҳам шундай туш кўриб эдингми? – дедим. – Кўриб эдим, – деди. – Чинингни айт, – дедим. – Чиним, – деди. – Лекин, таниёлмай қолиб эдим, чироқ ўчиқ эди, – деди. – Ўша мен эдим! – дедим, кўкрагимга урдим. – Сиз эканлигингни билиб тегдим-да, – деди. – Аҳай-аҳай! – дедим. Биродарлар, Момосулув тушимда Чўлпон эди, ҳушимда Ой эди, кўйнимда Офтоб бўлди!”

Зиёдулланинг яширин муҳаббати кенжа фарзандига алла айтиш палласида ҳам яққол кўринади. Алла орқали ўқувчилар орадан йиллар ўтганини, фарзандлар дунёга келганини билади.

Ёзувчининг яна бир қиссаси “Ойдинда юрган одамлар” деб номланади. Унда фарзандсизликдан изтироб чеккан киши ғам-ғуссалари, қадриятларга бой ҳаёт тарзи ифодаланган. Қаҳрамонлар ҳаётини қийинчиликларга дуч келса-да, она-табиатдан, ўзлigidан бегона-лашмайди. Муқаддас бир дунёга



бошқа бир оламнинг шафқатсизларча бостириб кириши эса асар структурасини янада бойитади.

Зиёдулланинг шаҳардан келган ўқимишли, аммо ўз мақолалари қаҳрамонларининг кундалик ҳаёти ҳақида ҳеч қандай тасаввурга эга бўлмаган бир журналист билан учрашуви ҳам кулгили тасвирланган. Чўпон билан суҳбат жараёнида журналист эски иборалари ҳамда гаплари билан оми ва совуққон кўринишда таассурот қолдиради.

Ўшт тақчиллиги сабаб отларни ўштга топшириш тўғрисидаги топшириқ ҳам шафқатсиз эшитилади. Бу ерда Айтматовнинг “Оқ кема” асарига она бугунинг ҳамда “Қиёмат” асарига кийикларнинг қатл қилиниши сюжетларининг таъсирини кузатиш мумкин. Зиёдулланинг ўз отини халқ оғзаки ижоди қаҳрамонлари билан таққослаши, мақташи, боринги, шикоят тарзида айтган гаплари ҳам ўқувчига кутилмаган кайфият беради: “Тарлон от эмас, Жуманбулбул куйлаган “Қунтуғмиш”! Фозил Йўлдош куйлаган “Алпомиш”! Гажак-гажак бўйинлар бўйин эмас, дўмбира, дўмбира! “Қунтуғмиш”ни ўштга топшириб бўладими? “Алпомиш”ни ўшт қилиб бўладими?”

Поэтик таъкидга кўра, ўшт олувчилар миллий урф-одатларни билмаслиги ва кўполлиги билан ажралиб туради. Чунки улар уй эгасининг янги туғилган чақалоқнинг соғлиги ва уйдан зиён-заҳматларни кувиш учун меҳмон томонидан “совға” қилинган бирон нарсани исириққа қўшиб тутатиш учун кийими учидан бир ип беришни сўраб қилган илтимосини кескинлик билан рад этишади. Чўпоннинг муаллиф томонидан Москвага олиб борилиши, у ерда ўз арзини айттириши ва шундан кейин отларни ўштга топшириш буйруғининг қайтиб олинишини потенциал танқидчилар учун бир муроса сифатида кўриш мумкин.

Тинч ва осуда ҳаётнинг шафқатсиз тарзда бузилишига бир гуруҳ

жиноятчилар сабаб бўлишади: Зиёдулла бозорда бир киши ўғридан ўз нарсаларини қайтиб олмоқчи бўлганида аёвсиз дўппосланганининг гувоҳи бўлади. Тақирбошдан бошқа томошабинлардан ҳеч бири воқеага гувоҳ бўлишга рози бўлмайди. Аксинча, улар Зиёдулланинг ўзини аҳмоқ деб билишади:

“Шу! Ана, оқибат, қариндошингиз чалажон бўлиб, касалхонага кетди! Шу! Ҳолидан хабар олиб турибсизми? Қалай энди? – Борганим йўқ! – Ия, нега? – Мен уни танимасам, билмасам... – Ия, ҳали танимайсизми? – Эса-да. Балиқпаз юзимга энкайиб қаради. Гапим жиддийлигини билиб, тиззасига уриб кулди. – Э, ака-е, ака-е! Афанди экансиз-ку! ... – Э, ака-е, э, ака-е! Қариндошингиз бўлмаса, ақалли танишингиз бўлмаса, сизга нима? Қип-қизил Афанди экансиз! Шу! Ё ундан бирон нима ундирдингизми!”


Бундай хатти-ҳаракатлар жамиятнинг барча бўғинларида одатий ҳол ҳисобланади. Кўпчиликнинг онгида яқин кишисига шунчаки инсонийлик жиҳатидан ёрдам бериш бу аҳмоқлик ва гўлликдан бошқа нарса эмас. Асар якунида айбдорлар топилади ва жазоланади. Аммо суд залидан уйга қайтишда тақирбош жиноятчиларнинг ҳамтовоқлари томонидан ўласи қилиб дўппосланади.

Асар сўнгигача зиддиятларга бой эмас. Воқеалар кулгили ва жонли ҳикоя тарзида айтиб берилади. Ёзувчи ушбу қаҳрамон орқали қадриятларга бошқачароқ назар ташлашга муваффақ бўлади. Бошида кулгили ва ноодатий кўринган ҳолатлар охирига бориб аслида инсоний фазилат-

лар бўлиб чиқади. Собик иттифок пайтида Ўзбекистондаги оддий социалистик турмуш тарзи ўқувчига тўсатдан жўн ва ақлга сиғмайдиган ҳолат бўлиб кўрина бошлайди. Бир кўпқарида давлат идораси ходимининг гапи ҳам кулгили эшитилади. Зиёдулла отдан йиқилиб тушган пайтда у худди мажлисда ўтиргандек ваъз ўқийди:

“... Мен бундан кўп йиллар муқаддам айтганман, кўпқари эскилик сарқити, саломатлик душмани, ҳаёт учун хавфли деб!...” Бундай гапларни социализмнинг барча даврларида турли-туман кўринишларда эшитиш мумкин бўлган.

Анъанавий яшаш тарзи билан мунтазам олиб борилган сиёсий курашлар натижасида урф-одатлар амалда қисман замонавий қарашлар ортига чекинди ва бу, ўз навбатида, ушбу яшаш тарзига бўлган соғиниш ҳиссининг вужудга келишига сабаб бўлди. Тоғай Мурод ўзининг аъло даражадаги қиссаси билан мазкур соғиниш ҳиссини чин инсоний қадриятлар орқали ифода-лашга муваффақ бўлган.





Расмларни Оловиддин Собир ўғли чизди.



Муҳаммад ШОДИЙ

1959 йили туғилган. Хўжанд давлат университетини тамомлаган. “Юракда қолган муҳаббат”, “Иккинчи баҳор”, “Сўхдарё садоси”, “Лолазор”, “Саждагоҳ” каби назмий ва насрий тўпламлари чоп этилган.

## Yomg'irdan so'ng

**А**лламаҳал. Ўғлини ўйлаб, набираси билан ётган мўйсафиднинг уйқуси қочган. Ўзини ўзанда қолган балиқдай ҳис этипти. “Сени шу умид билан катта қилдимми? Шу умид билан ўқитдимми? Шунча гапларим – насиҳатларим ҳавога учганмиди, болам? Сен шу ишни раво кўрсанг, тарбиянгни олган зурриёд эртага қандай одам бўлади?”

Кечқурун ота-бола тортишиб қолишди. Мўйсафид хуноб. Келинига ёзгириб, юрагини бироз бўшатмоқчи эди, у эри томонга ўтиб қолди.

– Қўйинг, хафа бўлманг, – деди Шаҳноз унга, елкасидан чангни меҳрибонлик билан қоқаркан. – Отангизни энди кўряпсизми?

Келинидан тасалли кутган мўйсафид бўшашди. Баданига совуқ нарса теккандай титраб кетди. “Ҳм-м, бу эрини овутипти-ку. Менгамас, эрига далда бўляпти!”

Келин нима деди? “Энди кўряпсизми?”

Ҳа-да, бир гапни минг марта қайта-қайта гапирадан, қаригани сайин эзма ва инжиқ бўлиб бораётган чолни Султон энди кўриб турибдими?

Шаҳноз қайнотани илиқ кутиб олган эди.

Кўрган заҳоти бобоси томон талпинган болаларининг ортидан пешвоз чиқаркан:

– Яхши келдингизми, дада? – деди очиқ чеҳра билан.

Самимий кутиб олинганидан кўнгли тоғдек кўтарилган мўйсафид сўридаги мулойим кўрпачалар устига ўтиргач, набиралари Умид ва Наима унга ёпишдилар. Шаҳноз ҳам ёнига келиб ўтирди.

– Хуш кепсиз, дадажон!

Ҳа, келиннинг кайфияти яхши эди. Лекин кейинроқ...

Эр-хотин пичирлашдилар. Шаҳнознинг: “Биров сўраб қолса, ростини гапириб бериб, шарманда кип қўймасин-да, деб боладан кўрққандим, дадаси. Маҳмадона Умиддан! Лекин отангиз... Келиб-келиб, шу пайтда кириб келишларини қаранг!” – дейиши тўсатдан қайнотанинг қўлоғига кирди-ю, кўнгли эзилиб, эсанкираб қолди.

Ҳаммаси Султоннинг ҳовлиқиб кириб келганидан бошланди. У отаси билан саросимада сўрашди-ю, хотинига юзланиб:

– Келишяпти, – деди. – Ош нима бўлди?

– Ҳозир дамлайман.

Шаҳноз ошхона томон юриб кетди.

Мўйсафид:

– Ким келяпти? – сўради.

– Комиссия. Суғурта инспекциядан, – жавоб қилди ўғли.

Султон отасининг ҳайрон қолган нигоҳини кўриб, унга яқинроқ ўтирди-да:

– Эски уйнинг бир томонини ағдарвордим, – деди овозини пасайтириб. – Ичкари ҳовлига кирмадингиз-а? Ёгингарчиликдан қулаб тушди, деб ариза ташлаб қўювдим. Ана, келишяпти кўргани.

Султон омонатгина ўтираркан, нохуш хабар эшитгандай қотиб қолган отасининг кўнглидан нималар кечаётганидан беҳабар, хуш кайфиятда қўшиб қўйди:

– Инспектор ўзимизники. Одамгарчилик қилса, анчагина пул чиқиши мумкин. Ҳарна-да, ота. Ҳеч бўлмаса, янги уйнинг шиферига етар? Нима дедингиз?

Авзойи ўзгариб кетган мўйсафид: – Нима ҳам дердим, – дея дардли жилмайди. – Балли, ўғлим. Баракалла!

Султон бир сесканди ва:

– Дада! – деди ўқрайиб қараркан.

– Нима, дада?

– Э, ниманинг ташвишини қиялпсиз?

– Сен қилган ишнинг ташвишини, болам!

Эшитган қулоқ нима дейди?

– Ким билиб ўтирибди?

– Ким билиб ўтирибди, дегин. Хўп, ҳеч ким кўрмади бу ажабтовур томошани. Ҳеч ким хабардор бўлмади. Лекин сен шуни ўзингга раво кўрасанми?

Ахир...

Бас. Ҳозироқ назоратчи ошнангнинг ёнига жўна. Қайтарвор. Тўғрисини гапиришга уялсанг, бирор баҳона топ!

Гангиб қолган Султон ҳаракатсиз ўтирарди:

– Тура қолсанг-чи! – ўдағайлади мўйсафид.

– Мен нима дедим? Ҳой, сени ҳалол луқма билан боққанман, – унинг ўксик кўзлари пир-пир учди. – Лекин сен арзимаган ҳаром пулни деб...

– Нима? – тутақиб кетди Султон.

Мўйсафид чўнтагига қўл солиб: – Сенга қанча керак? – деган эди, кўздан ўт чақнаб:

– Ҳм-м, сиздек пули кўпайганни... – олайиб қаради ўғли.

– Менга унақа қарама!

Султон истар-истамас ўрнидан турди-да, ортига қарай-қарай кўча эшиги томон кетди. Дарвозани шарақлатиб ёпган эди, мўйсафид бир қалқиди. Анча вақт изтироб билан ёпиқ дарвоза томон тикилиб ўтирди. Келини яқинлашган эди, дардли нигоҳини унга қадаб:

– Зардасини кўрдингизми? – деди шикоятмуз.

Шаҳноз ерга қаради. Нимадир демоқчи бўлди, аммо ботинолмади. Сўнг қовоғи солинган кўйи қайнотадан узоқлашди. Умидвор мўйсафиднинг кўзига дунё баттар қоронғилашди. Омон бўлгур, бир оғиз “хафа бўлманг” ҳам демади-я!

Кўп ўтмай мўйсафид ҳовуридан тушди, аммо юраги ҳамон гаш эди. “Хафа кип қўйдинг болани. Ётиғи билан, мулойимлик билан тушунтирсанг ҳам бўларди-ку!” – маломат қилди ўзини.

Султон тушқун кайфиятда дарвозадан кириб келар, нигоҳида “Қайтарвордим, кўнглингиз жойига тушдимиз?” – деган маломатомуз ифода акс этарди. Буни англаган мўйсафид: – Кечир, ўғлим, – деди хижолатли жилмаяркан.

Султон отасининг ёнига ўтирди.

– Дада...

Мўйсафид ўғлининг қўлини кафтларига олди.

– Қўй, хафа бўлма. Биласан-ку, хасдек бир “вағғ” этиб ёнганимда ранжитиб қўяман-да, кейин пушаймон бўламан.

Мўйсафид ҳаммасига ўзи айбдордай бошини эгди ва ўта соддалик, меҳрибонлик билан давом эттирди:

– Ҳа, айтмоқчи, ўзим берсам-чи, ўша давлат берадиганни. Чин юракдан айтяпман, болам. Пулим бор.

Султон қўлини тортиб оларкан:

Биламан, пулдорсиз, – деди истехзо билан.

– Лекин бироз ундирсак, давлат камбағал бўп қолармиди? Суғурта бадалини тўлаяпман-ку!

Қўллари муаллақ қолган мўйсафид тагин мулазам тортиб: – Ўғлим-а... – дея бошини сарак-сарак қилди. – Нима, ўша пул билан бойиб кетармидинг? Муаллим болам! Тушунсанг-чи, мўйсафид отангни.

– Тушунапман, дада! – овозини кўтарди Султон.

– Тушуниб туриб ҳам... – жиғибийрони чиққан мўйсафиднинг лаблари ўзидан-ўзи титрай бошлаганди, ўғлининг:

– Ҳамма шунақа қилади! – дейишидан портлаб кетди: – Нима дединг? Ҳамма шунақа қилади?!

Мўйсафиднинг авзойи буткул бузилган эди. “Шу менинг боламми? Муаллим боламми?”

У газабини ичига ютиб, ғамгин жилмайди-да: – Ҳаммани ўз тошинг билан тортма, болам! – деди синиқ овозда. – Дарвоқе, суғуртачилар кимникида?

– Ҳасан киракашникида. Нима эди?

– Ҳасан киракаш ҳам сенга ўхшаб...

– Билмадим, – чўрт кесди Султон. – Бошқалар билан нима ишим бор?

– Ўзинг ҳамма шундай қилади, деб айтдинг-ку. Бошқалар шундай қилган тақдирдаям, сен қилма, уқдингми? Муаллимсан. Адабиёт муаллими! Адаб...

Авзойи тундлашиб:

– Бас. Зор қолгуринг баҳридан ўтдим-ку! – бақириб юборди Султон. – Қутулмадимми?!

Таом тайёр бўлган экан, Шаҳноз сув олиб келди.

– Кам бўлманг, қизим, – титроқ қўлларини юваркан, мўйсафид дуо қилди ва келиннинг таъби ғоят тирриқлигини англади: “Буниси ҳам хафа”.

Ош ҳам келди. Ота-бола дастурхонга қарадилар.

Дарвозани тақиллатди-ю, остонада кўринган қўшни болакай: – Сизни бир одам сўраяпти, Султон ака! – деди баланд овозда.

Худди шуни кутиб ўтиргандай Султон дарҳол қўлини артиб, ўрнидан турди.

У кетди-ю, мўйсафид ҳам сочиққа қўл узатди.

Тез ортига қайтган ўғлига: “Ким экан?” дегандай қаради мўйсафид.

– Аббос амаки.

Мўйсафид тараддудланди: – Аббос?.. Ўртоғимми?

Қўзғалган эди, Султон шаштидан қайтарди: – Кетиб қолди, қўшнисининг машинасига ўтириб. Кириг, дедим, унамади.

– Дадам шу ерда демапсан-да...

– Шошиб турган экан. Уйи – тўйхона! Борибсиз-ку.

– Ҳа, борувдим. Эҳ, эсимдан кўтарилибди! Султон боламга етказарсан, энди ўзи оқшом базмига бош-қош бўлсин, деб илтимос қилувди, бояқиш. Овора бўп ўзи ҳам кепти-я. Борарсан, “раис болам?”

Отанинг беозор жилмайиши Султонга истехзодек туюлди ва: – Хотиржам бўлинг, бормайман, – деди совуққина оҳангда.

Табассум мўйсафиднинг лабида яхлади.

– Бу нима деганинг? “Раис” лигинг, ваъзгўйлигингга мен қаршиманми? Аксинча, фахрланаман суҳандон ўғлимдан.

– Э, қўйинг!

Мўйсафиднинг юзига хавотирлик соя солди: – Айтмоқчи, йўқ демадингми Аббосга?

– Менсиз ҳам ўтади тўйи.

– Яхши эмас. Аббоснинг ўзи кепти-я, муҳтож бўлиб. Тўй сенсиз ҳам ўтади, лекин...

Хаёлчан ўтирган Шаҳноз: – Бу киши “раислик”ни аллақачон ташлаган, ота, – деди заҳарли кулимсираркан. – Ҳа, энди тўй қайда. Иш фақат азама-аза юриш!

Мўйсафиднинг авзойи бадани музлаб кетди. “Нимага шама қияпти келин?”

Ҳа, Чаман холанинг қазо қилган кунимиди? Ўғли телевизор кўриб ўтирувди, у кириб келди. “Нега бормадинг? Нима, фурсатинг бўлмадимми? Тўй бўлса, вақт топиларди, шундоқми? Суҳандонлик қилардинг тун бўйи?!”

Хаёлларини йиғиб, ичида нимадир узилган-дек бўлса-да, изтиробини жиловлашга тиришиб, алақандай хавотир билан: – Ростдан ҳам... боринг йўқми? – деди мўйсафид.

Султон деворга қарар, юрагига қил сифмаётгани сезилиб турарди.

– Биламан, кайфиятинг йўқ.



Ўгли ичкари томон қадам босган эди: – Болам, – деди титроқ овозда мўйсафид.

– Ҳа, яна нима? – оғриниб сўради Султон. Ота: “Аббосни писанд қилмайсан. Бойвачча ёки мансабдорнинг тўйи бўлганида “учардинг!” демоқчи бўлди-ю, аммо тилини тийди. Бечораҳол дўсти Аббос ҳақ-хурмати:

– Болам, бор... – деди ёлворган оҳангда. – Ўзи овора бўп кепти-я, қария. Ёш ўтган сари кўнгли нозик бўп кетаркан одамни. Мўйсафид отанг ҳам – шу. Арзимаган нарсага боши осмонда, арзимаган нарсага юраги чилпарчин. Аббос хафа бўп қолмасин, тўйига бор. Борақол, жон болам...

Алламаҳалда микрофон орқали бутун маҳаллада эшитилаётган куй-қўшиқ, тантанали сўзларга уланиб кетган сухандон ўғлининг ваъзгўйлиги ниҳоясига етди-ю, мўйсафид енгил тортгандай “хайрият-эй!” деди ичида. Хотиржам ухламоқчи эди... бўлмади – кундузги манзара ҳамон кўз олдида жонланар, хуноби ошиб борарди. “Авлодимизда алдоқчи йўқ эди, болам, кимга тортдинг? Берган тарбиям, панд-насиҳатларим қаёққа кетди? Боланг бор сениям. У нима бўлади? Эртага қандай одам бўлади?!”

Ич-этини еб адойи тамом бўлаётган чол беихтиёр чуқур “уф” тортиб, бошқа тарафга ағанади-ю, Умиднинг овози қулоғига кирди:

– Бува.

– Э, буванг тасадуқ, – мўйсафид набираси томон қайтди ва уни бағрига босаркан: – Уйғоқмидинг? – деди меҳрибонлик билан.

– Буважон, – деди Умиджон бўғиқ овозда. – Хафасиз, а?

Мўйсафид бошини кўтарди ва: – Йўғ-э! – дея юзида мунг акс этган набирасига меҳрли тикилди. – Нега хафа бўларканман, ширинтойим?

– Дадамлар... – болакай йиғламсираган кўйи бир зум жимиб қолди ва: – Сиз хафа бўлманг, буважон! – дея бобосини маҳкам қучоқлади. – Буважон, хафа бўлманг!

Бундай юпатиш ва ҳамдардлик туйғусини кутмаган мўйсафид бир нафас ўзини йўқотди. Қаттиқ таъсирланганидан кўзига ёш келди.

– Бува?!

– Ҳа болажоним?

Болакай юраги дард-ҳасратга тўла бобосининг лаблари титрай бошлагани, кўзлари жиқ-жиқ ёшга тўлганини сездю: – Майли, – деди.

– Нима?

– Буважон, йиғлаб олинг.

– Нега... йиғларканман, болам? – деди бобо тугила-тутила. Овози титраб чиқди. Бутун вужуди қалтирар, қаттиқ ҳаяжондалиги сезилиб турарди.

Мўйсафид ўзини тутолмади – йиғлади. Ўк-сиб-ўксиб, унсиз йиғлади. Бироқ бу узоққа чўзилмади – шаррос қўйилаётган ёмғир бирдан тиниб, булутлар тарқалиб, қуёш чарақлагандай юраги равшан тортди. “Бу бола... бошқача. Бу одам бўлади!”

Табассум қилди мўйсафид. Кўзларида ёш жи-лолаётган болакайнинг ҳам юзи ёришиб: – Ана энди менга сўз беринг! – деди.

– Сўз берай? Нима деб?

– Бошқа ҳеч қачон кўзимга ёш олмайман деб! Йиғламасликка сўз беринг, буважон!

– Хўп, сўз бераман! – ҳозиргина йиғлаб ўтирган мўйсафид энди беихтиёр қулар, набирасининг юзига юзини босганча галати антикарди. У мамнун жилмаяркан, тор кулбадан ёруғ дунёга, мусаффо ҳавога чиққандай бўлди – ўзанда типирчилаб қолган балиқ ўзини дарёи равонда ҳис этар, енгил нафас оларди бамисоли. – Сендай ақлли болажоним бор экан, кўнглим тўқ. Хавотирим тарқалди, Умид! Хурсандман. Ҳамиша шундай кулиб юришга ваъда бераман, жон болам. Ўғлоним!



### Турсунбой АДАШБОВЕВ

1939 йили Қирғизистоннинг Ўш вилоятига қарашли Олабуқа туманида туғилган. Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎЗМУ) ҳамда Москвадаги Адабиёт институтини тамомлаган.

“Камолнинг олмаси”, “Биз – саёхатчилар” (1969), “Арслонбобо шаршараси” (1973), “Сурнай” (1975), “Нурдарё” (1977), “Гулдаста” (1979), “Олатоғ - лолатоғ” (1982), “Оқбура тўлқинлари” (1985), “Совға” (1987) ҳамда 1989-1990 йилларда унинг “Арслонбобо афсонаси”, “Сичқоннинг орзуси”, “Уч бўталоқ ва сирли қовоқ”, “Орзуларим – қўш қанотим” (2003) каби тўпламлари нашр этилган.

У ўзбек ва қирғиз халқлари ўртасидаги дўстлик ипларини мустаҳкамлаш йўлидаги хизматлари учун “Дўстлик” (2001) ордени билан тақдирланган. Турсунбой Адашбоев “Қирғизистонда хизмат кўрсатган маданият арбоби” ва “Манас” ордени совриндори ҳамдир.

Шоир 2017 йили Тошкент шаҳрида вафот этди.

Турсунбойнинг  
ашуласи

Сув тегирмон,  
Був тегирмон.  
Темир паррак,  
Зубулсайди.  
Тош атланиб,  
Зубулсайди.  
Бу тегирмон,  
Ашуласи.  
Эгду соғар,  
Ой шукаси.  
Бу жойга қос,  
Зарур эроқ  
Дон элаша,  
Талбир, парок.  
Дўл - аслида,  
Қатпа дечак.  
Тарғни артар,  
Моним лубак  
Дўлга буғдой,  
Таш еснади.  
Ушлар қизғин,  
Бошқонади.

Турсунбой Адашбоев умрини ўзбек болалар адабиётини ривожлантиришга, ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлашга бағишлади. У кишининг бевосита саъй-ҳаракати билан “Ўзбек болалар адабиёти антологияси”, талай баёзлар, тўпламлар нашр этилди. Айниқса, шоирнинг болаларга атаб ёзган юморга бой, қисқа, тафаккурни уйғотувчи чақмоқдек таъсирчан шеърлари болалар адабиёти хазинасини янги дурдоналар билан бойитди.

Турсунбой Адашбоев ўзбек шеърятининг пародия йўналишида ҳам баракали ижод қилган, унинг ривожига катта ҳисса қўшган шоирлардан эди. У ўзининг беғараз ҳазил йўсинидаги пародиялари билан ижод аҳдини дам-бадам хушёрликка чорлаб, сўзни, шеърни, шеърхонни қадрлашга даъват этиб туради.

Йўлдош СОЛИЖОНОВ,  
филология фанлари доктори, профессор

# So'zi va a'moli bir shoir

**Матназар Абдулҳакимнинг биргина шеърини ўқиган ҳар қандай ўқувчи асл шеър таъминини туйгандек бўлади. Адабиётимиз тарихида ўзидан ҳам аввал шеърига ҳайкал қўйилган шоир бир умр кўнгил кишиси бўлиб яшади, ижод қилди. Энг муҳими, сўзни шарафлади, унинг шаънини юксакларга кўтарди.**

**Шоирнинг қалб ибодатларида ҳам хокисорлик, яхшилик, тантилик бор эди:**

*Кўраларга солади қирон,  
Уяларда қилади бузғун.  
Бола кўрсин, барибир, бўри,  
Жўжа очсин, барибир, қузғун.*

**Шоирнинг мумтоз адабиётимиз намояндалари ижоди хусусидаги жиддий тадқиқотлари, илмий мақолалари ҳам борки, ундаги ойдин қарашлар, таҳлиллар сизни уларга-да шайдо қилади.**

**Матназар Абдулҳаким ўз ижоди, эзгу эътиқоди ва ихлоси билан инсон руҳиятининг чин тарбиячиси, куйчиси бўлиб қолади.**



Шоир курсдоши, дўсти  
Мухтор Назарбоев билан. 1971 й.

Матназар Абдулҳакимнинг Хоразмда туриб пигирлаган овози Тошкент адабий муҳитида гумбурлаган акс-садо берар эди. Шоирнинг халққа сеvimли бўлиб, шеърият муҳиблари юрагидан ўрин олиши, ўзидан абадиятга дахлдор гўзал ёзиглар мерос қолдириши ва умуман адабиёт тарихидан муносиб жой олиши угун қалби бутун шахс бўлиши кераклигини, ҳатто бунинг угун мамлакат пойтахтида яшаб, ижод қилиши ҳам шарт эмаслигини Матназар Абдулҳаким қойилмақом қилиб исботлаб кетди.

Баҳодир КАРИМОВ

Мен Матназар Абдулҳаким билан қаерда, қагон танишганимни эслай олмайман. Бу шоир бир, икки, уг ва ҳоказо шеърлари ҳамда адабий-илмий мақола-лари орқали менинг юрагимга, онгимга, руҳиятимга секин-аста сингиб бораверган. Унинг ижодида тикит йўқ. Ёзганларининг бари келажак авлодга қолади. Матназар Абдулҳаким бутун вужуди, борлиги истеъдод ганжигга тўлиқ инсон эди. Бу маънавий бойлик эса сира завол топмагай.

Абдулла ОРИПОВ



Ёшлик сурури. 1966 й.

Матназар ака билан ҳар гал уграшганимиздаги биринги гапи, албатта, “Фалонги бир зўр шеър ёки ҳикоя ёзибди”, деган сўзлари бўлар эди ва шаксиз, унинг изидан қўлига қалам тутган ҳар бир кишини “қамгилаб” турадиган сўроги бўлар эди: “Ёзиб турибсанми?” Бу савол Матназар акани устоз билган қаламкаш угун боши узра доимо ўткир ойболтадай ялтиллаб турадиган “хавф” эди. Сабаби, Матназар ака ҳет қагон ўз қаламига хиёнат қилмас, ижодни ҳаёт мазмуни билар ва бу майдонга кирган ёки кириши даъвосида бўлганлардан ҳам худди шундай садоқатни талаб этар эди.

Шухрат Маткарим



Эллиқалъа. Ақнақўл илҳомлари.  
Бўстон шаҳри, 2007 й.

Матназар Абдулҳаким шахсига хос яна бир хусусият шу эдики, агар яхши асар бўлса ёки шоғирдларининг яхши шеъри бўлса, худди ўзиникидек қувонар ва уларни тарғиб қилишидан лаззатланар эди. У бир ишга киришса, астойдил киришар, иш битмагунга тиниб-тингимас, бирор мансабдор шахс олдигами ёки мутасадди таъкилотгами қатнаб тарғамасди.

Мадраҳим САФАРБОЕВ



Шоир Дилором Узро, Муҳаммад Сиддиқ,  
Муҳиддин Абдусамадлар билан. 2002 й.



## Шоир ва ўлим

(Матназар Абдулҳакимни хотирлаб)

Қаватлидир ўзбекнинг тили,  
 “Ўлим” деган сўзнинг ҳам  
 Ўриндоши кўп:  
 Омонатин топишди,  
 Оламдан ўтди,  
 Вафот этди,  
 Раҳматли бўлди,  
 Бандагилик қилди,  
 Бақога кетди...  
 Аммо бу гапларнинг бирортасин,  
 Китобнинг жулдур варақларида  
 Битиклари узра  
 Кезиб юргувчи  
 Сирли шивирлаб тургувчи  
 Шоирга нисбатан қўллагинг келмас.  
 Эсга тушса,  
 Хоразмлик огайним гоҳо,  
 Тилга олгим келмас “ўлим” сўзини.  
 Беихтиёр дилда балқир бир жумла:  
 – Минг афсус,  
 Матназар  
 Шеър ёзмай қўйди...

Анвар ОБИДЖОН



Синфдош дўсти Озод  
 Болтаев билан. 1969 й.

Матназар Абдулҳаким шеърят  
 бўстониининг улкан, серҳосил намоян-  
 даларидан бири эди. Ҳали биз унинг  
 меҳнатлари маҳсулидан кўп йиллар  
 баҳраманд бўламиз. Унинг ажойиб  
 шеърлари ва илмий асарлари мамла-  
 катимизга, халқимизга, келажакимиз-  
 га хизмат қилиши шубҳасиз.

Қўзи ИСМОИЛ



Адиб Николай Гацухаев билан. 1993 й.



Мушоира. 1994 й.

Биз ёшлигимизда сурурваш эдик. Йўлларимиз кўп, аммо қай биридан кетишни билмай юрганамизда устознинг истеҳзоли суҳбатлари кўнглимизга оро кирди. Сўзи билан аъмоли бир эди. Ана шундай меҳр таъсирида биз ўз йўлимизни топдик. Устоз Матназар Абдулҳаким бизга адабиётни гин маънода севишни ўргатди.

Даврон РАЖАБ



Шоир ижодхонаси доим дўстлар суҳбати билан Цурафшон, 1990 й.

Мен бу кунларимиз  
 Бедилсиз қолмаётганидан бахтиёрман.  
 Чунки Матназар  
 кабилар бор. У дилини  
 бериб Бедилни таржима қиляпти. Менга  
 бугун синаётганимиз сўфийларни  
 эслатади бу одам:  
 камтар, истеъдодли,  
 камсуқум, кузги. У  
 замонага боқмайди.  
 Иншооллоҳ, замона  
 унга боққусидир!

Усмон АЗИМ.  
 1996 йил.



Шоирнинг “Дарсдан сўнг”  
 шеърига атаб ўрнатилган ҳайкал.  
 Қорақалпоғистон Республикаси,  
 Эллиқалъа тумани, Бўстон шаҳри.

# Men seni uchratdim sendan ayrilib



**Давлатжон КАРИМ**

1991 йили  
туғилган. Мирзо  
Улуғбек номидаги  
Ўзбекистон Миллий  
университетининг  
ўзбек филологияси  
факультетини  
тамомлаган.  
Шеърлари матбуотда  
эълон қилинган.

## Олисдаги яқин гўзалим

Men seni йўқотиб мен сени топдим,  
Men seni угратдим сендан айрилиб.  
Сендан йироқ кетиб сен томон топдим,  
Сенга юзланяпман ҳар ён қайрилиб.  
Чўғ каби совқотдим қаро кунларда,  
Оқ-ойдин тунларда гурладим муздай.  
Ҳайқирдим, дод солдим сўзсиз – гунглардай,  
Не ажаб, барг ёздим бемаврид, кузда.  
Ўйласам, ҳаётим туш каби, рўё,  
Тушларим ҳаётдир энди мен угун.  
Юксалганим сари гўжяпман гўё,  
Тобора сенсизман, ҳувиллар оғун.  
Бу қандай азобдир, бу қандай бахтдир.  
Севги аввалимдир, севги азалим.  
Сен – азгиқ қисматим, сен – ёруғ тақдир,  
Менинг олисдаги яқин гўзалим.  
Men seni йўқотиб мен сени топдим,  
Men seni угратдим сендан айрилиб.  
Сендан йироқ кетиб сен томон топдим,  
Сенга юзланяпман ҳар ён қайрилиб...

## Навоийнинг навоси

Занглаган идрокингни  
Нақш этади Навоий,  
Ўзингга ўзлигингни  
Бахш этади Навоий.  
Шеърят осмонда  
Юлдуз эмас, ой эмас,  
Мангу осмон сингари  
Акс этади Навоий.  
Ўргатади ҳаётни,  
Қалбингни кўрсатади,  
Бойимассан балки, лек  
Шахс этади Навоий.

## Афгон тоғлари

Афгонги Холийигит бувамга

Ҳамон тушларимга киради Афгон,  
Юрагимни тирнар изтироб тиги.  
Эсласам, тўлади кўзларимга қон,  
Қалбимни ўртайди кўҳна доғларим,  
Кегалар қайдандир келади йиғи –  
Ҳамон тушларимда Афгон тоғлари...

Йиғлаб қолди гамхўр, жонкуяр онам,  
Йиғлаб қолди суюк қалам қошлигим.  
Олис ўлкаларга бўлдим равона,  
Қонлар кегиб ўтди маъсум тоғларим,  
Афгон тоғларида қолди ёшлигим,  
Ҳамон тушларимда Афгон тоғлари...

Ҳар куни фалакка боқиб кўзларим,  
Матонат сўрардим, дуода қўлим.  
Гўдакдай йиғларди мажруҳ дўстларим,  
Жангга кирар эди қолган соғлари,  
Ҳар куни жаҳолат, ҳар куни ўлим,  
Ҳамон тушларимда Афгон тоғлари...

Ким угун курашдим ўзи, аслида  
Урушни бошлаган бефаҳм гумроҳ.  
Мен кузакка етдим баҳор фаслида,  
Хазонга кўмилди ҳаёт боғлари,  
Қирққа кирмасимдан қаридим, эй воҳ,  
Ҳамон тушларимда Афгон тоғлари...

Урушда мағлуб йўқ, йўқ унда голиб,  
Урушлар ҳамиша ҳиссиз, мазмунсиз.  
Тунлар уйғонаман тўғиб, тўлғониб,  
Йиғласам, бўғзимда қотар оҳларим,  
Кегалар йиғлайман товушсиз, унсиз,  
Ҳамон тушларимда Афгон тоғлари...

Телбани кўргандай боқади олам,  
Юрагимда битмас ҳасрат, озорлар...  
Ҳолимни билмайди ҳаттоки болам.  
Ҳар бири қадрдон дўст-ўртоқларим –  
Жасур ботирлардан қолган мазорлар,  
Ҳамон тушларимда Афгон тоғлари...

## Арафа

Албатта, эртага кулади қуёш,  
Албатта, эртага эрийди музлар.  
Қувонгдан тегаклар тўкади кўзёш,  
Оҳиста нозланар гуллар, ялпизлар.  
Эртага дарахтлар огади бағир,  
Насимлар баргани эркалар бирдай.  
Ким ҳам соғинмайди баҳорни, ахир,  
Ахир, ким ҳам сайр қилмас ёмғирда.  
Қор остидан ўтлар кўтаради бош,  
Бошимизни силар беозор еллар.  
Бўронлар тинади тортишиб ювош,  
Бошланар кўкламги байрам, сайиллар.  
Қушлар қўшиқ айтар эрта саҳардан,  
Нолалар бўлмайди дилни ўртаган.  
Қайтиб келган каби олис сафардан  
Юракдан кўришар ҳамма эртага...

## Хулоса

Бу дунёнинг ишлари галкаш...  
Анвар Обиджон

Бу дунёнинг ишлари галкаш –  
У дунёнинг борлиги тўғри.  
Имонсизмас ҳар битта алкаш,  
Сотқин эмас ҳар қандай ўғри.  
Қафас игра ҳайқирса шерлар,  
Юрагимни сиқади бир дард –  
Нокасга гоҳ омад берилар,  
Суянади сабрига гоҳ мард.  
Инсон ўтар баланддан, пастдан,  
Лек бир ҳолат дилни гашлайди –  
Кимдир яшаб ўлади аста,  
Кимдир ўлиб яшай бошлайди...  
Номард эрур номардга эш ким,  
Ҳақ йўлида бўл собитқадам –  
Эркак бўлиб тугилмас ҳеч ким,  
Эркак бўлиб улғаяр одам.

Sizga salom berdim-u, bir sayyoradan ikkinchisiga maxfiy xabar eltayotgan fazoviy mavjudot haqidagi roman yodimga tushdi. Xullas, odam trillion yildan beri o'zga sayyora tomon uchayotgan xabarchining nomasini o'qishga erishadi. Maktubda mittigina nuqta bo'lib, uning tarjimasi "Salom"

# Ildizdan yulduzgacha...

*Assalому алайкум, Nasrullo!*



**Бобур ЭЛМУРОД**

1989 йили туғилган. Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетини тамомлаган. 2012 йили "Биринчи китобим" лойиҳасида "Кўзларимдаги дунё" номли шеърый тўплами чоп этилган.

Сизга салом бердим, бир сайёрадан иккинчисига махфий хабар элтаётган фазовий мавжудот ҳақидаги роман ёдимга тушди. Хуллас, одам триллион йилдан бери ўзга сайёра томон угаётган хабаргининг номасини ўқишга эришади. Мактубда миттигина нуқта бўлиб, унинг таржимаси "Салом" дегани экан.

Тушуняспизми, "Салом" дегани. Демакки, бу каломда инсонни мудо қувватлантириб турувчи илоҳий кут бор.

"Ёшлик" журналининг 2017 йил 11-сонида тикқан "Қаро соғларинга битдим оқ шеърлар" сарлавҳаси остидаги туркум шеърларингизни ўқиб, мен билган ўн йил олдинги Насрулло ёдимга тушди.

Ўзбекистон Миллий университетининг ўзбек филологияси факультети қошидаги "Ҳилол" адабий тўғараги ёдингиздадир. Қанга шоиру носирларнинг пўстаги қоқиладиган нафис мажлис. Ўшандаги танбеҳу таъзирлардан нега толиблар ёзишни ташлаб кетмади дейсиз.

Хуллас, шеър сабаб яқин бўлиб кетдик.

Республика рассомлик коллежида ўқиганингиз хўп билинади. Ўзингиз ҳам ташидан шоирдан кўра рассомга ўхшаб кетасиз. Асарларида қаҳрамонларининг кўзларини тизмайдиган Моделяни борку, ўшанга. Билдикки, у инсон қалбини англасагина кўзларини тизар экан.

Дўстим, энди айтса ҳам бўлар, кўпгилик сизни ўзига бино қўйган, димоғдор деб билади. Бўлса бордир. Аммо "Юлдуз ва илдиз" номли шеърингиз барга фазилатларингиздан-да машхурроқ эди:

ЮЛДУЗ ВА ИЛДИЗ

О, нақадар яқин қофия

Сен ва мен каби

Юлдуз ва илдиз

О, нақдар олис масофа

Сен ва мен каби.

# Rassom chizgan she'rlar

Бисотингиздаги шеър ва суратларнинг камлиги ўзингизга талабнинг юқорилигидан бўлса ажабмас. Илк машқларингизданоқ қофияга ҳафсалангиз йўқлиги сезилади. Балки бу сизга сўзларни ортиққа бўйсундириш каби кўринар. Очиги, ўнлаб тенгдошлар анъанавий тарзда ёзаётган бир паллада сиздаги шаклий ўзгаришлар менинг завқимни келтиргани рост. Ўша кезлардаги шеърларни эсланг...

**СЕНИНГ КЎЗЛАРИНГДА** мен ўзимни қўйдим йўқотиб. Энди менга оғир жуда ҳам — кўзларингдан излаб яшамоқ тўкиб кетган муҳаббатимни...

Ёки:

**ҚУЁШ БОРУ, СОВУҚ ҚОТДИМ МЕН;**  
Ёниб кулга айландим бирам.

Ижодда бир-биримизни аясак, хатоларимизга ён берсак келажак дўстларимиз биздан-да гина қилар. Шеърга ўқувчи назаргалик тоза ва холис баҳо керак, менимга. Мактубдаги фикрларни шу поғонада деб билинг. Бугун бу шеърлар менга сизни эмас, Рауф Парфининг оташ сатрларини эслатди.

Сиздаги “Чўкиб кетган муҳаббат” шоирдаги “Сувга тўкиб кетган болам, ёшлигим...” билан ҳамоҳангдек. “Қуёш бор-у, совуқ қотдим мен” эса “Оташин музларга исинмоқ” кабидир:

Уйгон, эй, малагим, тур ўрингдан, тур,

Оташин музларда исинайлик, юр.

Рауф Парфининг кўпгина шеърини кашфиётларини ўзингизда синашга тиришасиз. Масалан, биринги сатрларнинг бош ҳарф

билан ёзилиши ва шеърга сарлавҳа бўлиб келиши, тўртликларнинг кутилмаганда узликка айланиши...

Буни ўғирлик эмас, устоз шоирга нисбатан азбаройи ихлос ҳосиласи дегим келади. Чунки сўз ўмариш даражасидаги оғир одам эмассиз.

Бир нарса сўрасам: Бугун ёзилган шеърларингизни қаерда сақлайсиз? Ижтимоий тармоқлардами ёки бирор рўзнома саҳифаларида? Балки улар дафтارينгизда ойлаб ётар.

Кўпинга виртуал тармоқларда “янги узилган шеър”ларни кўраман. Ёзилиши ва саҳифага қўйилиши орасидаги қисқа вақт мени эсанкиратиб қўяди. Гўё шоир ўша ернинг ўзида “ижод” қилган. Оғриқли томони, уни кўкларга кўтарилишига ўзимиз йўл қўямиз. Индамаслигимиз, кескин фикрлар билдира олмаслигимиз унга кўпроқ ҳаёт беради.

Асл шоир угун шеър бир умрлик ишланадиган, таҳрир қилинадиган жараён. Ҳатто Рауф Парфи ҳам кўп минг нусхада топ этиб бўлинган китобидаги шеърларни тузатиб ўтириши ҳақида эшитганим бор. Буни мукаммалликка бўлган мукаммал интилиш дейдилар.

Ҳозир ҳам қўлимда ўн йиллар аввалги шеърларингиз турибди. Уларни яқин-яқинда битганларингизга таққослаш имкони бор. Эҳтимол, бугун айрим шеърларингизни ўзингизда қабул қилмассиз:

Оқшом —  
қизнинг оппоқ сийнаси.  
Деразага осилар кўзим.  
Туннинг қора соғи ташланар кейин...

Мисраларда йигитликнинг гўр хаёллари уфуриб турса-да, бу руҳият сизга қайдан юққанини билишга уринаман. Парга келтириб ўтирмай, Шавкат Раҳмоннинг Лоркадан таржималарида ҳам шундай бебош келмишлар борлигини биласиз. Ўн баҳор ўтиб ўша руҳиятингиз қангалик тозарганини “Метрода ухлаб кетаётган ёлғиз аёлга” номли шеърингизда кўраман. Унда шундай ташбеҳлар бор:

Нафис кипригида шабнам мудрайди,  
Тўлган-у, тўкилмай тургандай кўзёш.  
Ҳозир ташқарида осмон ухлайди,  
Еростига кириб кетгандай қуёш.

Сиз ўтган йиларни бесамар ўтказмадингиз, бугунгага яхшигина шеърлар яралди. Ҳар ҳолда, уларда ўзингиз ҳис қилган туйғулар бор. Аммо ҳамон сизни ошиқ ва маъшук изтироблари эгаллаб олгани галати туюлади. “Муҳаббат!? — Сўроққа айланган ундов қисмати”, “Ёш оқар кўзимдан ёқутранг...”, “Тарк этганда севгилим мени”, “Мен сизни севмайман!.. Севмайман, деб алдайман ўзимни”...

## Ruxsat etilgan xatolik doirasida

Бугунги битганларингиз ҳам шу йўсинда боради: “Қўлларидан анор ушлаган аёл”, “Қўлингга қалбимни қўйиб йиғладим”, “Ёмғир ва қор ёғар битта-битталаб, кўз ёғар, қош ёғар, битта-битта лаб...”

Отиги, ўттиз ёшдаги юрак изтиробларингизда бошқа туйғуларнинг ҳамон камнамолиги мени ўйлантиради. Гоҳида ҳар сатрда ишқисизликдан озор текаётганингизга ишонмай қоламан. Нега бу шоирнинг қалби ўзга жараёнларни ҳис қилмаяпти экан, деган савол туғилади.

Экзюпери ёзувчи бўлса ҳам шоирлар “оҳ-воҳ”ига тидай олмабди. Унинг иқрорини келтирай:

“Уз юз йил муқаддам инсонлар шундай сева олганларки, ҳатто муҳаббатни деб бир умр таркидунё қилишган. Бизнинг давримизда баъзилар ўз жонига суиқасд қилмоқда. Лекин уларнинг изтиробларини қаттиқ тиш оғриги билан қийслаш мумкин, холос. Зеро, бу изтиробнинг муҳаббат билан ҳеч қандай алоқаси йўқ...”

Дўстим, мен ёзганларингизнинг муҳаббатга алоқаси бўлишини истайман. Чунки бу қўлингиздан келади. Хайриятки, вақт сизни ёзолмаслик каби аянгли қисматга дугор қилмади. Ҳамон қарашларингиз мусаввирона, жонингизга бурув солиб турибсиз. Бунинг уғун раҳмат!

Дўстим, тунов куни бозорда назоратчи-тарозибонни кўрдим. Тош-тарозу ҳалоллигини текшириб юрган экан. Тарозининг 5 граммдан 10 граммга адашишига рuxсат этилган хатolik доирасида деб қаралар экан. Қаранг, “Рухсат этилган хатolik доирасида”.

Наҳотки хатolikларга ҳам рuxсат этилса. Ахир, мисқоллар ҳам ҳисоб-китоб қилинадиган лаҳзалар бор.

Ўйлаб кўрсам, бизнинг ҳам рuxсат этилган хатolik доирасидаги хатоларимиз борга ўхшайди: озгина бефарқлик, озгина дангасалик, озгина хиёнат, озгина туйғусизлик...

Биласизми, одамни, айниқса шоирни йўқ қилиш уғун озгина бефарқлик кифоя эканига ишониб боряпман. Масалан, шоирнинг камера қаршида шеър ўқиши нозик жараён. Чунки шеър – руҳият, ҳолат. Унга тушилмаса, томошабинга-да юқмайди. Аввало журналистда шеърга муҳаббат бўлса, шоирни тинглайди, нигоҳини ундан узмай, шеърнинг ҳароратини борлигага тасмага муҳрлашга ҳаракат қилади.

Афсус, бундайлар жуда кам. Сиз, керак бўлса, ўн марталаб шеър ўқийсиз. Гоҳида овозингиз ёзилмай қолади, гоҳ тасвирги тайёр бўлмайди, баъзан микрофонни қимирлатмай ушлаб тургани уғун маош оладиган “журналист” тамоман сизга бефарқ бўлади...

Ижодий кўрсатувлар тақдири эса ижоддан йироқ журналистлар ва вақти зиқ техник ходимлар қўлида қолиб кетгандай. Қисқаси, шеърга бефарқлар игра шеър ўқиш нақадар бахтсизлик эканини туясан.

Бир ёзувчи айтганидек, оммавий ишлаб чиқариш натижасида сон-саноқсиз ажойиб мусиқа асбобларига эга бўлишимиз мумкин. Лекин уларда куй ижро этувчи созандаларни қаердан оламиз?..

Дўстим, мен шоирнинг рўзнамаларда ўз шеърларини тарғиб қилиб юришини ҳеч тушунмайман. Шеърларимни фалон нашр гош этмай келади, дегиллар ҳам орамизда талайгина. Шундай ижодкорлар шеърнинг қадрини ҳам сариқ тақадан арзон қилиб юборади. Ўзининг хом-хатала ёзишмаларини буюк асар деб билади. Аслида шундай кишилар ўқувчиларнинг ҳафсаласини пир қилган.

Шукрки, Саъдий Шерозийнинг ҳаммамиз уғун бир умрлик сабоқ бўла оладиган байтлари борки, шунинг тубимдан ҳам қимматлироқ кўринди. Мисраларни хатимнинг сўнги хулосаси деб қабул қилгайсиз:

Агар сенда мушк йўқ, жим ўтир, ахир,  
Агар бўлса ҳиднинг ўзи айтадир...

Sa'diy Sheroziyning hammamiz uchun o'ladigan baytlari bor, shuning túbimdan ham qimmatliroq kóring. Agár senda mushk yóq, jim ótir, axir, Agár bolsá hidning ózi aytadir...

# O'zbekning jahongashta ertaklari



**Фаррух ЖАББОРОВ**

1985 йили туғилган. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳамда Ўзбекистон Миллий университетини тамомлаган. “Мен қайтиб келаман” (Тоғай Мурод замондошлари хотирасида) китоби, “Олтин кўприк” ёш ижодкорлар тўпламини нашрга тайёрлашда иштирок этган. Ҳикоялари матбуот ва тўпламларда чоп этилган.

**Биринчи туртки.** Қачонлардир хориж фильмини кўргандим – адашмасам, немисларники – воқеалари “Ур тўқмоқ”нинг айна ўзгинаси. Фақат очил дастурхон ўрнига “тўкин стол”, буям ўринли, ўзларидан келиб чиқишган-да. Ўхшаш адабий ҳодисалар фольклоршуносликни доим қизиқтириб келган, уларни изоҳлашига қараб бир неча илмий мактаблар шаклланган. Миграция мактаби, сайёр сюжетлар назарияси халқларнинг асрий алоқалари асносида маталу масаллар кўчиб юришини уқтиради. Мифология мактаби вакиллари ибтидоий одамларнинг борлиқ ҳақидаги тасаввурлари кейинчалик адабий сатҳга кўчиб ўтгани, умумий мифологияга эга эллар оғзаки ижодида ўхшашлик табиийлиги хусусида сўзлайди. Тарихий мактаб олимлари фольклор асарлари қадимда юз берган воқеаларнинг инсоният хотирасидаги акс садоси дея тушунтиради. Антропология мактаби эса этник қариндош бўлмаган, ўтмишда иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий алоқаларга киришмаган халқларда параллел маданий ҳодисалар учрашига эътибор қаратиб, бунини тарихий тараққиётнинг бир хил босқичида бутун башариятда руҳий ва маънавий яқинлик кузатилиши билан боғлайди. Илмий мактаблар илгари сурган фаразларнинг барчасида жон бор ва улар бир-бирини тўлдирди.

**Иккинчи туртки.** Яқинда Жанубий Америка адабиётининг йирик намояндаси Хорхе Луис Борхеснинг “Туркистон эртаклари” деган эссесини ўқиб қолдим. Таржимон Шарифжон Аҳмедовнинг ёзишича, “Туркистон эртаклари” (“Cuentos del Turquestan”) асари 1926 йили Буэнос-Айресдаги “La Prensa” газетасида эълон қилинган. Улуғ Китобдор ажиб адабий занжир ҳақида сўзлайди: сирли-сеҳрли эртаклар Буюк Турон дашту далалари, тоғу тошлари, шаҳару кентларини макон тутган эллар томонидан асрлар бўйи яратилган; рус этнографи Николай Остроумовнинг (1846–1930) илмий изланишлари натижасида 1906 йили “Сказки сартов в русском изложении” китоби чоп этилган; ушбу тўплам немис-чех фольклоршуноси Густав Юнгбауэр (1886–1942) саъй-ҳаракати билан немис тилига ўгирилиб, 1923 йили Йена шаҳрида “Märchen aus Turkestan und Tibet” (“Туркистон ва Тибет эртаклари”) номи билан нашр қилинган; “бир неча этножўғрофий саргардонликларни бошидан кечирган ушбу китоб (эҳтимол, Буэнос-Айресдаги ягона китоб), мана, охир оқибат” аргентина ёзувчисининг қўлига

келиб тушади ва у кўнглига Шарқ шамолларини келтирган, хаёлини етти иқлимга елдирган эртақлар тўғрисида эссе ёзади. Ушбу бадиани асрий асотирлар тили – ўзбек тилига ўгирган Шарифжон Аҳмедов ҳам ўша адабий занжирга яна бир ҳалқа бўлиб қўшилади.

**Учинчи туртки.** Филология фанлари доктори Маматқул Жўраев неча йиллар илгари “Нурғиёт” газетасига берган интервьюсида ўзбек эртақлари каталоги тузилаётгани ҳақида хабар берганди. Шундан буён оромим йўқолиб, тадқиқот натижаларини кутардим. Шошманг, ҳали унғача заҳматкаш олимларнинг қанча оромсиз кунлари, бедор тунлари... тўғрисида сўзлашимиз керак.

**Асосий воқеа.** Германиялик фольклоршунос олима Габриэле Келлер халқаро анжуман баҳонаи сабаб йигирма йил аввал Самарқандга келганида бундан кейинги ҳаёти шу юрт билан боғланиб қолишини хаёлига келтирганми-йўқми, ўзига ва Ўзига аён. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети профессори Хуррам Раҳимов асли немис тили мутахассиси бўлиб, таржималар жараёнида фольклоршуносликка боғланиб борди. ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти бўлим мудирини Маматқул Жўраевнинг илмий-ташкилий тажрибаси ҳам ушбу олимлар жамоасига жуда зарур эди. Шундай қилиб, ўн йиллик (1997–2017) илмий ҳамкорлик натижасида икки жилдли “Typenkatalog Usbekischer Zaubermärchen” (“Ўзбек халқ сеҳрли эртақлар каталоги”) юзага келди.

Эътироф этиш жоиз, фольклор асарлари каталогини тузиш осон кўчадиган иш эмас. Аввало, ҳозирга қадар нашр

этилган эртақ китоблардаги материалларни кўриб чиқиш лозим. Муаллифлар шу билан чекланмай, Самарқанд тарих ва этнография музейи ва Низомий номидаги ТДПУ билан ҳамкорликда Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларида уч бора (1998, 1999, 2008) дала тадқиқотлари ўтказишди, эртақлар бевосита ижрочилар – нуроний боболар, фариштали момолар оғзидан магнит тасмасига ёзиб олинди. Изланишлар натижасида бир неча тўпламлар нашр этилди: “Märchen aus Samarkand” (“Самарқанд эртақлари”. Фрайбург, 2004), “Zaubermärchen aus Südbekistan” (“Жанубий Ўзбекистон сеҳрли эртақлари”. Тошкент, 2016), “Usbekische Zaubermärchen” (“Ўзбек сеҳрли эртақлари”. Тошкент, 2017). Булар, албатта, каталог тузишга яхшигина тайёргарлик кўрилганидан дарак беради.

– “Ўзбек халқ сеҳрли эртақлар каталоги”даги материалларнинг салмоқли қисмини ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтининг Фольклор архивида сақланаётган эртақлар ташкил этади, – дейди профессор Маматқул Жўраев. – Икки жилдли китобда мингдан ортиқ ўзбек халқ сеҳрли эртақларининг матний таҳлили, таржимаси, илмий тадқиқи ва типизацияси амалга оширилган; 145 сюжет типлари аниқланиб, ўзбек ҳамда жаҳон эртақшунослиги манбалари асосида илмий шарҳлар билан тасдиқланди. Тадқиқотлар натижасида Европа халқлари фольклоридаги айрим эртақлар сюжетининг илдизлари Марказий Осиё фольклорига, аждодларимизнинг қадимий эртақчилик анъаналарига бориб тақалиши маълум бўлди. Мазкур йирик илмий асар ҳозирги замон жаҳон фольклористикасининг энг янги назарий концепциялари ва терминологияси асосида шу пайтгача махсус ўрганилмаган ва эпик сюжетларнинг халқаро каталогларига киритилмаган ўзбек халқ сеҳрли эртақларини яхлит бадиий тизим сифатида таҳлил қилгани, шунингдек, Марказий Осиё минтақасида шу йўналишда амалга оширилган илк тадқиқот экани билан ҳам алоҳида аҳамиятга эгадир. Бу илмий типологик каталог сеҳрли эртақларнинг миллий ўзига хослиги ва бадиий хусусиятларини жаҳон миқёсида кенг тарғиб этиш орқали ўзбек халқи поэтик тафаккурининг гоёта юксаклигини намойиш қилади.

Фольклоршунос ва таржимонларимиз олдида яна бир катта довон турибди. “Ўзбек халқ сеҳрли эртақлар каталоги” она тилимизга маҳорат билан ўгирилиб, китоб ҳолида нашр этилса, хазина қалитлари эгасига қайтарилгандек савобли ишга қўл урилган бўлур эди.





Kayvoni momoning aytganlari

# Qashqa biya nolasi



**Зокир  
ХУДОЙШУКУР**

1971 йили туғилган.  
Тошкент давлат  
университети  
(ҳозирги ЎзМУ)  
нинг журналистика  
факультетини  
тамомлаган.  
“Дил асрори”,  
“Суюкли маъво”,  
“Вафодор” каби  
шеърӣ тўпламлари,  
“Сўнги ов” номли  
қисса ва ҳикоялар  
тўплами чоп этилган.

**К**айсидир йили эди, бир нечта уй бир бўлиб баҳор юртга кўчиб чиқдик. Ҳамма томон кўм-кўк, кўрган сари кўргинг келади. Қип-қизил лола-қизғалдоқ кўзни қувонтиради, ҳаводаям аллақандай ёқимли ҳид сузиб юрарди. Жон роҳати бўлган кенглик ўртасида ўтовлар тикилди. Бу пайтда қўй-эчки аллақачон тўлдан чиққан, улоқ-қўзи дала-даштни тўлдириб, дусурлатиб югуриб қолган. Шу кунларнинг бирида қашқа бия қулунлади. Хўп ғалати қулун, тим қора, белида худди хуржундек осилиб тушган оқи бор. Чорвадор дегани унчалик иримчи бўлмайди, нимагадир чоли тушмагур “Бу қулун ғалати экан, уни эшонжонга назр қиламиз”, деб қолди. Бир кўнглим қаршилиқ қил, дейди, лекин эрга қарши бориб бўлами? Тўғри, ҳозиргилар эр билан теппа-тенг тиллашади. Эр билан беллашиб, белинг узилади, тўхта, дейдиган одам йўқ. Майли, ўзи билади. Тил ўзиники, эр ўзиники. Охирадини ўйлаган пошикаста бундай қилмайди.

Айни баҳормасми, дала-дашда ўт кўплигидан жониворларнинг елини сутга тўлган. Бундан болалари роса мириқишаяпти, ўзиям. Ҳалиги қулун, унга Олабел деб от қўйгандик, биянинг сутга тўлган елинидан эмаркан, кун сайинмас, соат сайин ўсаётгандек. Бир ойга қолмай, дуппа-дуруст қулун бўп қолди. Ўша кунлари овулга эшон келди. Эрим қулунни унга атагандим, деб бериб юборди. Ҳалиям бия йўғида бердик, бўлмаса, у “исён” қилармиди, дейман. Уюр билан овулга қайтган бия қулунини тополмай хўп безовта бўлди, у ёқдан-бу ёққа чопди, мунгли-мунгли нолиш қилди. Олдига борганга гўё аччиқ қилгандек гоҳ тепар, гоҳ тишларди. Унинг бу ҳолини тушундим. Шунинг учун шўрлик айрилиққа чидолмай, ўзини жардан ташламасин, ушлаб келинлар, деб бўз йигитларни юбордик. Улар кўп уринди. Зўрға

шомга яқин бўйнидан арқон ўтказиб олиб келди. Маҳкам бойладик, бўйнига тўрва осиб, арпа солдик. Аммо қулунни ўйлаб сиқилган бияга арпанинг нима қадри бор. Унга юпанч бўлмай деб бўйнию ёлларини силаб туриб қалт-қалт титраётганини тўйдим. Кўзига қарасам, бечора чини билан йиғлаяпти. Буни кўриб, томоғимга бир нима тиқилди, филт этиб ютиндим. Шу дамда жониворнинг нима деб нола қилаётганини уқиб турардим:

“... Болам, тойчоғим, йўқсан, сенга нима бўлди? Яйловдан елиним сутга тўлиб қайтди, “қулт-қулт” қилиб, тамшаниб эммайсанми, соғиндим. Сутим тошиб, оёқларимга оқиб тушаяпти. Кел, қаердасан, тойчоғим. Сенга нима бўлди, кўринмайсан? Бошқа қулунлар энаси атрофида сакраб-сакраб ўйнаб юрибди, сенинг-да сакрашларингни соғиндим. Қаердасан, тойчоғим?”

Ялт этиб биянинг елинига, оёғига қарадим. Ё пирай, чини билан сут унинг оёқларига оқиб тушарди, кўзидан тошаётган селни айтмасаям бўлади. Ўтовга киргач, буни ўйлаб, роса сиқилдим. Турмуш қурганимиздан бери эрга гап қайтармаган одамнинг қилиғини кўринг, чолим нимани сўрамасин, терс-терс жавоб беравердим. Бундан у ҳайрон қолиб:

– Нима, бугун чап ёнинг билан турганмисан, – деди юзимга синчков тикилиб.

– Ҳеч бало бўлгани йўқ, – дедим қовоқ-тумшук қилиб. – Анави Қашқани ўйлаб сиқилаяпман.

– Қашқага нима бўпти? Даштдан тўлғониб-тўлғониб қайтганди-ку.

– Тойчоғини тополмагач, не кўйга тушганини кўрмадингиз-да...

– Нима қилди?

– Бечора йиғлади. Мен-да йиғладим.

– Қўйсанг-чи... Ҳайвон йиғлашни биларканми?

– Ўз кўзим билан кўрдим, кўзидан ёш сизиб турарди, елинидан оққан сут ундан зиёда. От одамдай сезади, дейишади-ку...

– Қўявер, орадан озроқ вақт ўтсин, секин-аста ўзига келади, унутади. Яна бир гап, кўнавермаса, бошқа қулунни эмизинглар, анча енгил тортади.

– Билмадим, бу кор қиларканми...

– Кор қилади, кор қилади, айтганни қилсаларинг-чи...

Эртасидан бошлаб бир ҳафтача бошқа қулунни эмизиб кўрдик, бир иш чиқмади. Аксига олиб, бия бечора кундан-кун саратоннинг ўтидай сўлиб бораверди. Бир қарасанг, бурни ер искайдиган бўлиб, мунгли-мунгли юриш қилади, бир қарасанг, қутурган айғирдек ҳар томон чопиб, оламни бузаман, дейди.

Одамнинг айтгани бўлмас экан. Баҳор ўтиб, саратон яқинлашдиёнки, Қашқа тойини унутмади, унутолмади, бечора. Бу вақт ичида унга қўшилиб, менинг-да бўларим бўлди. Чидай олмадим, бир куни кечқурун чолимга портладим:

– Ҳой, чол, эшонга шу тойдан бошқа берадиган молингиз йўқмиди, – дедим. – Қўра-қўра қўй-эчки, пода-пода сигир, уюр-уюр йилқингиз бор, шулардан бирини, кам десангиз ўзини беринг эди, қани, мен бирон нима дермидим.

– Яна нега попиллаб қолдинг?

– Ҳар ерда юрасиз, уйда кам бўлганингиз учун бу ерда бўлаётганидан хабарингиз йўқ-да.

– Айт қани, нималар бўлаётган экан?

– Қашқа ўзига келолмаяпти. Ўзини ҳар ён уради, йиғлайди, мунгли кишнайди. Буни кўриб, ич-этимни еб адо қилаяпман. Болам узоқ пайтга кетгандаям бунча сиқилмагандим. Энди бўларини айтсам, унинг қулунини қайтарасиз.

– Нималар деяпсан, қандай қайтариб оламан?

– Борини айтинг, у киши тушунадиган одам. Жониворни шу ҳолида ташлаб қўйиш гуноҳ бўлади.

– Жим бўл, бир ўйлаб кўрай. Сен айтма-санг-да, бир неча кундан бери уни кузатиб, ичимдан ўтганини ўзим билиб юрибман. Кеча бия жонивор ёнимга келиб, тумшуғи билан елкамга секин туртиб, кўзларини мўлтиратиб боқди. Нимадир демоқчи бўлди, аммо мен ҳеч нарсани тушуна олмадим. Йўқ, алламбалоларни англаган-декман. Назаримда, у тойчоғини қайтариб келишимни сўради. Жонивор тумшуғи билан мени нарига қараб сураркан, бор, боламни олиб кел, бўлмаса ўлиб қоламан, деётгандек бўлди. Ҳа, кампир, бу бия одамдай сезадиган хилидан экан...

Азонда турсам, чоли тушмагур отланаяпти.

– Қаерга, йўл бўсин, – дедим.

– Бир жойга бориб келай, – деди у йўл кийимини кияркан. – Бияни кўп ўйладим, охири, буни эшонга айтайин, фикрини билайин, деб турибман.

– Ана энди тўғри ўйлабсиз.

– Фақат бир нарсдан иккиланаяпман.

– Нима экан?

– Боласини олиб келсам, Қашқа уни танийди-ми-йўқми... Орадан анча вақт ўтиб кетди.

– Эй чол, бунисини ўйламанг. Қашқа ҳалиям боласини унутгани йўқ, ҳалиям йиғлаб юрибди. Қизиги, бошқа тойларни эмизмай қўйган бўлса-да, ҳалиям елинидан сут тошаяпти. Аввалига буни кўриб, роса ажабландим. Бечора бия қулуним ёнимда, мириқиб эмаяпти, деган ўйда бўлса керак-да, сути қуримаган.

– Шунақасиям бўларкан-да, а? Буям бир ҳайвон, вақт ўтиб барини унутади, деб ўйлаяпман. Энди билсам, хато қилибман...

– Нимага мунча эзиласиз, ундан кўра бо-ринг-да, тойни олиб келинг, шунда бари изига тушади...

Чолим кетгач, биянинг ёнига бордим. Кейинги пайтларда у тумшугини ерга тираб, бехиял бўлиб қолгани учун уюрдан олиб қолаётгандик. Мени кўргач, тумшугини ердан кўтарди, аммо туришни хаёлигаям келтирмади. Фаросат қилиб қарасам, адирда ўт мўл бўлсаям, жонивор анча ориқлабди. Уф-ф, нима қилай, уники емишданмас, уники дарддан, айрилиқдан. Унга юпанч бўлай, деб ёнига чўккалаб ўтириб, ёли, бўйнини силай бошладим. У бунга парво қилмади. Силашни давом этиб:

– Ҳа, жонивор-а, сенда фақат тил йўқ, лекин барини сезиб, билиб турибсан, – дедим. – Яна озгина сабр қил, тойчоғингни олиб келади. Эрталаб кўрдингни, чолим шунинг учун кетди...

Худойжоннинг қудратидан ўргилай, жонивор буни тушундим, сергак тортиди, яна нима деркин, дегандек кўзини мўлтиратиб боқди. Бунга чидай олмадим. Ичимдан бир дард кўйилиб келди, бу дард Қашқаники, меники, иккимизники эди: “Айланайин, тойчоғим, боврим ҳувиллаб қолди, келгин-да бовримни тўлдирағай. Садағанг кетай, дала-даштни гумбурларга тўлдир, уюр теварагида айланиб-айланиб чопгин-да. Келиб, бу тор дунёни кенг қилгин-да. Бош айланди, кўз тинди, нафас қисаяпти, ҳозир ўладигандекман, бу дард давоси, билсанг, ўзингсан, тойим, тойчоғим. Бошқа тойчоқларнинг энасини эмаётганлигини, улар атрофида дупур-дупур чопаетганликларини кўриб, ичимда бир нима узилгандек бўлди, омонат турган дунё бузилгандек бўлди. Соғиндим, тойчоғим...”

Асрдан ўтавериб, узоқдан бир отлик кўринди. Чолим бўлса керак, деб анча ергача халакилаб бордим. Адашмабман. У кишим хурсанд, ўзича бир нималарни хиргойи қилиб келаяптими-ей. Мени кўриб:

– Кампир, бари зўр, – деди от жоловини қўйиб юбориб. – Эшонга айтгандим, анча вақтгача “аттанг”, деб бош чайқаб ўтирди, сўнг: “Кўлик топиб келинг-да, ана, олиб кетинг”, деди.

– Унда, кўлик қани, қулун қани, – дебман боласини кутаётган энадек ҳовлиқиб.

– Ҳали замон келиб қолади.

Бу гапдан шундай қувондим, шундай суюндим, буни сўз билан айтиб бўлмайди. Шундай паллаларда сўз ожиз қоладими, деб ўйлайман.


Биянинг қувонгани-чи, буни-да сўзга сиғдириш қийин. Севинганини қандай сездинг, дейсизми? Нима, шуни сезмай ўлибманми? Чолнинг хурсанд келаётганини кўрган жонивор тумшугини ердан узди, неча кундан бери ётган жойидан куч-қувватга тўлган ёш байталдек қалқиб турди. Чолим келган ёққа узоқ термилишини қаранг. Бунинг устига бир жойда тинч туролмаяпти, у ёққа боради, бу ёққа келади. Авваллари кўзида оғир мунг чўккан бўлса, энди ёш билан бирга, аллақандай нур, ҳа, севинч нурлари-да порлаб турибди. Бу ҳол узоқ чўзилса, бия ё ақлдан озади, ё юраги тарс ёрилиб ўлади, дейман. Шу учун тезроқ кела қолсайди, деб олисларга узоқ термилдим.

Бир пайт қора мошина кўринди. Ҳаял ўтмай унинг шовқини эшитила бошлади, унга қандайдир овоз жўр эди. Эътибор билан эшитсам, бу мошин устида келаётган тойчоқ овози экан. Туғилиб ўсган қадрдон даласини, ички бир ришта билан боғланган чексиз кенгликларни, тенг-тўшию, биянинг иссиқ боврини соғинган бечора тойчоқ узоқ-узоқ кишнаб, турган жойида бетоқат бўлиб типирчилаяпти. У билан чалғиб, бияни унутибман. Бир пайт қарасам, Қашқа мошин ёнида елдай чопиб келаяпти. Ўзига қўйиб берса, бир сакраб, устига чиқиб оладигандек. То ўтовга етиб келгунча мошина билан теппа-тенг чопиб келди.

Ў-ў, энани боладан, болани энадан айирмасин экан. Шопир мошин орқасини очиб, тойни арқондан бўшатиш учун тепага чиқди. Бия эса эна гўё боласига “кел, кел”, деб қўл узатгандек қилиб, бориб турди. Тойчоғи-да кўп куттирмади, унинг сабри тугаб, тамом бўлган. Арқондан бўшалиши билан бир сакраб ерга тушиб, энасининг илиқ боврига сингди. Иккиси бир-бирини искади, дам қўйиб яна искади, ўлсин дунё, тўймадилар, шекилли, яна, яна искадилар. Сўнг эна боласига иссиқ бағрини тутди, бечора гўдак бир неча ойликни бир йўла олишга қасд қилгандек ютоқиб-ютоқиб эмишга тушди. У эмиб бўлгунча бия тойчоғини неча марталаб искамади, яламади, тумшуги билан секин-секин турткилаб, эркаламади, дейсиз.

Буни кўриб, ичимдан бир дард тошиб келди, хўп йиғладим, хумордан чиққунча йиғладим. Бир тилсиз жонивор меҳри шунчалик бўладими, деб яна йиғладим. Нимасини айтайин, шундайи-да бўларкан. Фақат уларнинг тили йўқ, лекин одамдай сезади, одамдай куяди. Агар ўзим кўрмаганимда, буни оғизни тўлдириб айтмаган бўлардим. Э-э, яна нима дейин, от жонивор одамдайин сезади, одамдайин куяди...

# Vafodor



**И**тнинг фақат тили йўқ, аммо ақлли, шушли жондор. Вафодорлигига-ку қиёс йўқ! Шу – кўпчилик одамлардан ҳам вафодорроқми-ёв, дейман-да! Бўлмаса, ҳайдашингга қарамай эшигингда ётиб олиб, уйингни кўриб чиқармиди?! Э-э, нимасини айтай, бу жондорнинг фазилати кўп. Менам билиб айтаяпман, йўқса, бу гаплар қаерда, дейсиз...

Итнинг садоқати тўғрисидаги бир воқеани анча бурун эшитганим бор. Бир итни шунчалик, дебди-да...

Қаҳатчилик замонлари экан. Ишлайсан-ишлайсан, ейишга ҳеч вақо йўқ. Бир ҳовуч буғдойни болаларимга, деб яширсанг, ана, уйинг куйди, мана, уйинг куйди. Сўроқ-пўроқ қилмасдан, аристонга жўнатади-қўяди. У ердан омон келасанми-йўқми, Худойжон билади! Ўлмай кетиб, келмай кетганлар кўп-да.

... Э, менинг чечанлигим курсин, яна гапдан чалғибман-ку...

Шуйтиб, қаҳатчиликнинг дийдори курсин! Одамларга шу етмагандай, ўғирлигу талон-тарожлар авж олиб кетади. Худойжон қаҳрига олса, шундай бўлармикан ё?

Ўша думурларда чолимнинг Авазбой дегич бўйинсаси бўларди. Чўпон эди, ҳукуматнинг молини боқарди. Одамларнинг айтишича, жуда бамаъни йигит бўлган. Шу денг, у куз-қиш вақтида молини Эгизак томонларда боқар экан. У пайтда қўтонлар ҳозиргидек пухта-пишиқ бўлмаган. Қаерда қулай жой бўлса, ўша ерга молни ётқизиб кетаверган. Буям етмагандай, қишлоққа келиб, дам олиш қаёқда, дейсиз. Келсаям чулиги борганда бир кун-ярим кунга “ғир” этиб келиб кетган. Палакат бўлган йили эса ёрдамчиси ҳам

бўлмаган. Энди унинг кунини кўраверинг. Ҳар кун сурув ортидан юриб, туёқ санагани-санаган. Ҳалиям бахтига Бўйноқ дегич ақлли ити бор. Баъзан шу итни сурувда қолдириб, ўзи қишлоққа келиб кетаркан. Шу зайлда кунлар думалаб-думалаб ўтаверади.

... Тираманинг қайсидир куни, каллаи саҳарлаб Бўйноқ қишлоқда пайдо бўлади. Уйдагилар хайрон. Аввалига “Авазжон уришган бўлса, уйга келган-да”, деб ўйлашади. Жонивор ҳеч кимга яқин келмасдан, фақат фингширмиш. Сал туриб разм солиб қарашса, итнинг танаси моматалоқ, бир-икки жойи нима биландир тилинган. Қон қотган жойлари билиниб турар, кимдир нон бераман, деб олдига чақирса, жунини ҳурпайтириб, тишларини кўрсатиб, ириллаган. Балки унга бари одамлар ёвуз, қонхўр, ўғри, каллакесар бўлиб кўриндимми...

Одамлар итнинг аҳволидан кўнгилларига ҳар балоларни келтириб, унга янаям илиқроқ гапирибди. Шунда денг, жонивор ишонч ҳосил қилгандек, уларга яқинлашади. Ит одамларнинг бунчалик ақлсизлиги, фаҳмсизлигидан куйган, йиғлаган, деб гумон қиляпман...

Аваз бебахтнинг мункиллаб қолган отаси бўларди. У ҳовлига чиқиб қараса, итнинг авзойи бузуқ. Унинг кўнглига шубҳа оралайди. Ит чолни кўриб, гўё арз-дод қилгандай, унинг этагидан тишлаб, дашт томонга судраб, тортармиш. Чол дарров сезган. У қўни-қўшнини йиғиб, йўлга чиқади. Одамларнинг ҳаракатланганини кўрган Бўйноқ уларга эргашиб, бир тўхтаб, бир чопармиш, бир чопиб, бир тўхтармиш.

Улар қўтонга келади. Бу ерда қиёмат қойим бўлган. Ҳамма томон қон! Авазбой беш-олти жойидан пичоқ еб, ўлиб ётармиш. Сурув эса аллақаяққа ҳайдаб кетилган.

Кўрганларнинг айтишича, Авазбой ва Бўйноқнинг ўғрилар билан кўп олишгани шундоқ билиниб турармиш. Ёлғиз гувоҳ – ит шу ерда ҳам у ёқдан-бу ёққа чопар, бир ўлиб ётган эгасининг олдига келар, яна қаерларга бориб келаркан. У шу ҳаракатлари билан кўрганларини айтмоқчи бўлган-ов, менимча. Аммо ўлик билан бўлиб, унга ҳеч ким эътибор бермаган. Ўзи, доим шундай бўлади, одамзод ўз дарди билан бўлиб, бошқани эшитмайди ёки эшитишни истамайди. Ит буни сезганми дейман, одамлардан ўн-ўн беш одим нари бориб, мунгайганча ётиб олади. Шўрлик йиғлаган, ўкирган, аммо буни ҳеч кимса билмайди, бир Худойжондан бўлак.

Ўша куннинг ўзида кексалар маслаҳатлашиб, Аваз бечоранинг жасадини ўзи шаҳид бўлган жойга қўяди. Ҳукуматдагилар ўғрилари излашга тушади. Орадан бир неча кун ўтиб, Худодан қайтган босқинчиларни бозордан тутиб келади. Улар қилмишига яраша жазосини олган. Аммо ўртада бир одамнинг нобуд бўлиб кетгани ёмон бўлган-да...

Қисқаси, Аваз раҳматлининг уйдагилари кўп куйган. Ахир, ҳазилакам доғми бу?! Ҳали чимилдиқ кўрмаганди, бебахт! Аммо нимаям қиларди: йиғлашди, куйишди, охири, кўнишди.

Ҳасратдан янаям мункайиб қолган чол ўғлининг еттисидан сўнг қабр бошига бориб келишни ният қилиб отланибди, денг. Бориб қараса, жонивор эгасининг қабри ёнида мунгайиб ётармиш. Одамни кўриб, ҳушёр тортади. Унинг қабр бошига келаётганини фаҳмлаган жонивор яқинлаштирмасликка ҳаракат қилади. Тишини кўрсатиб, ириллайди. А, нимасини айтсин. Унинг содиқлигини ёки боласининг дўшпайган қабрини кўрибми, чол тушмагур йиғлабди, тилига алмойи-алжойи сўзлар келибди:

... Мен, шу бир жониворчалик ҳам бўлолмадимми, болам?!

... Кексайганда шу доғни сўрабмидим Сендан?!

... Энди шу доғ билан ўламан...

Чолнинг кейинчалик айтишича, ит кекса эгасини энди танигандек, унинг дардини тушунгандек, қабр бошига йўл беради. Нимасини айтайин, ит сезган! Бўлмаса, йўл берармиди?..



Дунёси танг бўлган чол қабр бошида қанча турганини билмайди. Шомга яқин қайтади. Кетаётиб “Боламдан битта ёдгорлик шу – ит, унинг энг яқин дўстиям шу. Кел, уни уйга олиб бориб, яхши парвариш қилай”, деган ўйда итга яқинлашади. Буни сезган жонивор рўйхушлик бермаган. Чол минг макр билан унинг бўйнидан арқон ўтказди, отига тақиб, уйга олиб келади.

Жонивор йўл-йўлакай қанча гингшимаган, орқага қараб тисарилмаган, дейсиз. Одам бағрини тош қилиб, кўзидан тизилиб оқаётган ёшни энг билан артиб, тортқилаб келаверади. Уйга келгандан сўнг қочиб кетмасин, тагин, деб боғлайди. Аммо бу ерда яхши парвариш қилишаётган бўлсаям вафодорга Аваздан бўлак одамлар етти ёт бегона. Шунинг учун у ҳеч нарса емайди-ичмайди, икки-уч кунда ўзини олдириб қўяди.

Учинчи кечасигами, тўртинчи кечасигами, Бўйноқ арқонни тиши билан узиб, ғойиб бўлади. Бунга ҳамма ҳайрон. Биров-ярим ёш-яланглар:

– Олиб келайликми, – дейди. Аммо бир нимани сезган чол тушмагур:

– Йўқ, тегманглар, эгасининг ёнига кетган, у энди бошқа жойда яшай олмайди, – деб йигитларни шаштидан туширади.

... Орадан бир-икки кун ўтиб, бориб қарашса, Аваз раҳматлининг қабри ёнида яна бир қабрга ўхшаш дўнглик пайдо бўлганмиш. Воқеадан хабардор қайсидир раҳмли одам вафодорнинг ўлиб ётганлигини кўриб, шу ерга кўмиб кетган. Ўтган-кетганда кўрганмисилар-йўқми, билмадим, лекин ҳалиям шу икки қабр бор.

... Э, гапнинг қизиғи қолиб кетибди-ку. Ўша имонли одам қабр ёнидаги тобатоташга пичоқ биланми, ё бошқа бирон нарса биланми, ҳар ҳолда, тирнаб, адашмасам, шундай гапларни ёзиб кетган: “Ҳаммасидан хабарим бор эди. Ўтиб кетаётиб, итнинг ўлиб ётганини кўрдим. Тилсиз жонивор садоқати шунча бўладими деб, хўп йиғладим! Кейин ўйлаб ўтирмасдан, чуқур кавлаб, қадронининг оёғ учи томонга кўмдим. Буни тушунасизлар, деб ўйлайман!”

Қабр бошига борганларнинг бари буни ўқиб, ўкириб-ўкириб йиғлабди, йиғлаб-йиғлаб ўкирибди. Кейинчалик ўтган-кетган ҳам бу ерга бир тўхтаб ўтар, кўз ёши қилиб кетаркан. Шу ёзув ҳозир бор-йўғини, билмайман. Чунки одамларнинг бу ҳақида гапирмай қўйганига кўп замон бўлиб кетди. Лекин, аниқ биламан, қабрлар ҳалиям бор.

... Воҳ жонивор-а, воҳ жонивор-а, сенинг кўнглингда мунча меҳр, мунча вафони ким солди?! Воҳ жонивор-а, воҳ, вафодор-а...

# Chibor

О т жуда ақлли жонивор. Азалдан йигитнинг ҳамроҳи, йўлдоши. Бу иккиси гўё эгизакдай гап. Бир замонлар ана шундай бўлган. Аммо ҳозир удумлар анча ўзгариб кетди-да. Йигитларнинг отга меҳри анча пасайдими, дейман. Ҳар ҳолда бу гапларни айтишимда жон бор...

Шунча яшаб отнинг ёмонлиги ҳақида деярли ҳеч нарса эшитмабман. Аммо баъзи гап-сўзлар юради. От дев наслдан бўлиб, вақти келганда аслига бир қайтар эмиш. Тўғриси, буни мен отнинг шаънига зўр тухмат деб биламан. Шундай бўлса-ям бир воқеа эсимга тушди, айтайин-да, қутилайин. Гап йўғида бир гап, дейман-да.

Тошпўлат чобағонни биласилар. Унинг доврўғи ҳар ёққа кетган Чибор оти бўларди. Ў-ў, нимасини айтайин, жонивор ўз вақтида эгасининг орини ерда қолдирмаган. Кўпқариларда не-не отларни чангида қолдириб, кимнинг ҳавасини, кимнинг ҳасадини келтирмаган, дейсиз. Одамларнинг айтишича, кўпқари бошланди, дегунча от ўзини тутолмай қоларкан, ўзиям. Буни сезган чобағон жиловни қўйиб юборса, бас, улоқ устида уймаланаётган уюрга ўзини ураб экан-да, эгасига улоқни олишга ёрдам бераркан. Улоқ тақимга босилгандан сўнг елдек югурар, то “Ҳалол!” дейилмагунча чопавераркан-чопавераркан. Шу зайл жонивор Тошпўлатбойни элга



танитган. Кўп йиллар икки қадрдон одамларнинг назарида юрди.

Дунё бевафо-да! Иккиси қариди. На униси, на буниси кўпқарига ярамай қолди. Одамлар-чи, одамлар, умуман унутди. Ҳа, улар ўзи шунақа! Ортда қолганни унутади, унутмаганлари тилдан чиқариб ташлайди. Шу нарсага куяман-да, шу нарсага...

Тошпўлатбой чобағон нима қиларди, одамлар унутаётганлигини сезгач, давралардан ўзини тортди, похир. Одамларга бўлган фикриям ўзгарган-ов, менимча. Лекин қари оти, содиқ дўстига меҳрини ҳеч аямаган. Гаплашсаям у билан гаплашган. Кунларини унинг олдида уймаланиб ўтказаркан, ўзиям.

Бир-икки йил бурун шу икки дўст ўртасида ажаб воқеа бўлган. Буни эшитган одамлар яна гапиришга тушганди ўшанда. Айтишларича, шундан бир-икки кун бурун жонивор ўзини галати тута бошлаган. Эгасини кўрса, меҳри жўш урганиданми, ё ўрганиб қолганиданми, ўйноқлаб кутиб оладиган жонивор нимагадир совуқ тикилармиш. Бунинг устига унинг кўзида кишини сескантирадиган қизил нурми-ей, алламбалолар бор эмиш-да, ишқилиб. Ўша кунлари от ҳеч нима емаган, ичмаган. Тошпўлатбой эса пайтавасига қурт тушгандай типирчилаб қолади. Бир уйга кирар, бир оти олдида борармиш. Бу ҳол кўп қайтарилган. Энди ўйласам, унинг отга меҳри бўлакча бўлган экан-да, бошқа бўлганида, билмадим-ов, шундай қилармиди, йўқми.

Шу зайлда икки кун ўтади. Тошпўлатбой кўпроқ унинг олдида бўлган. Учинчи кун эса отининг олдидан бир қадам ҳам жилмаган. Айримларнинг айтишича, у от билан ниманидир гаплашганмиш. Гаплашса гаплашгандир, нима бўпди! Шунга гап деб кўтариб юрганларга ҳеч қойил эмасман. Бунинг устига Чиборни гап-сўзни тушунадиган жонивор эди, дейишади.

Одам отнинг ёлларини силаган, бўйнидан қучоқлаб, йиғлаган, йиғлаб ёрқин ўтмишини бир-бир эслаган.

...Чиборжон, бир пайтлар иккимиз қанча ёрқин кунларни ўтказганмиз. Улоқни тақимга босиб, чопаетган дамларимда кўнглимдан кечган гурурни, севинччи ҳеч нарса билан алмаштириб бўлмайди. Сен ҳам севинганмидинг? Билардим, севингансан! Буни бошқа отларнинг олдидан тўшингни чўққидай қилиб ўтишларингдан билардим, Чиборжон!..

...Энди ҳаммаси ортда қолди: сен ҳам, мен ҳам, иккимиз билан боғлиқ гап-сўзлару шуҳрат чўққилари ҳам...



...Агар сен ўзингни галати тутмаганинда, балки бу ҳақда ўйламаган, гапирмаган бўлармидим. Балки бугун билан эмас, ўтмиш билан яшаб юрармидим. Сен кўзимни очдинг, Чиборжон, сен кўзимни очдинг! Энди ҳолимни билаяпман. Тан олиш оғир бўлсаям тан олаяпман, Чиборжон!..

У отга узоқ гапирган. Йиғлаб-йиғлаб гапирган, сўзлаб-сўзлаб йиғлаган. Чибор беэътибор. Балки беэътибор, десам тўғри бўлмас, галати экан. Эгаси диққат қилиб қараса, у ниманидир кутармиш. Бу пайтда вақт алламаҳал бўп қолган экан. Шунда, денг, жонивор узоқ-узоқ уч марта кишнайди. Ҳаммаси ана шундан кейин бошланган. Кишнаб бўлган Чибор зарб билан арқонни узади. Кейин пишқири бошлайди. Ажаб томони шундаки, унинг бурнидан чиқаётган ҳақиқий олов экан-да. Чобагон буни кўриб, ҳушини йўқотади. Шундай бўлсаям жониворнинг ҳаракатларини кузатаверган. Қарасаки, от энди худди одамга ўхшаб орқаси билан ерга ўтириб олган, олдинги икки оёғи одамнинг қўлидай кўтарилиб турганмиш. Кўз эса бир балои бад бўлиб кетган. Кўз соққасида оқиям, қорасиям йўқ, уларнинг ўрнини совуқ қизил рангми, нурми эгаллаган. Кейин оғзини очибди. Тишлари айрича бўп кетган. Бу – отнинг тишлари эмас, қозиқ тишлар экан.

Чиборнинг бир дамда кўзидан совуқ нур, бурнидан олов сочиб, тишини шақиллатиб турган махлуққа айланиб қолганлигини кўрган чобагон турган жойида тошдай қотади. Энди унинг ёнида турган Чибор оти эмас, тайёр дев эмиш-да. Кутилмаганда махлуқ одамга ташланади. Одам чап бермаганда уни бирон хаста қилиб қўйиши ҳеч гап эмаскан. Лекин у кўп ташланмапти. Балки жонивор шу ҳолидаям эгасини танигандир, балки чобагоннинг кўрқмай қараб тургани сабаб бўлгандир. Ишқилиб, бир-икки уринишдан сўнг махлуқ тинчланади. Сўнг аста-секин ўзига келади.

Кўпчиликларинг гапимга ишонмаяпсилар-а, сезаяпман. Ишонасиларми, йўқми, буниси ўзларингга ҳавола. Ахир, Тошпўлатбой майда гап, қўшиб-чатадиган одам эмас, у чин сўзли, мард одам. Нимани кўрган бўлса, борини уйдагиларига айтган. Мен эса ундан-бундан эшитганларимни айтаяпман...

Шуйтиб, буни эшитган айрим кайванилар отни йўқ қилишни маслаҳат беради. Фаҳмлашимча, чобагон отидан озроқ хафа бўлган, шекилли, уларга дарров қаршилиқ қилмаган. Авваллари

шу гапни эшитганда борми, маслаҳатгўйнинг бошини ёрган бўларди. Чобагоннинг шу қилиғини унча тушунмадим. Нега отидан хафа бўлади. Ахир, жонивор махлуқ бўламан, деб бўлган эмаску. Унинг қисматида шу нарса бор экан, у шўрлик нима қилсин. Ҳалиям шукр қилиш керак, махлуқлигига бориб, бирон хаста қилмабди...

У ҳеч нарса демасдан маслаҳатгўйларни кузатади. Ҳеч кимга бир оғиз сўз демай ўрнига кириб ётади. Балки оти билан кечган ширин дамларини эслагандир, балки жониворни нима қилиш кераклиги ҳақида ўйлагандир. Бунисига бирон нарса дейиш қийин. Тўғри-да, бандаси ичидагини Яратган Эгамдан бўлак ким биларди. Аммо шу кеча унинг ётиб ётгандай, ухлаб ухлагандай бўлмаганлиги рост. Бунга ишонса бўлади. Эртасига каллаи саҳар туради. Ҳеч вақт ўтмай бир-иккита томошатаблар етиб келибди, денг...

Улар уч-тўрт киши бўлиб отхонага ўтади. Не кўз билан кўришсинки, от ўлиб ётармиш. Чобагоннинг боври тўлиб турган экан, шекилли, “Чиборжон! Чиборжон!” деб оламни бузиб йиғлайверибди. Йиғилганлар ҳеч нарса дейишолмабди. Охири, йиғлаб кўзёшлари тугагач, жониворнинг жасадини кафанлаб тоза жойга олиб бориб, кўмиб келади. Шу-шу, чобагон дунёдан, одамлардан юз бурди. Уф-уф, Чибор ҳасрат қилса бўладиган от бўлган-да, доғида куйдирадиган от бўлган-да, ўзи... Яна нимасини айтайин.

Яқинда эшитдим, Тошпўлат чобагон ётиб қолибди. Ишқилиб, Худойим шифо берсин, сабр берсин! Бандасининг қўлидан тилашдан бошқа яна нима келарди.

...А, Чибор-а, Чибор, шуйтиб куйдириб кетсанми? Чибор-а, Чибор...



*Леонардо да Винчи деганда кўз олдимизга бирини галда рассом келади. Бироқ бу буюк шахнинг ҳаёти ва фаолиятдан хабардор киши унинг ихтирочи, меъмор, математик, ёзувчи, олим каби қатор қирралари борлигини, у бу соҳаларда ҳам муваффақият қозона олганини яхши билади.*

*Ижодий иқтидорни камол топтиришга қаратилган қатор китоблар муаллифи Майкл Глеб улуғ олимнинг ҳаётини ўрганиб, “Да Винчининг ечилган коди”, “Леонардо да Винчи каби фикрлаш ва тасвирлаш: маҳорат сари етти қадам” асарларини ёзди. Бир қанча тилларда нашр этилиб, бестселлер бўлган ушбу китобларда муаллиф улуғ олимнинг кўлёмаларини тадқиқ этиб, маҳорат сирларини аниқлашга уринган. Куйида ижодий етукликка етакловчи ана шу жиҳатлар билан танишасиз. У сизга ҳам кўмак берса ажаб эмас.*

# Leonardo da Vinci's ijodiy sirlari

## Қизиқувчанлик

Қизиқувчанлик одамнинг табиатига хос. Айниқса, болалар ҳаддан ташқари қизиқувчан бўлади. “Осмон нега кўк?”, “Нимага ёмғир ёғади?”, “Нимага барглар сарғаяди?” каби саволларни ёғдириб ташлайди. Аниқланишича, бола беш ёшгача ўта сўровчан бўлади. У шу орқали оламни идрок этади.

Аммо, Глебнинг фикрича, бола мактабга боргач саволлардан кўра жавоблар муҳимроқ эканини англайди ва ундаги юқори қизиқувчанлик сўнади. Буюкларда эса бу хусусият бир умр сақланиб қолади.

Савол беришдан чарчаманг. Жавоб қидириш инсонни олға етаклайдиган муҳим жиҳатдир.

## Мустақил фикрлаш

Кишининг тафаккури ошгани сари ўз қарашлари шаклланади. Бу жуда аҳамиятли. Бироқ баъзида унинг салбий таъсири ҳам кузатилади. Одам бошқа хил фикрларга эътибор бермай кўяди.

Глебнинг фикрича, ижодийлик учун турли кўз қарашларига эга бўлиш, масалага ҳар томонлама ёндаша олиш зарур.






## Янгиликка интилиш

Номаълумлик кўрқитади. Одамлар янгилик қаршисида кўпинча хавфсирайди. Чунки янги вазиятда ўзини қандай тутиш кўникмасига ҳали эга эмас. Аммо ноаниқлик ҳолатида ҳам ўзини йўқотмаслик, ишонч билан ҳаракатланиш ижодий жараённинг муҳим қисмидир.

Глебнинг фикрича, ижоднинг моҳияти ҳайратдодир. Одам ўзи учун янги нарсани кашф қилгани сари ҳайрат-ҳаяжони ортиб бораверади. Ҳар қуни бир хил иш қилишга одатланган, янгиликка интилмайдиган одам ижод соҳасида муваффақият қозониши амримаҳол.



## Фикрлар шажараси

Глебнинг сўзларига кўра, фикрлашнинг умумий тизимини майда бўлақлар асосида ташкил этиш янги ғоялар туғилишига катта тurtки беради. Яъни асосий тушунчани унга яқин тушунчалар асосида англаш, улар орасидаги боғлиқликларни топиш орқали янги хулосаларга келинади. Бундай фикрлаш тизими худди шажара харитасини эслатади.

## Онг ва вужуд мувозанати

Леонардо да Винчи жисмоний бақувват киши бўлганини кўпчилик билмайди. У Флоренциянинг энг кучли кишиларидан бири саналган, тажрибали қиличбоз ва чавандоз бўлган.

Глебнинг фикрича, ижод – катта энергия талаб қилувчи интеллектуал машқдир. Жисмоний заиф кишида ижодга куч бўлмайди. Шу сабабли спорт билан шуғулланиш, баданни тарбия қилиб бориш ижодий фаолиятнинг ажралмас қисми бўлиши зарур.

## Ҳассослик

Энг нозик нуқтани ҳис эта билиш шахсдаги иқтидорнинг даражасини белгилайдиган омиллардан биридир. Ижодда арзимасдай кўринадиган майда деталларга ҳам эътибор қаратиш зарур. Чунки айна шу майда деталлар масаланинг моҳиятини очиб бериши мумкин. Бу хусусиятни ривожлантиришнинг энг мақбул йўли эса кўп фикрлаш, ҳис қилишга уринишдир.

## Мантиқ ва тасаввур

Тадқиқотларга кўра, миянинг ўнг яримшари ижодийлик, чапи эса таҳлилий тафаккур майдони. Кўпинча, кишиларда у ёки бу жиҳат ривожланган бўлади. Аммо янги ғоялар юзага келиши учун иккала яримшар ҳам бирдай ишлаши керак.

Глебнинг фикрича, хаёлга келадиган фикрларни қоғозда чизиб кўриш, уни шу орқали ифодалашга ҳаракат қилиш зарур. Янги ғоя ўйлаш ва уни ҳаётга қандай татбиқ этишни таҳлил қилиш мия фаолияти самарадорлигини оширади.

*Улуғ олим ва мутафаккирларга, жумладан, Леонардо да Винчига хос бўлган яна бир жиҳатга алоҳида эътибор бериш зарур: янги туғилган ғоялар ёки мияда ярқ этган фикрларга ишончсизлик билдириб, уларни ярим йўлда ташлаб кетиш уларнинг заволидир. Аксинча, ғояларни муттасил ривожлантириб бориш керак.*

**Ориф ТОЛИБ**  
тайёрлади.

# Ma'naviy komillik tasviri



**Қундузхон  
ҲУСАНБОЕВА**

1956 йили туғилган.  
Низомий номидаги  
Тошкент давлат  
педагогика  
университетининг  
филология  
факультетини  
тамомлаган.  
“Адабиёт –  
маънавият ва  
мустиқил фикр шакл-  
лантириш омили”,  
“Таҳлил – адабиётни  
англаш йўли”,  
“Кийиксўқмоқдаги  
йўловчи”,  
(ҳаммуаллифликда)  
монографиялари,  
қатор дарсликлар  
ва методик  
қўлланмалар, юздан  
ортиқ илмий ва  
илмий-методик  
мақолалари чоп  
этилган.

XX асрнинг сўнги чорагидан эътиборан нафақат Ўзбекистон, балки мамлакатимиздан ташқарида ўзбек тилида яратилаётган адабиётда туб сифат ўзгаришлари содир бўлди. Аммо адабий алоқаларнинг кўнгилдагидай йўлга қўйилмаганлиги сабабли ўзбек ўқирманлари мавжуд янгиликлардан ўз вақтида хабардор бўла олмадилар. Эндиликда адабий алоқалар ҳам сезиларли жонлана бошлади. Қўшни қирғизистонлик ўзбек ёзувчиси Раҳимжон Каримов қаламига мансуб “Комила” номли романнинг Ўзбекистонда чоп этилишини ана шу ҳолатнинг жонли мисоли сифатида кўрсатиш мумкин<sup>1</sup>.

Раҳимжон Каримов номи ўзбек китобхонлари учун етарлича таниш бўлмагани сабаб адиб ҳақида қисқача маълумот бериш ўринли. Ёзувчи, шоир, публицист, таржимон, Халқаро русийзабон ёзувчилар федерациясининг (Лондон-Будапешт) Қирғизистондаги расмий вакили, “Олтин қалам–2003” танлови ғолиби, Мўлдўнияз номидаги республика адабий мукофоти лауреати Раҳимжон Каримов бирваракайига ўзбек, қирғиз ва рус тилларида ижод қилади.

Унинг шеър, новелла, ҳикоя, қисса ва романлари “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, “Литературная газета”, “Юность”, “Учкун”, “Молодость”, “Ёш куч”, “Ала-Тоо”, “Литературный Киргизстан”, “Шарқ юлдузи”, “Ёшлик”, “Пресс-парк”, “Кабар-Юг”, “Южный рынок”, “7x7”, “Ваша газета” каби турли мамлакат нашрларида босилиб чиққан.

Ёзувчининг “Рангли рўё”, “Бешинчи фарз”, “Ҳайвонот боғи”, “Комила”, “Хилқат”, “Хиёнат”, “Лаъли Бадахшон” каби асарлари ўзбек, қирғиз ва рус тилида дунё юзини кўрган. “Комила” романи 2005 йили Қирғизистон Миллий Китоб палатаси томонидан уюштирилган “Китоб санъати” республика танловида “Миллий бестселлер” дея эътироф этилган. Мазкур роман Қирғизистон, Қозоғистон, Беларусь, Буюк Британия, Канада каби давлатларда чоп этилган.

**1 Раҳимжон Каримов. Комила. –Т.: Sano-standart, 2017. 304 б.**

Назаримда, дунё кезган “Комила”да кўтарилган етакчи фикр – инсон маънавий мезонларга хиёнат қилмай яшаса, Яратганнинг марҳаматига, албатта, сазовор бўлади, деган қарашдир. Одамзод туғилиб-дики, муаммолар оғушида уларни бартараф этиш учун курашиб яшайди. Курашдан, интилишдан тўхтаганнинг ўликдан фарқи йўқ. Романда оддий инсон руҳияти, дунёқараш ва савиясидан келиб чиққан ҳолда мукамаллик ва бахт сари интилиши тасвирланган.

Роман Комиланинг изтироблари ўта самимий акс этгани билан ҳам диққатни тортади. Китобни ўқиган юртдошларимиз қўшни мамлакатда яшаётган ўзбекларнинг турмуш тарзи, маънавий-ахлоқий тутумлари ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлади. Гап шундаки, киши қайси маконда, қандай жамиятда умр кечирмасин, инсон номига муносиб яшаса, муродига етмай қолмайди. Муаллиф романда мана шу ҳаётий ҳақиқатни илгари сурган. Асар ўқирманни ўз ҳаётини тафтиш қилишга, турмуш тарзи қандайлигини доим элакдан ўтказиб юришга йўналтиради. Ўйлашга ундайди.

Мутолаага киришган ўқувчининг кўнглидан: “Туғилиб, онасининг дийдорини кўришга, она сутининг таъминотишга улгурмаган мурғакнинг айби нима-ю, ҳаёти қандай кечади?”, деган ўй ўтади. Чақалоқнинг онаси Гуландомнинг ҳаёти ҳақидаги қиссагина тасвир ўқувчида дастлаб унга нисбатан салбий муносабат пайдо қилади. Лекин ёзувчи ўқирман кўнглидаги бу муносабатни аста-секинлик билан кечирим томон йўналтиради. Бунга илк уриниш сифатида: **“Туғуруқ-хонадагилар, у ерга келиб-кетаётган ёшу қари кечадан буён Гуландомнинг аччиқ қисмати, унинг етим қолган гўдаги ҳақида куйиниб гапиришар эди”** тасвирини келтириш мумкин. Одамлар Гуландом ҳақда уни қарғаб ё гийбат қилиб эмас, айнан “куйиниб” гапиришлари ўқувчи кўнглини юмшатади, аёлга муносабатини ижобий томонга буради. Бундан ташқари, Гуландом руҳининг қизи ва опасини тарк этиб кетолмагани, яъни суюнчиқсиз қолган жигарбандларидан хотиржам бўлолмагани, қизалоғини ҳар хил бало-қазодан асраш йўлидаги курашлари ҳам уни қораламасликка ундайди.

Асарда Мақсуднинг тўйи билан чақалоқ ҳолатининг ёнма-ён тасвири юлдузчалар билан ажратилган ҳолда кичик-кичик бўлимларда баён этилган. Бу эса ўқирман туйғуларини кўзғашга хизмат қилади. Баъзи бўлимлар иккитагина жумладан иборат бўлса-да, уларга катта бобнинг юки ортилган. Китобхон асарда акс этган бир қалтис руҳий ҳолатнинг таъсиридан чиқиб улгурмай, ундан кучлироқ иккинчиси билан юзлаштирилади. Шу боис ўқувчи туйғулари муттасил алмашилиб туради.

**Муаллиф романда мана шу ҳаётий ҳақиқатни илгари сурган. Асар ўқирманни ўз ҳаётини тафтиш қилишга, турмуш тарзи қандайлигини доим элакдан ўтказиб юришга йўналтиради.**

Ҳаёт тарзи бир-бирига тамомила қарама-қарши ҳолда бўлган икки хонадоннинг мувозий тасвирланиши, яъни бирининг **“атрофи эски-туски чипта лахтақлар билан бир амаллаб ўраб қўйилган”** и, иккинчисининг эса **“ўн олти хонасининг ҳар бир шифтига қимматбаҳо биллур қандиллар осилгани, деворларининг кўзни қамаштирадиган бежирим нақшлар билан безатилган”** и ҳам руҳий безовталигини кучайтиради. Бу параллел оқ-қора тасвирлар ўқирман диққатини матнга тамоман михлайди. Жунбушга келган туйғулар эса китобхонда табиий равишда, мустақил фикр ва муносабат пайдо қилади.

**“Ичганлари атала-ю, еганлари чевати”** деган жумланинг ўзиёқ Комила улғаяётган хонадон қай даражада ночор экани ҳақида тўлиқ тасаввур беради. Бир қараганда, бугун шу даражада йўқсил яшаш мумкинлигини тасаввур қилиш қийин. Лекин Ойбарчин опанинг ҳаддан ташқари соддалиги, ҳаёт синовларига, унинг қилвирликларига мутлақо тайёр эмаслиги ўқирманни ишонтира олади. Бу ҳол китобхонни қишлоқ одамларининг турмуш даражаси ва бунинг сабаблари ҳақида ўйлашга мажбур қилади. Оғир оилавий шароитда умр кечирган болаларнинг кўпчилиги меҳнаткаш экани, қийинчиликлардан қўрқмаслиги ва айнан шунинг ортидан яхши ўқишга интилиши ҳам ясама ифодалардан холи. Шундай муҳитда катта бўлган Комиланинг олий ўқув юртига киришга астойдил интилгани – ҳаётий ҳақиқат.

Романда Мақсудларнинг ҳовлисига сув ичгани киради. Шунда болалардан бирининг дўпписи фонтанга тушиб кетади. Дўпписини олиб берган одам эса отаси эканини ҳаёлига ҳам келтирмаган Комиланинг кўнглидан: **“У мурғак қалбида дунёда илк бор эркак кишининг болаларга нима учун кераклигини болаларча тафаккури билан ҳис этди”** тарзидаги ўй кечади. Лекин шундай ёки шунга яқин туйғу Мақсудни безовта қилмагани ўқирманда норозилик уйғотгандай бўлади. Ота билан қизнинг илк учрашувида юз кўрсатиши мумкин бўлган туйғулар ифодаси берилганда асар таъсирчанлиги янада ортарди.

Муаллиф ҳаётда юз бериши мумкин бўлган ҳолатни боридай кўрсатиш билан кифояланган. Яъни ўғлига эргашиб, ҳовлиларига кириб келган болалардан бири билан юз берган мазкур вазиятда ҳар қандай одам қилиши мумкин бўлган хатти-ҳаракат тасвирланган, холос. Ўқирман шу ўринда қандайдир руҳий чақнаш юз беришини кутади. Асарда ота-онасиз катта бўлаётган Комиланинг бу ҳолатда ҳис этган жўнгина туйғуси ҳам ишонарли. Бундай ҳаққоният ҳеч қандай бадиий тўқимага ҳожат қолдирмайди.

Комиланинг гўзал қиз бўлиб вояга етгани, атрофида ошиқларнинг гирдикапалак бўлиши, бу ҳақда гап-сўзларнинг кўпайиши тасвири сунъий эмас. Романда ўзбекнинг ҳамма жойда ҳам ўзбек экани кўрсатилган. Бу ҳол Комилани онасига ўхшаб йўлдан озганликда айблаганлигида яққол кўринади. Одатда, ота-онанинг қилмиши учун болалар жавоб бермаслиги керак. Чунки ота-она – оғоч фарзанд эса – мева. Мева – оғочнинг маҳсули. Лекин, ҳаётда бунинг акси бўлиши, катталарнинг хатолари учун болалар, кўпинча, ҳаётлари, келажаклари билан, руҳий оғриқлар, изтироблар билан жавоб бериш манзаралари ёрқин бўёқларда чизилган: **“Ҳа, бу дунё сирли бир хилқатки, баъзан унда бир умр яшаб ўзинг ҳақингда ҳеч нима билмаслигинг мумкин. Атрофингдагилар эса, аксинча, сен ҳақингда сендан кўра кўпроқ нарсаларни билишади”**. Романда ҳам етимлик, ҳам онасининг гуноҳлари, ҳам отасининг вафосизлиги қизнинг муштдай жонига жуда оғирлик қилиши ғоят гўзал тасвирини топган. Қизиғи шундаки, Комила на она-сидан ёзғиради, на отасини лаънатлайди. Адиб асар қаҳрамонини бундай кир тутумлардан баланд эканини тасвирлайди. У Комилани ўзи камбағал бўлса-да, ички дунёси бой инсон сифатида кўрсатади. Асарнинг барча ўринларида қаҳрамон ўзи ва ўзлигига яраша иш тутаяди. Романда ичдан баланд, руҳияти тоза одамнинг ўйлари, туриш-турмуши, тутуми, ҳатто изтироблари ҳам покиза.

Асарда Комила ҳақида ҳар хил ғийбатларни тарқатиб юрган кишилар у бадавлат отанинг фарзанди экани маълум бўлгач ҳатто унга ҳавас қилиб мақтай бошлади. Одамзод табиатидаги бундай тайинсизлик китобхон руҳий дунёсига оғриқ бўлиб киради. Не-не машаққатлар, кўнгил яралари билан катта бўлган Комиланинг йўқ ердан, худди эрта-клардагидек, ҳаётини бир тасодиф туфайли оталик бўлиб қолиши, бойнинг қизига айланиши ўқирманда бироз ишончсизлик пайдо қилади. Аммо бунда Аллоҳга муҳаббат

**Асарда Аллоҳга муҳаббат қўйган, кўнглига бу дунёнинг кирларини юқтирмаган бандасини Яратган ҳеч қачон ташлаб қўймаслигидай бир ҳақиқатга ишора бордай. Романда шу ҳақиқатни алоҳида таъкидлаб кўрсатмоқчи бўлган муаллиф ниятига эришган.**

қўйган, кўнглига бу дунёнинг кирларини юқтирмаган бандасини Яратган ҳеч қачон ташлаб қўймаслигидай бир ҳақиқатга ишора бордай.

Романдаги: **“Қиз отасининг гапларини тинглаб, ерга қараганча жим ўтирарди. Унинг шу пайт дадасининг бўйнидан қучиб, юз-кўзларидан тўйиб-тўйиб ўпгиси келарди”**, **“У ҳар қанча уринмасин, бошини ердан кўтаролмасди”**, **“Бироқ риоя-андишали бу қиз бахтиёрлигини еру кўкка намойиш қилишга одатланмаган. У ич-ичидан куйиниб, ич-ичидан суйиниб яшайди”** тарзидаги жумлаларда Комиланинг табиатига хос қирралар очилади. Сикик кўнгил эгасининг тортинчоқлиги, андишали одамнинг ҳамиша ўз-ўзини тафтиш қилиб яшашга маҳкумлиги кўрсатилади. Комиланинг: **“Баъзи дугоналарим оталарига эркаланиб, ҳаттоки аччиқ ҳам қилиб туришади. Мен унга зарда қилиш у ёқда турсин, балки эркалана ҳам олмасам керак”**, тарзидаги иқрори унинг табиатидаги асл хусусиятларни ёрқин намоеъ

қилади. Ўн саккиз йил “ташландиқ”, “ҳароми”, “етим”, “асранди” каби дашномларни эшитиб улғайган қизнинг отасини топгач бирданига ўзгариб қолиши мумкин эмас. Муаллиф Комиланинг туриш-турмуши ва тутумларини феълидан келиб чиқиб тасвирлайдики, бу ҳол ўқувчини қаноатлантиради.

Комила учун бойлик ва тўқисликдан кўра отасининг топилгани муҳим. Романда Комила ўзига ошиқ бўлган уч йигит орасидан ўзи сингари қашшоқликда ўсган Қобилни танлаши тасвирланади. Комила ўта бой Асрор ёки ҳаётда ўрнини топган врач Абборни эмас, Қобилни танла-



шида ақл эмас, тозадан-тоза кўнгил амрига бўйсунди. У ўзининг мезонлари асосидаги бахт сари қадам қўяди. Россиялик ёзувчи Сергей Грачев “Новая литература Кыргызстана” номли электрон кутубхонада ушбу асар ҳақида: **“Комила” романи шуниси билан қимматлики, унинг бош қаҳрамони буюк шахс ҳам, аллома ҳам, Жанна д’Арк ҳам эмас. Лекин у атрофидаги инсофсизлик, имонсизлик, ишончсизлик ва куфрни енгишни уйдалади ҳамда аёллик бахтига эришди**”, деганида тўла ҳақ эди.

Романдаги Мақсуд тимсоли дастлаб иродасиз, масъулиятсиз туюлади. Мақсуд Гуландомнинг фалока-ти, фарзандининг вафоти ҳақида эшитганларига ортиқча уринишу изтиробларсиз ишониб қўя қолади. Ўз иши ва оилавий ташвишлари билан яшайверади. Асарда Мақсуд ва унинг оиласи “бой” экани бот-бот такрорланади. Кўпчиликда бойларга нисбатан бир қадар салбий муносабат шакллангани маълум. Бой кўпинча зиқна, шафқатсиз, пул учун ҳар қандай пасткашликлардан тоймайдиган ноинсоф кимса сифатида ҳаёлга келади. Адабиётда ҳам шу ёндашув ётади. Ёзувчи ана шу эски қолипни бузароқ, бойларда ҳам виждон, кўнгил бўлишини, улар ҳам Худодан кўрқинишни, қилмишлари учун жазоланишлари мумкинлигини Мақсуд образи мисолида талқин этилган.

Муаллиф фикрича, одамлар пул ва бойликнинг кетидан қувмайди, бундай кишиларнинг меҳнати ва инсофи туфайли пул билан бойликнинг ўзи уларни топиб келади. Ҳамма гап ҳалоллик, тўғрилиқ, ақл, билим ва меҳнат қилишда. Комиланинг ўз қизи эканини билганда Мақсуднинг бу қувончни кўтаролмай инфаркт бўлиши, Ойбарчин опанинг сигирини ўғирлаб кетишганда уларга иккита сигир олиб бориб бериши, Қобилни Асрор билан бирга милиция пунктдан жарима тўлаб чиқариб, уйга олиб келиши, Комиланинг Қобилга турмушга чиқишига ҳеч иккиланмай розилик бериши, қудаларининг хурматини жойига қўйиши, ҳашарларда эл қатори қатнашиши сингари тасвирларда унинг бой бўлиш билан бирга маънан юксак шахс экани кўрсатилган.

**Муаллиф фикрига, одамлар пул ва бойликнинг кетидан қувмайди, бундай кишиларнинг меҳнати ва инсофи туфайли пул билан бойликнинг ўзи уларни топиб келади. Ҳамма гап ҳалоллик, тўғрилиқ, ақл, билим ва меҳнат қилишда.**

Асардаги Дилфуза образи ҳам ўқувчининг диққат марказида туради. Бир умр оддий аёл, андишали келин бўлиб яшаб келган Дилфузанинг аслияти уйларига Комила кўчириб келтирилганидан сўнг намоён бўла бошлайди ва бу табиий. Бундай ҳолатни ҳазм қилиш ҳар қандай аёл учун ҳам осон эмас. Ҳар бир одамнинг асл “мен”и шундай синов вазиятларда яққол кўринади. Дилфуза тақдирга тан бериб, Комилани ўз болалари сафида кўриб, қайнонаси Василага опа айтмоқчи, эрининг омон қолганига шукур қилиб яшаши мумкин эди. Бу тўғри йўлдан юролмаган Дилфузанинг тутумларини муаллиф холис тасвирлайди. Унинг табиатида баҳо беришни ўқувчининг ўзига ҳавола қилади. Фарибнинг ёри Худо, деганларидек Комилани Дилфузанинг найрангларидан Аллоҳнинг ўзи асрайди. Бу дунёда ҳар нарсанинг ҳисоб-китоби бор. Эзгулик сийловсиз, ёмонлик жазосиз қолмайди. Қизи Гуландомнинг ўғирлаб кетилиши, ўғли Шохруҳнинг вафот этиши ва ўзининг руҳий касалликка чалиниши тасвири ҳаққонийлиги билан ўқувчини сергак торттиради.

Асарда Комиланинг бутун икир-чикирлари билан батафсил тасвирланган ҳаёти, турли синовлар ичида кечган умри ҳамда эришган бахти катта бир пўртана сабаб издан яна бир бор чиқиб кетгани кўрсатилганда, романнинг таъсир кучи неча бор ортган бўларди. Тўғри, муаллифнинг мақсади бутунлай бошқа ва у ўз мақсадига эришган. Бироқ, назаримда, шундай катта бир фожиа фониде тасвирланганда ҳар бир образнинг маънавий дунёси авж нуқтага кўтарилади. Масалан, қаҳрамонлар тақдирини Ўш–Ўзган мижозлари фониде тасвирлаш мумкин эди. Муаллиф икки қардош миллат орасида юз берган бу қаро кунларни ўз кўзи билан кўрган одам сифатида мазкур фожианинг инсонлар тақдиридаги машъум изини бадиий тадқиқ этиши мумкин эди. Тирикчилик кўйида яшаётган одамларнинг турмуш тарзи, фикрлаш йўсини не сабабдан мувозанатдан чиқиб кетгани ёки кимлардир томонидан чиқариб юборилгани Комилага ва Мақсуднинг ҳаёти мисолида тасвирлаганда романнинг ижтимоий аҳамияти ошиб, бадиий қиммати ортган бўларди. Машъум тўдага кириб қолган кимсаларнинг қонхўр қиёфаси бор ёвузликлари билан кўрсатилиши романнинг ижтимоий-тарбиявий аҳамиятини ўн чандон оширган бўларди.

Нима бўлганда ҳам, қардош Қирғизистонда яшаётган миллатдошларимиз ҳаёти ҳаққоний кўрсатилган таъсирли бир асар ўзбек ўқувчиларига тақдим этилди. Номла-нишидаёқ инсоннинг бахти унинг маънавий камолотида эканига ишора қилинган бу асарнинг умри узун ва ўзбек ўқирманларига суюкли бўлишини тилаймиз!

# So‘zlar sening hamrohing bo‘lsin



**Кумуш  
АБДУСАЛОМОВА**

1996 йили туғилган. Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультети талабаси. “Истеъдод мактаби” VII республика ёш ижодкорлар семинари иштирокчиси. 2015 йилда “Биринчи китобим” лойиҳаси доирасида “Куйламасам бўлмайди” номли шеърий тўплами чоп этилган.

## Тақиқ

Бизда арслонларни бўлмайди овлаб,  
“Бизда арслон ови қилинган тақиқ!”  
Оҳуларга тегманг, бегора,  
Қаранг, кўзларида кўринар ҳадик.

Қушларни овламанг, балиқларни ҳам,  
Табиат емрилиб кетмасин секин.  
Бизда битта хавф бор – хавфсиз, беэён –  
Фақат кўнгилларни овламоқ мумкин!

## Ахтам девона

Ахтам девонанинг дидига қойил!  
Девона Маширабдан газал ўқийди.  
Кун, хув, толларнинг тагида ўтар,  
Толнинг тивигидан сават тўқийди.

Эски топонини эгнига илиб,  
Кўгадан ўтади қилиб хиргойи.  
Билмам, ёлғизлиги сабаб бўлибми,  
Қишлоқда ном олди жинни, савдойи.

Ҳамма яхши танир Ахтамқул голни,  
Ахтам девонани ҳамма танийди.  
Сув келтириб берса, қандай яхши-я!  
Ўтинларни ёриб берса қанийди.

Ўттиз йил ҳайдаган тракторига  
Меҳри тушиб қолган бўлса кераг-ов.  
Филдирак лойини силаб йиғлади  
Ҳужжатларни сўраб келганда биров.

Таниши йўқмикан бориб айтгани,  
Нега юм-юм йиғлар кириб шу ёшга.  
Ахтам девонанинг, Ахтам жиннининг  
Таниши йўқ эди... Худодан бошқа!

## Фотокўргазмадан кейин

Бу дунёнинг кўргазмаларин  
Кўзларимга хато кўргизма!  
Бугун санъат галереяси  
Ташиқил этмиш фотокўргазма.

Кимга нима? Билмадим. Юрак  
Чок-токидан ситилган эди.  
Бунда сураат кўрдим: аёлнинг  
Оғизлари тикилган эди.

Пардоз гўзал қилган юзингни  
Қани энди ёшинг билан юв.  
Фаранг хоним бунинг ўрнига  
Журналистга берар интервью:

“Жуда юксак баҳолаш мумкин  
Муаллифнинг маҳоратини...”  
Мен мақтовни эшитганим йўқ,  
Фақат... тақдир ҳақоратини.

Кўргулик деб ўқибман, узр!  
Кўргазма деб битилган эди.  
Бунда сураат кўрдим: аёлнинг  
Оғизлари тикилган эди.

Шу оғизга кўкрагин тутиб  
Она сутин игирмаганми?  
Шу тикилган лаблар қагондир  
“Севаман” деб пигирлаганми?

Шеър сўрайсиз. Дафтарларимнинг  
Варақлари титилган эди.  
Шеър сўрайсиз мендан... Ўша кун  
Оғизларим тикилган эди.

## Ёмон кўзлар

Сўзлар сенинг ҳамроҳинг бўлсин,  
Лек гап-сўздан асрасин дейсиз.  
Кўзларимга қарайсиз, кейин  
Ёмон кўздан асрасин дейсиз!

Энг гиройли, энг узун эртақ,  
Нима дердим, бизники бўлса?!  
Тегса тегсин, розиман, ўша  
Ёмон кўзлар сизники бўлса!

## Зангортепа билан суҳбат

Икки қишлоқ... Икки бахмал қош,  
Ўртасида улкан тепалик.  
Баҳор келса, лола – қизил тўғ –  
Ловуллайти гулхан тепалик!  
Лекин шўрлик тепанинг бир кун  
Қулоқ солсам оҳ-у додига,  
“Қайси ном-ла муҳрланаман, –  
Деди, – авлодларнинг ёдига?!  
Ўнг қишлоқда “Зангортепа” деб  
Аташади эркалатишиб.  
Сўл қишлоқ-ги, “Қоратепи”, воҳ,  
Йиғласамми узала тушиб?”  
Тепи билан дардлашдик узоқ,  
Енгил тортган бўлиб кўринди.  
Сездим, ўзин илгаригидай  
Хурсанд кўрсатмоққа уринди.  
Қойил қолдим мункайган, тўққан  
Тепаликнинг хаёлларига.  
Шунда раҳмат айтдим гин дилдан  
Ўнг қишлоқнинг аёлларига.  
Юзиқораликдан асрасин!  
Осмон ранги – олис, зангори.  
Умр деса, ёдимга тушар  
Ўша “Зангортепа”нинг зори.

## Хут келди

Бош кўтарди ўт-ўлан,  
Челак тўла сут келди.  
Айтдим дилда ўт билан –  
Хут келди-ё, хут келди!  
Хут келди-ё, хут келди!


Қирда кўрдим бугдойни,  
Элнинг нони бут келди.  
Дилга шодлик сизмайди.  
Хут келди-ё, хут келди!  
Хут келди-ё, хут келди!

Қанисиз, голгузилар?  
Танбур билан уд келди.  
Оёқдан галгузилар,  
Хут келди-ё, хут келди!  
Хут келди-ё, хут келди!

Битсин қирғинбаротлар,  
Юзлари шувут келди.  
Ироқ ёқлар, Шом ёқлар,  
Хут келди-ё, хут келди!  
Хут келди-ё, хут келди!

Юрагим ёняптими –  
Чап кўксимдан дуд келди.  
Тараддудланиб турсам,  
Хут келди-ё, хут келди!  
Хут келди-ё, хут келди!

Йигит ёзган мактубга  
Қиздан жавоб – “Кут!” келди.  
Ҳаммамизни куттирган  
Хут келди-ё, хут келди!  
Хут келди-ё, хут келди!



# Men anglagan hayot



Инглиз тилидан  
Қандилат ЮСУПОВА таржимаси

**М**ен оддийгина ишчи оиласида туғилганман. Жуда ёш кезларимданоқ ўз хаёлот оламимда кучли хоҳиш-истаклар, шу мавжуд ҳаётга бўлган беадад завқу шавқ ҳамда қўл етмас орзулар осмонини кашф қилдим, ҳа, бу эрқин-ниятларим менинг бола бошим учун нечоғлик маҳол бўлишига ҳам рози бўлган ҳолда уларга бутун қалбимни фидо қилдим. Ҳолбуки атрофимдаги муҳит гоятда ачинарли, қўпол ва қуруқ эди. Шундай бўлса-да орзуманд кўзларимни фақат юксакка тикардим, ўша теграмдаги моддий турмуш лавҳаларини назарим ҳеч илғамасди. Тан олишим керакки, жамиятдаги менинг ўрним анча қуйида эди. Бу ердаги ҳаёт руҳ учун ҳам, тана учун ҳам қабиҳлик ҳамда бахтсизликдан ўзга нарсани раво кўрмасди сира. Ваҳоланки, қашшоқлик исканжасида руҳу тана баробар очликдан силласи қуриб, беаёв азобланмоқда эди.



Шу ғариб бошим узра жамиятнинг ҳашаматли турмуш тарзи бўй кўрсатиб, ўзини тинмай кўз-кўзлаб турарди, бирдан ичимда худди ўша фусункор сарой томон кўтарилиб чиқиш истаги пайдо бўлиб қолди. Мен ўша саройга қараб шу паст жойимдан бор кучимни сарфлаб бўлса ҳам ўрмалаб чиқишга аллақачон азму қарор қилгандим. Қасрдаги барча эркаклар нафис кийимда эдилар, эгни-ларидида қоп-қора костюм билан оҳорли кўйлак, хонимлари бўлса жозибали либослар оғушида хиром билан юришарди. Яна бу ерда энг сара таомлар ҳозирланар, тўйгунингча маза қилиб ейишинг мумкин эди. Бу овқатларнинг бари битта одамга жуда кўплик қиларди. Ҳаммасидан ҳам бу жойда руҳинг ором топадигандек эди. Бутун ақлу хаёлимни ўғирлаган ўша серҳашам ҳаёт муҳитида, мен аниқ билардимки, руҳинг озодлиги, тоза ва олижаноб фикрлаш, рисоладагидай умр кечириш каби ҳаётнинг нодир тўхфалари мужассам эди. Буларнинг барини мен ўзим ўқиган “Денгизбўйи кутубхонаси” туркумидаги романлар орқали яхши билардим, албатта; китоблардаги ёвуз қахрамонлар ва саргузаштсевар дарбадарларни ҳисобга олмаганда мазкур олий табақа вакиллари ҳамма вақт ғоятда теран мулоҳаза этишар, равон тилда сўзлашишар, назокатли ҳаракатлар қилишарди. Мухтасар қилиб айтганда, мисоли қуёш чиқишини шоду хуррамлик ила кутиб олганим каби тепамда ярқираб, жилоланиб турган гулгун ҳаёт ичида ҳам осудалик, ҳам аслзодаларга монанд салобат ва марҳамат мавжуд эканлигига шаксиз ишондим, гарчи бу каби тушунчалар фақир қисматим учун номуносиб бўлиб кўринса-да, бироқ улар тириклик мазмунига хушлик ҳамда виқор бағишлашига иқрор бўлгандим, энг муҳими, бу ҳаётда одамнинг яшагиси келарди.

Аммо камбағал ишчи оиласининг боласи учун юқоридаги порлоқ толеъ томон кўтарилиб чиқиш осон эмасди, албатта, чунончи биз каби одамлар одатда хомхаёллар ва сароб орзулар оғушидан то ўлгунимизча мосуво бўлмаймиз. Мен Калифорнияда, ўз ранчойимда истиқомат қилардим, бор жон-жаҳдим билан

олий табақа доирасига чиқиб олиш учун мустаҳкам нарвон қидирардим. Болалик пайтларимданоқ пул дардида қийналиб яшардим, ўша аслзода кишиларнинг дунёга қандай қилиб бадавлат, беғам бўлиб келганларига ақлим етмай, ҳадеб бола онгимни азоблардим. Кейинчалик шуни англаб етдимки, инсон қанча кўп тер тўкса, у шунча бойиб кетади, ана ўшандагина унинг тирикчилиги ҳам тўкис шароитда бўлади. Ушбу хулосамдан зудлик билан ҳисоб-китоб қилиб олдим, башарти мен то эллик ёшимгача тинимсиз тер тўкиб, меҳнат қилсам ва тузуккина маблағ жамғара олсамгина менинг жамиятдаги ўрним ҳам юқорилашиб, дунёнинг лаззат ҳамда бахт каби муждаларидан баҳра олишимни тиниқ идрок этдим. Шубҳасиз, бу йўлда қашшоқлик тушовидаги оғир тош сингари уйланиш даҳмазасини ҳам қатъий бир четга суриб қўйдим.

Шунга қарамай, жонимни жабборга бериб, астойдил тер тўкишимга тўғри келарди. Бинобарин, ўн ёшимданоқ шаҳар кўчаларида газета тарқатиб юрадиган болакай қиёфасига кирдим, сарсонлик ва пул топиш машаққати менга янаям кўпроқ нарсаларни ўргатди. Барибир атрофимдаги борлигимни қуршаб турган очлик, юпунлик ва мискинлик балосидан ҳеч қутулиб кетолмасдим, тепамда эса ҳамон оромижон жаннат боғи мени ўзига тинмай чорлаб турарди, шунда хаёлимда бошқа нарвон топиш фикри уйғонди. Янги нарвон - бизнес нарвони эди. Хўш, мен нима учун арзимаган майда чақаларимни ҳам минг азоб билан ҳукуматнинг лой кўчаларидан қидириб юришим керак экан, икки донагина газетани беш сентга олиб, кейин уларни атиги ўн сентга пуллаш орқали катта маблағ тўплашим мумкинми-кан? Янги ўйлаб топганим бизнес нарвони бўлса бошқа гап, бу фикрим ўзимга чунонам ёқиб тушди, дарҳол сочларимни олдираддим-да, омади чопган савдогар шаҳзода қиёфасида узоқ сафарга отландим.

## Чиганоқ қароқчилари шаҳзодаси

Афсус! Кўринишимни ўзгартириб чакки қилибман! Ўн олти ёшимга тўлиб улгурмасимданоқ “шаҳзода” ҳам бўлволдим энди. Лекин бу унвон бир гала каллакесар ҳамда ўғрилар тўдаси томонидан берилганди, ана ўшалар менга худди шу лақабни ёпиштириб қўйишди: “Чиганоқ қароқчилари шаҳзодаси”. Аммо ўша дамда мен бу бизнес нарвонининг биринчи зинасига қадам қўйишга муваффақ бўлгандим. Энди мен яхшигина сармоёга эга эдим. Ўз қайиғим, чиганоқ овлаш учун ҳамма ускуналарим бор эди. Сафарда ҳамроҳлик қилиши учун бир шерик ҳам танлаб олгандим. Қайиқ эгаси ҳамда капитани сифатида қўлга туширган ўлжамизнинг учдан икки қисми менинг ҳамёнимга тушар, учдан бир қисми эса шеригимга қоларди, лекин бечора миқ этмай худди мен каби меҳнат қилар, жони ва озодлигини таҳликага қўйишга ҳаммавақт шай турарди.

Бироқ қисматимиз шўр экан, аранг кўтарилган нарвонимизнинг биринчи зинаси ҳам тез орада барбод бўлди. Бир оқшом хитойлик ярама балиқчилар хужумига учрадим. Қайиғимдаги жамики тўр ва арқонларим менга аллақанча долларга тушганди. Бу ростакам ўғирлик эди. Лекин мен ҳам ўзимга етгудай ҳақпараст эдим. Улар билан менинг орамдаги ягона фарқ ҳам шу жиҳат бўлса керак. Юлғичларга қарши қурол ишлатишга мажбур бўлдим.

Аммо ўша тунда ёнимдаги ҳамроҳим битта бўлгани учун ёвуз тўдага қарши бас кела олмадим, шеригим ландовурларча қайиқ ёнига катта гулхан ёқди ва бунинг оқибатида бутунлай қайиқни харобага айлантириб юборди. Ўша кеча ҳеч қанақа маблағим ҳам қолмади, қайтанга биз сақлаб қололмаган тўр ва арқонларимизга ифлос босқинчилар эга бўлиб олишди. Чорасиз қолдим, кутилмаган инқироз ақлимни довдира-тиб қўйди, киссамда қолган олтмиш беш доллар билан қандай қилиб кун кечиришимни билолмай танг аҳволда эдим. Вайрон бўлган қайиғимни ташлаб, бошқа қароқчилар кемасида Сакраменто дарёси тарафга хужумга кетдим. Омадсизликни кўрингки, бу сафаримда ҳам яна безорилар тўдаси билан тўқнаш келдим, улар янги қайиғимни ҳам талон-тарож қилишди. Зўравонлар ҳамма нарсамни ўмариб кетишди, ҳаттоки лангаргача чанг солишди; кейинчалик эса ноилож тақдирга тан бериб, қуруқ қолган қайиғимни арзон-гаров

пулга сотиб юбордим. Бир амаллаб чиқиб олган бизнес нарвонимнинг биринчи зинасидан ана шу тарзда тойиб кетдим ва қайтиб ҳеч қачон бизнес нарвони тўғрисида қуруқ хаёл қилишни бас қилдим.

### Қора меҳнат қўйнида

Шундан кейин сўқир қисматим мени ниҳоятда бераҳм мулкдорлар қўлида шафқатсизларча эзги-

лади. Мисоли жаллод зодагонлар мускулдор билакларимдан пул ишлаб, ўз нафслари учун фаровон яшашни йўлга қўйдилар, ҳолбуки менинг пешонамга бу каби яшаш сира-сира насиб

қилмасди. Ҳаёт бошимга бир-биридан машаққатли кунларни солди, аввалига денгизда югурдак, портларда юк ташувчи бўлиб ишладим, сўнгра консерва заводи, фабрикаю кирхоналарда кучим кетди; устига устак майсазорларни ўрдим, гилам тозаладим, дераза ювдим. Бироқ шунча қилган меҳнатларимга яраша ҳақ ололмадим ҳеч. Консерва заводи директорининг безатилган извошда яйраб кетаётган қизига алам билан тикилардим, у менинг мускулларим туфайли роҳат қилиб борарди, ўша извош араваси ҳам резина шиналари устида фақат менинг қувватим сабаблигина жойидан қўзғала оларди. Фабрика хўжайинининг нуфузли коллежга қатнайдиган ўғлига боқиб туриб, яна бир карра ўкинардим, у ҳам бақувват мускулларим туртиб турган мана шу билакларим орқасидан таълим оларди олий коллежида, унинг кайфу сафо қилиб юришларида менинг ҳам ҳиссам анчагина эди.

Бироқ мен булардан асло ғазабланмадим. Ахир, бу ҳодисаларнинг бари ўйин-ку. Ҳаёт-ку бу, ахир. Ўйиндаги кучли тараф эса ҳозирча улар эди. Майли, дедим ўзимга ўзим, ҳечқиси йўқ, мен ҳам ожиз эмасман, менам кучлиман. Аммо мен жамиятдаги ўз ўрнимни улар сингари бошқаларнинг пешона тери эвазига эмас, аксинча топ-тоза ва ҳалол қўлларим билан яратмоқчи эдим. Меҳнатсиз ҳаёт ҳалокат эди мен учун. Тобора тез, тобора қаттиқроқ ишлаб, охир-оқибат жамиятга ҳаттоки тиргович ҳам бўла олардим.

Шунда тақдир юзларимга бироз кулиб боққандай бўлди, орзу-хаёллари худди меникига ўхшаш бир иш берувчи билан рўбарў келиб қолдим. Ҳалол тер тўкишга мендаги иштиёқ нечоғлик баланд бўлса у мендан-да қолишмайдиган меҳнатсевар эди. Ўзимча тижоратни ўрганапман-да, деб ўйлаб юргандим. Аслида эса ҳар иккаламиз учун ҳам бир ўзим меҳнат қилаётган эканман, ҳақиқатда бўлса, у мениям ҳаққим бўлган элик долларни индамай чўнтагига уриб қолаётган экан, икки киши учун тер тўкаётган ишимга эса мен ойига қирқ долларгина олар, баъзан буюм қўлимга ўттиз доллар бўлиб тегарди. Бу разил кимса мени ўлдиргудай қилиб тоза ишлатди. Одам денгиз чиғаноғини яхши кўриб ейиши мумкин, аммо ҳаддан ортиқ чиғаноқ ҳам дарров кўнгилга уради. Ортиқ иш деган дўзах азобини кўргим келмай қолди. Ахийри у ердан қочиб кетдим. Энди эшикма-эшик сарғайиб, кўчаларда тиланчилик қилиб сарсон бўлдим, бутун бошли Қўшма Штатларни тентираганча ялангоёқ кезиб чиқдим, хароба кулбалар ва зах қамоқхоналар ичида аъзойи баданим чириб кетгудай бўлиб, ёмон қийналдим.



## Увол бўлган қувватим...

Қисматимга камбағал бўлиб туғилиш битилган экан, на чора, мана ҳозир, умримнинг авжи барқ урган чоғи – ўн саккиз ёшимда бу аламни яна-да теран, яна-да ўкинч билан ҳис этардим. Мен тамомила жамиятнинг энг хилват ертўласида қолиб кетгандим, мутлақ ночорлик ҳамда нотавонлик қурбонига айлангандим. Ҳатто ҳасрат қилишга ҳам арзимайдиган нохуш вазият бечораси эдим. Бутун жисму жоним билан тубсиз жарлик қаърида инграр, жамият тараққиётининг томир-томирларига чирмашиб кетган тартиббузарлик, парокандалик ва чиркин қонунлар ботқоғидан қутулолмасдим. Ҳаётнинг яна бир ҳақиқати шу экан, кўзларим бу ҳақиқатга терс қараёлмади. Омадсизлигим ва бахтсизлигим оқибат ўз орзуларимга хиёнат қилишга, улардан юз ўгиришга мажбур этди, бори кўрганларим ва англаганларим шу бўлдики, олиймақом табақа вакиллари қуршаб турган ёрқин шуъла гардиши энди дилимга ғаддор бир қўрқинчни солиб қўйди. Мен ҳатто орзу қилишга-да қўрқиб қолдим. Ўзим нафас олаётган мукамал тараққиёт доирасидаги энг оддий, энг ошқора қоидаларни аниқ кўриб турардим. Ҳаёт аслида бир бошпана ва бир коса ёвғондан иборат жараён экан, холос. Қорин ва уй ғамида эса одамлар бор нарсаларини пуллар эдилар. Савдогар оёқ кийимини, сиёсатчи одамгарчилигини, сўзсиз баъзи бир давлат вакиллари ҳисобга олмаганда, улар ҳатто ўз эътиқодларини-да зигирча андишасиз индамай сотиб юбораверардилар; умуман олганда, ҳамма бозорда ва бу бозорда инсон нафсониятигача сотилар эди. Сотувчилик йўлида аёллар ҳам ҳаракатга тушиб қолишди, улар торкўчалар ичида ёхуд хилват гўшаларда оппоқ таналаридан истаганларича фойдаланишар, афсуски, билмас эдиларки, улар макруҳ лаззатлари билан аёлликнинг муқаддас ва эзгу мақомини-да ер билан битта қилиб поймол этишарди. Ҳаёт мисоли фақат моллар сотиладиган дўконга ўхшаб қолганди, ҳамма одамлар сотишар ва сотиб олишарди. Ёлғиз меҳнатнинггина сотиладиган моли битта: у ҳам бўлса куч эди, холос. Жадаллашиб бораётган тараққиёт бозорида биргина оғир меҳнатнинг баҳоси йўқ эди. Унинг танҳо мулки кучли мускуллар ва яна шу мускуллар эди фақат.

Аммо бу ерда муҳим бўлган катта тафовут ҳам бор эди. Сотиб юборилган оёқ кийимлар ва ё эътиқод, боринги, нафсоният ҳам ўзларини янгилаб, қайта яралиш имкониятини топа олардилар. Улар беқарор, ўзгарувчан оддий нарсалардир. Бироқ одамнинг куч-қуввати бу бошқа масала, кетган кучни яна қайтариб, уни янгилаб бўлмайди.



Пойабзал тижоратчиси оёқ кийимларини пуллагани билан у яна ўз савдосини юргизиш кетаверади. Лекин қора ишчининг бақувват мускуллари вақт ўтиши билан борган сайин юпқалашиб, тобора кучсизлашиб бораверади. У қанча меҳнат қилса, шунча кўп кучини йўқотади. Бечора нима ҳам қилсин, ягона давлати мана шу ғудруш қўллари бўлса, бошқа нимаям қила оларди, ўтаётган ҳар бир кунига мускулдор билакларини қурбон қилганча тирикчилигини бир амаллаб ўтказишдан бўлак иложи йўқ эди унинг. Ногаҳон жони осонгина узилиб қолмаса, шўрлик меҳнаткашларнинг умри то адоғигача шу зайлда меҳнат ва меҳнат билан ўтиб кетарди. Борди-ю кучдан қолгудай бўлса, ноилож кулбаси деразаларини ёпиб, ўзини аччиқ кулфат измига топширишдан бўлак чораси қолмасди. Қора ишчининг мускуллари инқирозга учраган он унда ҳаёт нишонасидан ҳам ҳеч қандай белги қолмайди, бемажол ва беҳол руҳда жамиятнинг ўша чиркин ертўласига йиқилиб тушиб, бахтиқаро ҳолида жимгина ўлиб кетаверади.

Орадан бироз вақт ўтиб, худди сотилажак моллар сингари инсон мияси қудратини, мулкини кашф этдим. Одамнинг онги эса унинг билакларидан мутлақо фарқли бўлган бебаҳо бойлиги ҳисобланарди. Онг “сотувчиси” эса дастлабки даврни эндигина эллик-олтмиш ёшга кирганидагина бошлаган бўлади, унинг ҳаққи ҳам бошқа маблағлардан кўра борган сари кўтарилиб бораверади. Бечора қора ишчилар каби қирқ беш-эллик ёшларидаёқ ишга яроқсиз бўлиб қолмайди. Жамиятнинг зах ертўласида яшаб келарканман, бутун умримнинг шу хароб ерда ўтиб кетишига асло-асло рози бўлолмасдим. Бу жойдаги қувурлар ва ускуналар умуман яшаш тартибига жавоб бермас, ҳаммаёғи исқиртликка ботиб кетган, ҳавосидан эса умуман нафас олиб бўлмасди. Омадим кулиб, истиқболим гуллаганида борми, жамиятнинг мухташам меҳмонларидай яшай олмаган тақдиримдаям истаган нархда ўзимбоп бирорта бошпана сотиб олган бўлардим. Тўғри, у ерда ҳам яшашнинг ўзига яраша масъулияти бўларди, албатта, бироқ жила курси, эркин нафас олишим учун лоақал тоза ҳаводан баҳра олиш бахтига эришардим. Шундай қилиб, ортиқ билакларимдаги куч-қувватимни беҳуда сарф этмай, энди ақл “сотувчиси” бўлишга қарор қилдим.

## Исёнчи жамиятшунос

Мазкур қароримдан сўнг белимни маҳкам боғлаб, илм кетидан шиддат билан қувишга киришдим. Калифорнияга қайтиб келиб, китобларимни очдим. Ақл ва мия “савдогари” бўлиб шаклланарканман, ўз-ўзидан шахсимни жамиятшунос қилиб тарбиялашим муқаррар бўлиб қолганди. Бир қатор китоблар ичидан онгимда ўзим яратган жамиятга оид тушунчаларнинг илмий режасини тузиб чиқдим. Шаксиз, меңдан аввал ўтган ва менинг тафаккуримдан-да шуурлари ўткир бўлган кимсалар ҳам бу хил назарияларга эътибор қаратган бўлишлари мумкин. Бироқ мен ўз назаримда инсоният учун бағоят керакли бўлган улкан қоидаларни яратмоқда эдим. Ўзимни жамиятшунос бўлиб етишяётганимни пайқардим.


Аслида жамиятшунос дегани бу исёнчи одамлар демакдир

мен учун, шу сабабдан улар ҳозирги давр шароитини тубдан ўзгартириб, келажак йиллар учун яхши бир тузумни барпо қилишни кўзлардилар. Мен ҳам улар каби ҳақиқий жамиятшунос ва улардай чинакам исёнчи бўлиб қолгандим. Бир қанча дунёқараши кенг исёнчилардан таркиб топган ишчилар гуруҳига қўшилиб олдим ва илк маротаба онг билан яшашни бошдан кечирдим. Бу ерда мен ўткир мулоҳазалар ва чуқур идрокка тўла мушоҳадалардан воқиф бўлдим, кучли, ақли юксак, меҳнаткаш одамлар билан топишдим. Муқаддас ибодатхоналарда қуруқдан-қуруқ сафсата сотиб, воизлик қилаётган ваъзхонлару дорилфунун остонасини оёқости қилаётган билимсиз профессорларни ҳам ўз қобилиятлари ҳамда чуқур илмлари билан мот қиладиган шундай кучли доира вакиллари топдим, улар боршижоатлари билан одамзодни чексиз ботқоқлик чангалидан қутқариб қолишга ҳаракат қилардилар.

Мана шу ҳақгўй одамлар орасида мен инсонга хос бўлган илиқ эътиқодни, орзупарастликни, худбинликдан чекинишни, бор иллатларни рад қилиб, меҳнат учун жафокашликни, руҳнинг бор саодатини англаб етдим.

Бу ердаги ҳаёт ҳалол, пок ва жонли кечарди. Наҳотки ер юзида мана шундай ҳаёт ҳам мавжуд бўлса, фаройиб, шонли; қайта тирилганимдан нечоғлик бахтиёр эдим!.. Ниҳоят излай-излай топганим бағоят буюк қалблар билан ҳамнафас яшаётгандим, зотан бу дилларнинг руҳи фарам-фарам долларлару миллионлаб ақчалар устидан масрур,

бепарво учиб ўта олади, бироқ жами жаҳон теварагидаги иқтисодий танглик борасида улар зинҳор сукут сақламайдилар, қаҳатчиликда ҳалок бўлаётган болакайлар фарёдига қулоқларини беркитиб олмайдилар. Ҳаёт нақадар гўзаллашиб кетди, ана олижаноблигу ана олийҳимматлик, ана қаҳрамонлик қудрати, энди кунларим қуёш нурига чўмилган ҳолда, тунларим юдузлар шуъласи ичра чароғон ўтарди; бир дам кўз олдимдан мислсиз қийноқларга тўла, бир-биридан ўтли, бир-биридан оғриқли кечган қора кунларим ўта бошлади, наҳот бир одам боласига шунча зулм, шунча кўргилик ёғилди, бераҳмлик қурбони бўлди у, аммо оқибат



шўрлик барибир ўша ёвуз муҳитдан, аччиқ ҳаёт исканжасидан қутулиб чиқди ва ҳамма-ҳамма кўрганларини ортга ташлади. Мен аҳмоқ бўлса ўша мудҳиш балоларнинг барини роҳат-фароғатга эришиш йўлидаги арзимас заҳматлар деб тушунибман ва ўша заҳматлар мени бир кунмас бир кун жамиятнинг баланд шоҳсупасига кўтариб чиқади, дея хомтама бўлибман, беҳуда рўё ортидан чопибман. Калифорниядаги ранчойимга келиб энди ўзгача мулаҳазалар билан “Денгизбўйи кутубхонаси” романларини қайтадан мутулаа қилишни бошлаган кунимданоқ хаёлимдаги кўп қуруқ даҳмазаларни, тўғрироғи, рўёларнинг барини чиқариб ташладим. Шундагина буткул амин бўлдимки, ичимда то шу кунларимга қадар сақлаб келган ўша хомхаёлларнинг барчасини ўз идроким билан тамоман барбод қилибман.

## Англаш

Онг “сотувчиси” сифатида анча омадим келди. Жамият бор эшикларини менинг истиқболимга ланг очиб берди. Ана энди бемалол, тўғри муҳташам меҳмонхоналарга кириб борар, қўл теккизишим мумкин бўлмаган нарсаларни беҳадик ушлай олардим, бироқ, бироқ тезда юрагимни яна совуққонлик, бу хил турмушдан ихлоссизлик, безганлик ҳислари қуршай бошлади. Мен олиймансаб жаноблар билан битта дастурхонда овқатланар, уларнинг серҳашам аёллари ва қизлари билан бирга таом ердим. Тан оламан, бу кибор хонимлар дид билан кийинишган, яхшилаб безанишган эди, аммо содда бир ҳайрат билан шу нарсани ногоҳ кашф қилиб топдим, менинг асл табақамдаги қора ишчи аёлларнинг ҳам бадани шу хонимларники билан бир хилда эди. Мана, полковникнинг сертаманно хотини билан оддийгина ишчи Жуди О’Гредининг таналари битта тусда экан, фақат хонимнинг ялтироқ либослари уни яшириб турарди, холос.

Ақлимни лол қилган нарса фақат бу эмасди. Рост, малоикалардай кўринишга уринаётган бу бойликка ўч аёллар, пулсевар эркаклар чиройли

тилда сўзлашар, фикрларини равон ифодалай олишарди; аммо шундай бўлсаям улар яшаётган ҳаёт лавҳалари ниҳоятда расво, емаклари ҳаром эди, ўзлари эса ўлгудай худбин эдилар! Қилиб қўйган озгинагина хайр-саховат ишларини ҳам минг марталаб оғиз кўпиртириб мақтанишар, ҳолбуки, эгниларидаги аллақанча доллар турадиган бебаҳо кийимларини, қиммат тақинчоқларини, оғизларидаги ширин таомларини кичкина ишчи болакайларнинг пешона тери орқасидан, нечоғлик оғир меҳнат эвазига келаётганини билишмасди. Бу каби асослар хаёлимда бирдан Жуди О’Гредига танадош мана бу хонимларнинг тўсатдан инсофга келиб, гўё қонга бўялган кўйлақлари ва тилла тақинчоқларини устиларидан юлқиб олишиб, қаттиқ дарғазаб бўлган қиёфалари жонланиб кетди негадир, мен эмас, гўёки энди уларнинг ўзлари уволлик ва заволлик тўғрисида ваъз ўқишар, жамиятнинг зах ертўлаларида ҳалок бўлаётганлар қисматига дил-дилларидан ачинишарди. Бироқ реал ҳаётда бу лавҳа ҳеч қачон акланмасди, албатта, олти ёшли болакайнинг ҳар тунда ўн икки соатлаб қора терга ботиб ишлаётган тақдири билан уларнинг бир мирилик иши йўқ эди, аслида менинг ҳаётимни кулфатга айлантираётганлар ҳам шулар – Жуди О’Гредидан бир поғона ҳам юксақда турмайдиган калондимоғ хонимчалар эди.



Яхшиси, улар билан менинг ҳам ишим бўлмагани маъқул эди. Мен ораста кийинган, аслзода, ақлли кўринадиган эркаклар билан танишишга киришдим, уларнинг орзу-ўйлари ҳам худди кўринишлари каби тиниқ, асл ва жонли бўлиши керакдай эди, назаримда. Жамиятнинг энг баланд курсиларини эгаллаб ўтирган бир гуруҳ воизлару сиёсатчилар, бизнесменлару профессорлар ҳамда ноширлар билан улфатчилик қилиб юрдим. Улар билан бирга овқат ер, бирга шароб ичар, битта машиналарда юрар ва шу аснода уларни ўрганиб ҳам борардим. Тўғри, киборлар орасида ростданам ақлли, аслзодаларни учратдим ҳам, бироқ улар бениҳоя кам эди, бўлганлари ҳам у қадар жўшқин эмасдилар. Гоҳо шу қадар онгим хиралашиб кетардики, ҳатто иккала қўлимдаги бармоқларим ҳисобидан адашиб кетардим. Барибир бу хил омма вакиллариининг бари чирик муҳит ичида жонлана олмасдилар, ҳаром турмуш бағрига бутунлай қоришиб кетишганди, фақат аҳён-аҳёнда аслзодаларча маданият қирраларини намоён қилиб қўйишарди, холос. Лекин шунчаки эди булар. Айниқса, мен танишиб олган университет профессорларининг гапларини айтиб ўтмасам бўлмасди, уларча “кўп ақлли бўлишдан ҳеч фойда йўқ эди”.

Жаҳолат урушларига гоёлари қарши бўлган Тинчлик Шахзодалари деб аталувчи “қахрамонлар”ни учратганимда, балки энди фикрларим ўзгариб кетар, деб ўйлагандим, аммо кейин билдимки, бу “тинчликсевар” кишилар ўз фабрикаларидаги иш ташлашга чиққан ходимларини киприк қоқмай отиб юбораверишар экан. Янаям даҳшатлиси, ўз олчоқлиги билан шафқатсизларча, тутуриқсиз вайсаган одамнинг қўрқинчли ҳикояси бўлди, ўша ёвуз кимса ҳар йили туғруқхоналардаги чалажон туғилган гўдакларни ўғирлаб, уларни ўлдирар, эвазига келган мўмай даромаддан қорнини қаппайтириб юрар эди.

Мен йўлимда учраган ҳар бир клублару уйлардаги, меҳмонхоналардаги одамлар билан ҳамсуҳбат бўлавердим, саноат фабрикаларининг зарҳал курсиларида ястаниб ўтирган бошлиқлари билан юзма-юз келдим ва ҳайрон қолдим, нега бу бошлиқлар шунча оз фурсат ичида бунчалик бойиб кетишдийкин? Бир томондан улардаги ақл, яъни бизнес туйғусининг яхшигина ривожланганини кўрдим. Яна уларнинг руҳиятларини ҳам тушуниб қолдим, бизнеслари нол бўлган кун уларнинг ҳам пайтаваларига қурт тушиб, типирчилаб қолишарди.

Мана бу ориққина, кибор қиёфадаги қўғирчоқ-маникен фабрикаси ва турли асбоб-ускуналар корпорациясининг директори махфий равишда бева аёлларни ва етимларни ўғирлаб келарди. Энг сара нашриётларни эгаллаб олган мана бу жаноб бўлса ўзини гўёки адабиёт ҳомийси каби тутар, шаҳарчадаги барча босмахоналарни ҳам ўзиники қилиб олганди. У ўша нашриётларида тиббиёт бўйича маслаҳатлар чоп этишдан ҳайиқмасди-ю, аммо ёнидаги бир варақ қоғозга ўзининг нақадар худбин ва олчоқ эканлигини ёзишга журъат қилолмасди.

Қаршимдаги бу жаноб эса, аллақанча ишчи ва асбобларга эга одам, ҳаромдан ҳақ олишда устаси фаранг, ҳақиқатни айтганда, тарбиясиз бир хўжайин; манави ҳоким билан олий суд ҳаками ҳам худди шундай; учаласи ҳам битта товоқдан луқма ейишарди. Идеализмнинг гўзалликлари ҳамда Яратганнинг марҳамати тўғрисида жон кўйдириб сўзлаётган жаноб эса ҳозиргина бизнес ишида ўз дўстларини сотиб келганди. Ибодатхоналар даҳосига айланиб қолган мана бу киши бўлса ўзини беҳад саховатпеша қилиб кўрсатишга тараддулланарди ҳадеб, ҳолбуки унинг хусусий магазинларида кунига ўн соатлаб ишлайдиган бокира қизларни очликдан силласи қуриганча чунонам ишлатар, кейин эса тўппа-тўғри фоҳишахоналарга равона қиларди. Олий таълим бошқармаларидан бирининг бошлиғи эса даромад солиғи бўйича судда ёлгон гувоҳлик бериб, икки нафар бегуноҳ ночорни ноҳақдан-ноҳақ ўлимга рўбарў қилганди.

Ҳамма жойда аҳвол шу эди: жинойт ва хиёнат, хиёнат ва жинойт – жўшқин одамлар бор эди-ю, аммо улар чинакамига на пок ва на олижаноб эдилар, илло пок ва олижаноблари эса жўшқин ва ҳақпараст эмасдилар. Ўртада нотавон улкан оломон ҳам турарди, улар на олижаноб ва на жўшқин эдилар, оз-моз ҳалол эдилар, холос. Эҳтимол ҳеч кимни айблаб бўлмас ҳам, жамият ҳолатини узил-кесиллик ёхуд эҳтиёткорлик билан мутлақ бир ёқли қилиб бўлмайдди, бу беқарор ва бетизгин жараён, лекин аини дамдаги ахлоқсизлик, шармисорлик, юзсизлик ҳамда олчоқлик каби иллатларга-да асло сусткашлик билан йўл қўйиб бўлмасди. Зотан ҳали ҳақсевар, виждонли, олийҳиммат инсонлар тирик эканлар, хиёнат ва жинойт дунёси учун фойдали бўлган бор амалларни таг-томири билан йўқотиб ташлаш зарур эди.

Ваниҳоят, шуни англаб етдимки, мен жамиятнинг бу сингари ҳашаматли саройи ичида яшашни истамас эканман. Миям жуда оғриб



кетганди. Ақлан ва руҳан беморга айланиб қолгандим. Баногоҳ ўзимга сафдош, фикрдош ва қўлдош дўстларим ёдимга тушди, юзсиз воизлару виждонсиз профессорлардан кўра юрагимга ўзимнинг ўша онгли, ҳалол ишчи ўртоқларим азизроқ эди, ўша қуёш нурига чулганган кунларим, ўша юлдузлар чарақлаган файзли тунларим хотирамни ёритди, менга ўзим излаган ростокам саодатни ато этадиган, меҳру муҳаббат ҳамда хокисор ҳаёт нафаси уфуриб турган жаннатий гўшамни беҳад соғиндим. Ёлғиз шу соғинчгина куйган дилимга туганмас ҳарорат бағишлаб турарди. Келажакка боқарканман, энди мени олдинда ҳамиша ярақлаб, ҳамиша порлаб турувчи қутлуғ кунларим кутаётганига астойдил умид қилдим.

## Ўзликка қайтиш

Шундай қилиб, ўзим туғилиб ўсган оилага, соддагина ишчилар даврасига қайтдим. Ортиқ тепага кўтарилиш тўғрисида ўйламай қўйдим. Бир пайтлар ўзини кўз-кўзлаб бошим узра товланган маҳобатли сарой шу тобда кўнглимга ҳеч қандай ҳавас ўтини солмади. Қаср ичидаги ботқоқлик, чиркин муҳит – ақлимни киргизди. Зотан энди ўз қўлларим билан, шу мускулдор билакларим билан, шу қўлдош, фикрдош дўстларим ёнида елкама-елка туриб, ҳаммамиз биргаликда, ўзимизнинг муҳташам саройимизни қурамыз. Биз яратган қаср ичида асло чирик ҳаёт сарқитла-

ри, тириклайин ерга тикилган жонлар нолаши, ваҳшатли худбинлигу бадбин тушунчалар ҳукм сурмайди. Биз, энг аввало, зах ертўлаларни яхшилаб тозалаймиз ва у ерда одамзод учун янги бир яшаш маконини яратамиз, у маконда ҳеч қандай ҳашам, ҳеч қандай жимжимали безаклар бўлмайди, ҳамма хоналари мусаффо ва чароғон бўлади, биз нафас оладиган ҳавода эса поклик, олийжаноблик, ҳалоллик ҳарорати уфуриб туради ҳамиша. Ахир, чинакам ҳаёт нафаси шундай бўлмайдимми?

## Мен англаган ҳаёт

Эртанги кундан шундай беадоғ бахтиёр дамларни тиладим ва ишондимки, токим инсон ўз нафсидан кўра ниманидир юқорироқ қўйиб, ўша юксак орзуси йўлида кураша бошладими, шубҳасиз, у албатта бахтли бўлади. Одам боласининг ана ўшандай саодатманд онларига боғланган ишонч туйғуларимни дилимга маҳкам қилиб тугиб қўйдим. Яна шунга қаттиқ амин бўлдимки, руҳий оромижонлик ҳамда хокисорлик ҳаммавақт иркит мечкайлик, олчоқлик, тубанликни забт эта олади. Менинг эса бор эътиқодим, бор меҳру муҳаббатим алақибат оддий меҳнаткаш одамлар учун фидо бўлди.

*Ньютон, Иова  
1905 йил, ноябрь*

# Kurashib yashash ishtiyoqi



Иван Айвазовский умри давомида 6 мингдан зиёд картиналар яратган. Уларнинг аксарида безовта денгиз тасвири бор. Рус давлат музейига саёҳат қилган рассомнинг ҳар қандай мухлиси шубҳасиз бир картина олдида таққа тўхтайди: “Тўққизинчи тўлқин”.

Денгизчилар билан кўп бора суҳбатда бўлган рассом ҳар гал “тўққизинчи тўлқин” ҳақида гап кетса, уларнинг кўзларида кўрқув ва саросимани кўрар эди. Афсоналарга кўра, тўққизинчи тўлқин ўта қутирган ва шафқатсиз бўлиб, ҳаёт билан видолашув палласини англатар экан.

Мавжларнинг жилоланишига меҳр қўйган рассом денгиз саёҳатларига ҳам отланади. Бир гал унинг кемаси ҳалокатга учраганида, оммавий нашрлар рассомнинг вафоти ҳақида ҳам ёзиб бўлишган эди.

Мусаввир 33 ёшида ҳаёт ва ўлим орасидаги муқаррар манзарани чизишга эришди.

Картинада тунги кема ҳалокатидан кейинги отаётган тонг, денгизнинг пўртана тўлқинлари билан инсон иродасининг юзма-юз келиши тасвирланган. Ҳалокатдан омон қолган шарқлик кишилар кеманинг синиқ мачтасига осилиб жон сақламоқда.

Олдинда “Тўққизинчи тўлқин” турибди. Улар омон қоладими, йўқми, буниси мусаввирга-да қоронғу. Аммо шуниси аниқки, инсон ҳар қандай чорасиз кўринган хатарни ҳам енгиб ўтишга ҳаракат қилиши лозим.

Картинада авзойи бузуқ осмон буржидан қуёшнинг тилларанг нурлари ёриб чиқаётгани бежиз эмас. Гўё фожианинг қуюқ бўёқлари ичра умид шуълалари бодраб чиқмоқда. Бу ўқувчи қалбида тирикликка, ҳаётга бўлган доимий талпинишни уйғотади.

“Тўққизинчи тўлқин” миллионлаб инсонлар қалбида ҳар доим курашиб яшашга бўлган иштиёқни ошира олгани билан қимматлидир.